



*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг
Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари
Маннобжон АХМЕДОВ билан суҳбат*

— **Ўртоқ полковник, халқ орасида “ҳарбийлик машаққатли, лекин шарафли касб” деган ибора бор. Сиз ушбу ҳикматли гапни қандай изоҳлайсиз?**

— Келинг, энг аввало, “ҳарбий” деган тушунчага ойдинлик киритиб олайлик. Ҳарбий ким? Шу замин, шу Ватанда камол топган халқимизнинг асл фарзанди. Эғнида — ҳарбий либос, қўлида — қурол. Вазифаси: Ватанни ҳимоя қилиш. Ўзингиз яхши биласиз. Ватанни азаддан жасур, мард ўғлонлар ҳимоя қилишган.

Бугун биз ўз олдимизга ихчам, ҳар томонлама таъминланган, ҳаракатчан, сафарбар армияни барпо этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ана шу мақсадга йўналтирилган.

Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Абдуганиевич Каримов шундай таъкидлайдилар:

“Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақлзаковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим”.

Янги қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунга биноан бизда ҳозир ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган:

- муддатли ҳарбий хизмат,
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат,
- контракт асосидаги ҳарбий хизмат,
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Гапни муддатли ҳарбий хизматни ўташдан бошлайлик. Бугунги кунда ҳамма ҳам аскар бўла олмайди. Аскар бўлиш учун кўпгина синовлардан ўтиш керак. Керакки баллини тўлаш лозим. Аскар бўламан деганлар кўп. Рақобат кучли. Шундай бўлгач, энг муносиблар танланади-да.

Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат — хизматнинг янги тури. Бунда 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган фуқаролар Ватан олдидаги йиғиллик бурчини ўташади. Бу хизматни ўтовчилар муддатли хизматни ўташлар қандай ҳуқуққа эга бўлишса, улар ҳам деярли шундай ҳуқуққа эга. Фақат белгиланган бадални тўлашлари керак, шундан сўнг бир ойлик йиғинга жалб этилади. Бу хизматта муддатли ҳарбий хизматта олишмаган чақирувчилар олинади.

Контракт асосидаги хизматта муддатли ва сафарбарлик

чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўтаганлар танлаб олинади.

Офицер бўлиш учун олий ҳарбий билим юртида ўқиш керак. Айтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳарбий бўлиш осон эмас. Энди ҳарбий бўлдингми, ўзига хос қийинчиликларга бардош берасан-да. Ватан учун хизмат қилиш ҳамisha шарафли иш ҳисобланган.

Шу ерда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини ёдга солиб ўтмоқчиман:

“Армияда хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман”.

— **Ўртоқ полковник, “Ёшлик” журнали ёшларимизнинг сеvimли нашрларидан бири. Шу сабабли кўпгина ўспиринлар таҳририятимизга мурожаат этишиб, келажакда ҳарбий бўлиш орзусида эканини билдиришади. Улар биздан ҳарбий ўқув юртларига кириб ўқиш тартиб-қоидалари ҳақида сўраб-суриштиришади. Ушбу мавзуда ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Ёшларимизнинг ҳарбий бўлишга қизиқишлари қувончли ҳол, албатта. Бундай мурожаатлар бизга ҳам тез-тез бўлиб турибди. Ҳозир бизнинг мамлакатимиздаги Мудофаа вазирлигига қарашли қуйидаги олий ҳарбий билим юртлари мавжуд: Тошкент олий умумқўшни қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик ҳарбий билим юрти, Ўзбекистон олий авиация ҳарбий билим юрти, Самарқанд ҳарбий олий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети.

Ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш ўзига хос тартибга эга. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлаётган фуқаролар аввало яшаб турган жойларидаги мудофаа ишлари бўлимларига мурожаат қилишлари керак. Бу ердан тўлиқ маълумотларни олишиб, керакли ҳужжатларни мудофаа ишлари бўлими ходимлар билан биргаликда тайёрлашади. Ҳужжатлар тайёр бўлгач, қандай ҳаракат қилишлари ҳам тушунтирилади.

Ҳар йили март-апрель ойида олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш қоидалари Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи “Ватанпарвар” газетасида эълон қилиб борилади. Ана шу газетани қузатиб боришса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳар йили ўқишга кириш қоидаларида баъзи бир ўзгаришлар бўлиб туради.

— Маннобжон Аҳмедович, тартиб-интизом ҳарбий хизматчининг энг олий хислатидир. Бу олий хислатни аскарда шакллантириш учун энг аввало тарбиявий ишларни изчил олиб бориш керак. Сизларда бу масалада қандай тадбирлар олиб борилган?

— Маълумки, барча замонларда ҳам тарбия масаласи жуда муҳим аҳамиятта эга бўлиб келган. Чунки тўғри ва яхши тарбияланган фарзанд эзгу ишларни амалга оширади. Ота-онасининг юзини ерга қаратмайди, маҳалласининг обрўсини юксалтиради. Халқнинг порлоқ келажаги ишончли қўлларда бўлади.

Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишаётган Ватанимиз ҳимоячилари бўлмиш фарзандларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш бугунги куннинг муҳим, энг долзарб вазифасидир.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг: “Биз бутун армиямизни ҳақиқатан ҳам муғлақо янгича, замонавий негизда, авваламбор, юксак маънавий асосда ташкил қилмоқдамиз”, деган сўзларининг замирида маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ каби хусусиятлар мужассамлашган.

Аслида, шахсий таркибнинг жанговар шайлиги тарбиядан бошланади.

Аскар ҳарбий хизматининг дастлабки кунидан бошлаб қатъий кун тартибига риоя қилиш асосида фаолият кўрсатади. Кун тартиби шундай ишлаб чиқарилганки, унда аскарнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, машғулотларда иштирок этиши, жисмоний машқлар билан шуғулланиши, дам олиши, худлас, барча-барчаси инobatта олинган.

Шуни таъкидлаш керакки, аскарликка энг сара ўғлонлар танлаб олинаётганлиги боис ҳозирда улар билан ишлаш осон кечмоқда.

Аскар жамоа бўлиб бир ётоқда яшашнинг ўзи тарбия. Қўпчилик билан муомала қилишга ўрганади.

Сафда шахдам қадам ташлаб юриш ҳам — тарбия.

Аскар ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида тарихимизни ўрганади, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишлардан воқиф бўлади, дунё янгиликлари билан танишади.

Хуқуқий билимларнинг ягона куниди умумҳарбий низомлар ва амалдаги Қонуларни ўрганишади.

“Армия — ҳаёт мактаби” деганлари бежизга эмас. Армияда хизмат қилган йилгит мустақил ҳаёт кечиришга тайёр бўлади.

— Ҳар қандай инсоннинг, хусусан, ҳарбийларнинг ҳам тарбиясида китоб-китобхонлик асосий рол ўйнайди. Ҳарбий даргоҳларда ушбу масалага қандай қаралипти? Китобхоналар аҳоли қандай? Обунага эътибор етарлими? Жумладан “Ёшлик”ка?

— Бу саволингизга жавобни қуйидагича бошламоқчиман: Китоб ўқимайдиган одам росмана ҳарбий бўлолмайди.

Энди китобхоналар масаласига келсак, барча қисм ва бўлинмаларимизда китобхоналар мавжуд. Уларда малакали мутахассислар хизмат қилишапти.

Яқинда Мудофаа вазирлиги китобхоналар учун 54 минг нусхада китоблар сотиб олди.

Ўқорида аскарнинг кун тартиби ҳақида гапирган эдим. Ана шу кун тартибига мувофиқ, аскарнинг бўш вақтларида махсус китоб ўқиш соатлари ажратилган.

Китобхоначилар ташаббуси билан шахсий таркиб билан шоир ва ёзувчилар ўртасида тез-тез учрашувлар уюштирилиб турибди. Янги китобларнинг муҳокамалари ташкил этилмоқда.

Тарбиячи офицерлар аскарларнинг китобхонага бориш-бормаслигини доимий назорат қилиб туришади.

Кейинги пайтларда биз китобхонлик масаласига жиддий эътибор қаратганмиз.

Обуна масаласига келсак, хусусан “Ёшлик” журнаliga барча ҳарбийларимиз обуна бўлган дея олмайман-у, аммо деярли барча китобхоналаримиз “Ёшлик” журнаlinи олишади.

Аммо, бу мавсумда, ҳарбийларимизни “Ёшлик” журнаliga обуна қилишни кенг кўламда режалаштирганмиз.

— “Ёшлик” журналхонларига тилакларингиз...

— Аввало юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Тинчлик бор жойда китобхонлик, журналхонлик авжида бўлади-да.

Бевосита журналхонларга тилакларим хусусига келади-ган бўлсак, ҳамisha соғ бўлишини. Энг муҳими, журналхонлар юрагига ўқишга бўлган иштиёқ ҳеч қачон сўнмасин.

Сухбатдош: Л.БЎРИЕВ





Александр ФАЙНБЕРГ,
Ўзбекистон халқ шоири



Ўт ёқдим.

Гулханним, ёнавер лов-лов

КЕЧА

Тўлини ой фалакда ёнаётган ғўла,
Масжидлар гумбази осмонга тўла.
Асал ҳид таратган жўка шоҳида
Бедана сайроғи тинмас гўлғула.

Бақувват чинорнинг соясидаги,
Кимсасиз чойхона очик бемалол.
Самовар ёнида дамими олиб,
Чалқанча ётибди чойхоначи чол.

Қудуқ тепасида кўланка ташлаб,
Эгилиб турибди тол новдалари.
Япроқлар остидан очик кўзига
Оқиб тушаётир ой шуълалари.

Хув, олис дарича ортида эса,
Муסיқа чалади ярим тун тори.
Асал исларини таратар жўка,
Тинмайди сайроқи бедана зори.

ҲАВАСКОР ТАРЖИМОНГА
Назм — наво, назм — илтижо,
Шарқни тинглаб нашъа олурсан.

Чўзилади карвондек ҳижо,
Чилим каби тутаб ёнурсан.

Инграр наво юракни тилиб,
Шеърят бу — донишманд илон.
Ниш уради атиргул бўлиб,
Булбул бўлиб сеҳрлар нолон.

Ашъор гўзал, ашъор мафтункор,
Бекорларга дол этмагайдир.
Асал ва май ичига бекор
Қилич тигин беркитмагайдир.

Овутма ўзингни, шаккар байт,
Ҳолва бўлур сатрма-сатр...
Тоғда булбул чаҳ-чаҳлаган ҷайт
Шеърда янграр асрма-аср.

Мағрур яша, мардона, мард бўл,
Умринг бўлсин дунёга зийнат.
Шарқона байт атридан маст бўл,
Таржимага қилмагин журъат.

Шеър — Аллоҳнинг товши,
яширин

Қулоғингга урилмоқдадир,
Шўртаққина қондек сўз ширин
Дудоғингда тирилмоқдадир.

ЯПОНИЯ

Тонг иероглиф мен учун,
Муҳаббатим уфқда самовий.
Сенинг нафис шамсиянг нечун
Осмон каби яшнайдими мовий?

Нечун орол ўлканг устида
Чағиллаб чарх урар чағалай?
Нечун сенинг елканг устидан
Маъюс боқар икки ҳилол ой?

Балки олам зар уқасига
Олмос тошни тикканидир бу.
Океан ва тонг ёқасидан
Қуёш бошнинг чиққанидир бу?

Балки бу юрт рамзидир шундай:
Телба ботир тушмаган асир —
Кўтаргандир қайсар самурай
Башар узра оташ ва шамшир?

...Сарв куйлайди шамсия узра
Токубоку китобин севиб
Ўқигани сингари япон
Океanning тўлқинларини
Варақлайди бу кўхна макон.

* * *

Ўт ёқдим. Гулханним, ёнавер
лов-лов,
Олов, қадрдоним, шамолда ўйнаш.
Мен нима тондим-ов, не
йўқотдим-ов,
Жоним-ов, барини шарт эмас
санаш.

Августнинг эғнида ям-яшил либос.
Ёғоч, ермой ҳиди. Арчазор-сарвзор.
Айни шу ёшимда на кас, на нокас
Ҳеч қачон дилимга беролмас озор.

Олмаҳон ғуддани қоқар
қаттиқроқ,
Нигоҳимни сезди, алаңлар зумда.
Нинабарг тишладим. Бир оз
аччикроқ,
Таъми, хушбўй ҳиди қолди оғзимда.

Кундуз. Тайга шодмон этди
дилимни.
Қарағайлар ёмғир ичра чўмилди.
Мен оловга тутдим икки қўлимни.

Буталар томчига дувва кўмилди.
Тортанак инини тебратади ел.
Совуқ уффтортади. Тайга ўрмони.
Бас қил, какку, бас қил! Яна
 неча йил
Умр кўришимнинг керакмас сони.

* * *

Томларнинг устида кўринган замон
Буюк "Сомон йўли" —
 зарафшон водий,
Шу водийдан менга хатлаб бер
 макон,

Яратувчи, ҳукминг — мангу, абадий.

Юракда манманлик завқин ҳис
 этиб,

Худоё, ожизлик қилиб кўймайин.
Бехуда бировнинг дилин оғритиб,
Бировнинг хаёлини бўлиб кўймайин.

Ўзим билан ўзим қолайин тунда,
Доғули лаҳзалар эсга тушмасин.
Мен учун бегона, ўзга сандонда
Менинг оташ болғам ишга
 тушмасин.

Мени ёт анғизга ҳукм этма қаҳқор,
Биров ўрган бугдой сомонин йиғмай.
Ўзимни мажбурлаб кўрдим неча бор,
Яшадим мен ўзга қисматга сиғмай.

* * *

Пишиқ ғиштан уй солдим.
 — Кимга?

Кимга солдинг? — дейсиз.
 - Ҳеч кимга.

Тўрт тарафи дашт уй олдиди
Чашма сингиб кетади қумга.

Қор-ёмғир бузолмас устини,
Мустаҳкамдир синчи, устун.
Бир бечора йўловчи унда
Ўтиб қолар балки қиш туни.

Юрак-бағри ярадор одам,
Балки тонгай шу уйдан малҳам.
Бир кун тонгда остона ҳатлаб,
Катта йўлга ташлагай қадам.

Ўта туриб магар бахтиёр,
Туйнук оша қичқирсанг:

“Ким бор?”

Майсаларда шитирлар шамол,
Чағиллайди қушлар беғубор.

НИГОҲ

Дарёга тўрини ёйди балиқчи,
Кимга май, кимгадир амал, васиқа.
Ғижжакнинг камони осмонга чиқди,
Тупроққа ёғдирмоқ учун мусиқа.

ТОҒДА ТУН

Арчазорлар аро дайдийди шуъла,
Қоялар дарёга ўзин ташлайди.
Осмон — тикка боқар ёлғиз қорақўз,
Қорачўғи ичра ҳилол яшнайд.

* * *

Қабристонга бордим, қиш-баҳор эмас,
Юрагимга эсди мезон шамоли.
Осмондан ёғаётган оппоқ қор эмас,
Онамнинг бор-йўғи битта рўмоли.

Туғилган кун эди, тўлди паймонам,
Ноябр кўзида дарёни кўрдим.
Ноябрда дунёга келганди онам,
Ноябрда, эвоҳ, дунёни кўрдим...

ҲАЗИЛ ЭЛЕГИЯ

Атиргуллар сўлди. Булбуллар ўлди.
Айвон кузги хазон барглarga тўлди.
Гўшт бурқсиб тутари — сиҳлар
 занглади.
Бўш пиёла узра мурча сайр қилди.

Дутор юрагимни эритган ерда —
Самоваркарнайдан қағиллар қарға.
Супадан ағнаган маст-аласт каби
Туман эниб тушар тик Бўрижарга.

АДАБИЁТЧИГА

Рақибдан ўч олишни истаб,
Ғиж-ғижлайсан сен мени унга.
Уриштирмоқ чорасин излаб,
Озиб кетдинг сен кундан кунга.

Омма учун сен сўз ўйнайсан,
Қилич дейсан қаламнинг кучин.
Халқни билмайди деб ўйлайсан:
Бу нимага, бу нима учун?

Санаб кўйгин то юзга қадар.
Сўнг ҳушингни йиғиб ол, нодон —
Ҳаётда Дон Кихот, Искандар
Кўришмаган асло, ҳеч қачон.

У ғам чеккан, руҳан қийналган.
Бу ўт кўйган, ўлдирган қаттол.
Бироқ бир хил пичан чайнаган
Доим Росинант ва Буцефал.

* * *

Сен жимсанми?
Жим тур.
Замон айбдормас,
Ҳеч нарса чиқара олмас овозанг.
Кўкрагингда жомдек ичи бўш юрак
Тили йўқ қўнироқ каби чалмас занг.

Ҳаёт ҳаёт эмас янги кўшиқсиз.
Эски кўшиғингни куйлама такрор.
Жим тур. Боелагунча янгидан Худо
Ёруғ юлдузлардан майсаларга тор.

* * *

Айт-чи, орзу ва ишонч боис
Энди ортга қайтмайсан, наҳот,
Соҳилингни тарк этдинг, олис
Мўъжизага интилдинг фақат?

Қайга? Мисли қўлетмас ёлқин
Орзуниг ушалмайди ҳеч замон.
Мўъжиза бу — доимо тўлқин,
Соҳил эса, бу — ердир ҳамон.

МУҲАББАТ

Муҳаббат, хайр энди,
 мен сузиб кетдим,
Сув бўйида тутаб қолди гулҳаним.
Лабингдан мен эмас, юлдузлар ўпди
Ёнингга қолмоққа йўқдир имқоним.

Ҳижрон қайиғимнинг арқонин узар,
Ишонч-иродани ажр, этар дунё —
Оқимни синганлар тенага сузар,
Оққанларни настга оқизар дарё.

Мен оқдим. Дарёнинг оқими бебоб.
Энди дудогингга юлдузлар кўнмас.





КАРПАТ ТОҒЛАРИ

Фалак тере айланди. Тўхтаб
қолди вақт.
Булутлар ичинда сурнай чалинди.
Ғуцул қиз жуҳутга кўз сузди,
бадбахт,
У ҳам қиз макрига асир олинди.

Дудоқлар очилди, юмилди кўзлар,
Йигит қиз қоматин қилди
саждагоҳ,
Карпат тоғларида ёнган
юлдузлар
Амри маҳол тўйга ўқиди никоҳ.

Иккови ёш эди ҳам шўхи бевош,
Тонггача беркиниб ётди ўтлоқда.
Сомон ғарамга бош қўйди икки ёш,
Бир-бирин васлига етди овлоқда.

Зухро юлдуз сўниб, уфққа ботди,
Севишганлар уйга келди эгиб бош.
Яхудийни кўриб, ақлин йўқотди
Шоп мўйловли барча ғуцул
қариндош.

Муттасил тўкиллаб турди болтаси,
Сигирлар маъради, хурди
кўпнак ит,
Йигитга дўқ урди қизнинг отаси:
– Уйимда қорангни кўрмай, ҳой
жуҳут!

Отлар кишнади ё қолди ғуцуллар,
–Ортга қайтди ғамгин яхудий йигит.
– Тел-Авивга кўчиб кетмасанг агар,
Биробиджонингга биздан салом элт.

Қўра орқасидан ўтаётган они
Кўрди даричадан оққан дарёни.
– Йиғлама, ғуцул қиз, йиғлама, жоним,
Севги бор. Тан олма бошқа дунёни.

Севги бор. Бироқ шум тақдир аллади.
Қаллиққа келганда тунда билдирмай.
Орқасига ғуцул пичоқ қадади,
Юрагида бўзлаб қолди бўзтўрғай.

Тонгда қуёш чиқди, яшнади яйлов,
Карпат осмонида йиғлади Худо.
Шапка кийган икки нафар
шопмўйлов
Ғуцул қабр қазди. Ўлди яхудо.

Тарк этаркан марҳум
кўмилган жойни,
Бой эмас экан деб алам тортишди.
Белкурак сопига ёпишган лойни
“Правда” газети билан артишди.

Нақадар панд бердинг яна, гўр ёшлик,
Яна шам ўтида ёнди парвона.
Йил ўтмай юракдан ариди ғашлик,
Чиройли жилмайди ғуцул қиз яна.

Қиз қаддин кўтарди
Карпатнинг тоғи,
Мовий кўзда қайғу қолмади мутлоқ.
Кўз ёшдан ювилиб кетди ишқ доғи –
Ёмғирдан яшнади ям-яшил ўтлоқ.

Йиғлади. Юпанди. Унутди буткул.
На куйди, на айби учун ўртанди.
Яхудий йигитнинг қабри, ҳар тугул,
Ғуцул майсалари билан бурканди.

...Жануб шамоллари Карпатдан ошди.
Турна келди иссиқ юртлар тарафдан.
Оёғингга янги этик ярашди,
Бўйингга ярашди янги сарафан.

Сенинг пешонангда порлади қуёш.
Елкангда чўр бўлди қирмизи гул нор.
Наҳотки, юрагинг юрак эмас, тош?
Наҳотки, қонингда жўш урмас баҳор?

Изингдан йигитлар изғир интизор,
Ҳар бири бир бўса олмоқ учун шай.
Ғуцул қиз, бўлмасанг наҳот бахтиёр?
Наҳотки, тоғларда чалинмасанг, най?



Айрилиқ тўфони — аччиқ,
аламнок —
Оламни бузади, ғазаби сўимас.

Қайиқда сирпанчиқ тахталар йиғлар.
Қирғоқда гулханнинг тутуни ўчди.
Ойдаи жамолингни тўсди
булутлар,
– Кечир! — юрагимдан
бир нидо учди.

ФОЛБИН ҚИЗ

Озми, кўпми кун кўрдим не кўй,
Бол ё қамчи едим мен қай пайт —
Ҳой дўли қиз, ўтмишимни кўй,
Келажагим қандай бўлар, айт?

Билакузук ўйнар сеҳрли,
Қарта чийла, мўъжиза ярат.
“Қора қарға” очиб қаҳрли,
Жудоликни қилма башорат.

Макру жоду билан қарта суз,
Тақдир кимни кимга қўшади —
Қарта очсанг, атай қиролсиз
Топпон хотин қўлга тушади.

Менинг ҳам бир омадим келсин,
Қайғум кетсин, бахтимдан очгин.
Менга ҳам бир уй насиб этсин —
Нася эмас, нақдимдан очгин.

Фолинг нукул ёлғон бўлса ҳам,
Ҳечқиси йўқ, эй, қоракўзим.
Ҳақиқатни эса, ўлсам ҳам,
Ёлғиз ўзим топаман, ўзим.



* * *

Яшира олмайсан эҳтирос шаштин
Зимдан қовоғингдан қор
ёғдирсанг ҳам.
Сездим елкангдаги оловнинг
тафтин,
Қор учқунли пўстин кийиб
юрсанг ҳам.

Хиромон этикчанг гўзалдир, дилбар,
Шимол туманидек пайпоқчаларинг.
Ахир ҳеч нарсага арзимас улар,
Яланғоч кўринса оёқчаларинг.

* * *

Ҳаётдан, жаннатдан, дўзахдан,
Ердан, кўкдан не ортиқча мен
Улоқтириб ташласам агар,
Сен қоларсан, Сен қоларсан, Сен.

Кўкда юлдуз парчаларидан
Сиймонгни яратдим, ёлғизим.
Шундай яратдимки мен Сени,
Ортиқчама дунёда ўзим.

* * *

Шон-шуҳрат, шов-шувинг
сенинг риёкор,
Умрбоқийликка интилмоқ сароб.
Темир ҳам оловда эрийди бекор,
Вақтида биринж ҳам
бўлгайдир хароб.

Хўш, нима дунёда қолар
ўзгармай?
Нималар хуш ёққан
азалдан халққа —
Жонона жамоли, бир шиёла май,
Тамаки тутундан ўрлаган халқа...

* * *

Пастдан қирга, қирдан пастга
Йўл юрсам, толмас оёқ.
Бир—картошка, икки—картошка,
Учинчи марта—пирог.

Овга чиқсанг, ўқ ота,
Бахт бўлгай уч бор ато.
Бир ўқ—хато, икки ўқ—хато,
Учинчи ўқ—бехато.

Бир, икки—пуч бўлса,
Учинг бордир, кам дема.
Гар учинг ҳам пуч бўлса,
Яна тўрт бор, ғам ема.

Беш бор, ўн бор, юз... йиқилсанг,
Ўрнингдан тур, ҳаётсан —
Нолдан бошлаб санай билсанг,
Сен мангу барҳаётсан.

* * *

Қишлоқ сокин. Тун беозор.
Халқ далада дон ўрар.
Деворнинг нарёғи мазор,
Хочлар қийшайиб турар.

Сен девордан ўтма нари,
Митти савба, чекма ғам —
Олтин қуёш уфқ сари
Ошиб кетган бўлса ҳам.

Ҳақ билдирди билмагани,
Урган билан қул ўлмас.
Ўт ўришни билмагани
Ўроқчилар эл билмас.
Бу гап маълум сенга ахир,
Ким қисматга эгадир.
Бундаги ҳар семиз сигир —
Амр этар маликадир.

Дардга дармон айла даво,
Майли толеъ шўр бўлсин.
Шундай қўшиқ куйла, Саъва,
Ўроқчилар жўр бўлсин.

Боларилар уясидан
Бол оққандек йил ўтар.
Ким жой берар чайласидан.
Кимлар сенга май тутар.

* * *

Қоронғу тун аро
дайдисанг гумроҳ.
Нобон об-ҳаводан
ранжима зинҳор.

Фақат зулмат бўлмас
бир умр ҳамроҳ.
Олиса милтиллаб ёнган олов бор.

Бу олов дарбадар юрган маҳалинг
Меҳр ва ҳарорат бергай беминнат.
Умид ва ишончинг қайтади ҳали,
Ахир бир умр юз ўгирмас омад.

Оловни ўчирса изғирин шамол,
Яна қоронғуда қолеанг ногаҳон.
Сўнги чора эрур оддий бир амал —
Тўхта-да, гулханга унна шу замон.

Кафтингда авайлаб, гугурт
чўпин чақ,
Тамаки тортиб, ўт ёқишга шайлан.
Йўлсиз биёбонда гулхан ёқ, ўт ёқ.
Сен ҳам биров учун оловга айлан.

* * *

Аслан ишонч билан
яралган жонман.
Худонинг хочини унутдим зотан.
Кечир мени Ишонч, кечир,
даъфатан
Ярадор қуш каби
боқдинг осмондан.

Мен шеър ёзадиган
ғалча ноумид,
Бир умр чорасиз май
ичдим нукул.
Қабристон қошида менга
шафқат қил,
Мен каби гумроҳни кечиргин, Умид.

Муқаддас Муҳаббат,
сен ҳам кечиргин,
Икки инсонга мен
қилмадим шафқат.
Овутмоқлик учун лабингдан
новвот
Сўзларни фаришта мисол учиргин.

Агар мени ҳамма унутса осон,
Тупроқ, сен оларсан мени
бағрингга.
Шам ёқиб қўяди менинг қабримга
Ҳеч курси ўзимга ўхшаш бир инсон.

Рус тилидан Рустам Мусурмон таржимаси.

Исмоил ШОМУРОДОВ

БИР МУҲАББАТ ТАРИХИ

*Кусса*

Баҳор!

Ер юзидаги барча жонзотлар уйғонган, ҳатто Шоирнинг-да уйқуси аввалгидай эмас. Бир ётишда ўн соатдан ошириб ухлаёлмай қолган, бироқ эски одати бўйича бир суткагача кўзини юмиб ётаверади. Ҳаводан ишқ-муҳаббат ва бошқа нозик ҳис-туйғуларнинг ҳиди келиб қолган.

Улар — беш бўйдоқ Шоирнинг икки хонали уйида яшашади, шу пайтга қадар бирортаси уйланмади, уй ҳам олмади. Барчаси бўйдоқ эмасми, йигитларга баҳор тезроқ ва кучлироқ таъсир қилади. Шу пайтга қадар ёлчитмаган бўлишса-да, муҳаббат уларнинг энг асосий муаммоси. Шунинг учун дарахтлар гуллаши билан бурунларини севгининг нозик ҳидлари безовта қила бошлади.

Шоир шу ҳақда, яъни атрофда анқиб қолган муҳаббат иси тўғрисида, тунов кўни бир шоирона гап қилган эди. Романтиканинг фаҳмига етмайдиган Алишер “бу капиталист Бастамовнинг ҳожатхонасидан келаётган ҳид”, — деб унинг шармадасини чиқарди. Шоир бунга жавобан бирор нарса деёлмади, ҳақиқатан ҳам Бастамовнинг ўзи учун қуриб олган хусусий ҳожатхонаси (хусусийлиги шундаки, шошиб қолган таниш-билишларга фойдаланиш учун калитини бериб туради, унинг ҳар қандай нарсадан фойда олишга ўрганганлигини эътиборга оладиган бўлсак, текинга бўлмаса керак, бироқ бу ҳақда тарих сукут сақламоқда) қўнлар исиши муносабати билан ўзидан ҳид тарата бошлади. Шоир буни яхши билади, бироқ у маъжозий манога гаширувди, Алишер — барча нарсани тўғри тушунадиган одам буни қаёқдан билсин?

Лекин гап-сўзларга қараганда яқинда Бастамовнинг “кичик уйча”сини олиб ташлашармиш. Ўзиям ҳокимликнинг шундай рўпарасига — хиёбоннинг ўртасига қуриб қўйилган-да. Майли, бу бошқа масала ва у ҳақда мавриди келганда алоҳида сўз юритилар, ҳозир гап севги тўғрисида.

Ошиқлик чипқондай бир гап — бировга айтиб бўлмайди, кўнглишгни дастурхон қиладиган бўлсанг, ортингдан масхаралаб, кулиб юришади, индамасанг оғриги ёмон, юракни ўртаб ташлайди. Ҳар иккаласида ҳам бир жойда ўтиролмади қоласан, ўзингни ўнг келган ёққа уриб, зир

чопишинг керак. Фақат бири кўнглида пайдо бўлса, бошқаси, аксарият, орқада.

Шоирнинг тез-тез севиб қоладиган одати бор. Ҳар бир муҳаббатдан сўнг тўрт-бешта оқарган соч ва икки-учта чала шеър эсдалик бўлиб қолади. Бу шеърлар, албатта, тезда газетанинг тўртинчи бетига бўз боланинг юзига тушган хусибузарлардай бўлиб, эълон қилинади. Қалам ҳақи қўйиш пайтида у муҳаррирнинг олдида кириб олиб, беш кило гўштнинг пулини талаб қила бошлайди.

— Эй, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шоирга ҳам бундай гонарар берилмайди, — дейди бошини чангаллаб олган муҳаррир Салим ака. — Бошқаларга нима қолади? Ана, Ҳалим акани алдаб, фермер хўжаликлари бўйича бир саҳифа мақола тайёрлатган эдим. Шунга ҳам кўпроқ пул қўйиш керак. Бўлмаса умуман ёзмайди. У шусиз ҳам қисир сипирдай гап. Тўғриси, бу саҳифа ўтган йилгисига жуда-жуда ўхшаб кетаяпти-ку, майли-да, йўқ, демай, қатор тушириб берганига раҳмат дейиш керак. Бўлмаса яна аразлаб бир ой давомида ҳеч нарса ёзмайди.

— Нимага тушунмайсиз? Мени шу Ҳалим ака билан тенглаштирасизми? Агар мана шу газетанинг тарихда қоладиган бўлса у ҳам менинг шеърларим туфайли бўлади. Келажак авлод сизни ҳам Сервантесга пул бермаган бойлар каби қарғаб юрмасин, дейман, тарихда номингиз саҳий инсон, Ҳотам тойи Соний, яъни иккинчи Ҳотам Той, ёки дейлик, Меценати Соний сифатида қолишини истайман.

Муҳаррир унинг бунақа баладпарвоз гапларини хўп эшитган, тарихда яхши ном билан қолиш масаласи уни кўпан қийнайвермайди. Шу Шоир билан тарихда қолгандан кўра ном-нишонсиз ўтиб кетишни афзал билади, чунки ички бир ҳис-туйғу билан мабодо унутилиб кетмаган тақдирда ҳам, келажак авлод Шоирни яхши сўз билан хотирламаслигини англайди. Шунинг учун Шоирни қарғанинг тилидай келадиган шеърларига ўз нарҳини қўяди. Бундан эса Шоир кўп хафа бўлиб, икки-уч кун уйдан чиқмай, диванига ётиб олганча ухлайди. Бироқ ҳаёт давом этаверади. Тириклик Шоирнинг тўрт-беш қатор шеърига кам ҳақ тўланишти, деб тўхтаб қолмайди.

Орадан анча вақт ўтиб, Шоир яна илҳом излаб қолади, бу матаҳ эса унга фақат муҳаббат орқалигина келади.

Журналист туғилганидан буён Шоирниқичалик инжиқ илҳом парисини кўргани йўқ — унинг учун авваломбор бировни қаттиқ севиб қолиш, сўнг хонадаги барчанинг ухлашини кутиш керак. Шундайям ҳеч ким хуррак от-маслиги лозим, бирор шубҳали товуш чиқса бас, ҳаммаси чиппака чиқиб, Шоирнинг хаёли қочиб кетади. Шунинг учун у Журналистга, ҳеч бир ишқисиз, севгисиз, атрофдагиларнинг бақир-чақирига қарамай ҳам келиб турган илҳом париларини болаҳонадор қилиб сўқиб юради.

Кейинги икки ой давомида қаталоқ чаққан ғунажиндай шаталоқ отиб, чоғиб юраверганидан (қиш ойларида палтога ўраниб юрганлари учун бирор қизни яхши кўролмаган эди, шунинг учун ижоднинг баракаси бўлмаган) Шоир газета учун бирор қатор ҳам материал туширмади. Ўз ишини бажармай юрган пайтда бу унчалар сезилгани йўқ, бироқ муҳаррир охириги икки ойлик қалам ҳақини бирдан тарқатдию ҳамма, ҳатто қотиба Иззатой ҳам (муҳаррирнинг “муаллифлар кўпроқ бўлсин” деган қийин-қистовидан сўнг Журналист бир мақоласини унинг номидан чиқариб юборган экан) озроққина бўлса-да, қалам ҳақи олди. Шоирга эса ҳемири ҳам тегмади. Чўнтагидан, ҳатто қайноқ илҳом келганда ҳам бўёғини қизганиб, ёзмайдиган, фақат тарихий ҳужжатларга имзо чекканда ёки раҳбарларнинг олдига интервью олиш учун боргандагина чиқарадиган чиройли, ялтироқ ручкасини чиқариб, шайланганча, рўйхатдан ўзининг исм-шарифини излаб қолаверди. Бу рўйхатдан унга ўрин тегмаган эди. Ниҳоят ўзига келиб, норозилигини билдириб, столларни бир-икки тепди, Салим ака уни тинчлантириш учун, тасалли бермоқчи бўлди:

— Кейинги сафар яхши-яхши шеърлардан ёсангиз, уч баробар қалам ҳақи қўяман.

Салим ака барибир Шоирни хурмат қилади.

— Сизларнинг шу сассиқ газеталарингизга шеър ёзиб аҳмоқ бўлибманми?!

Шоир Муҳаррирдан норози бўлиб, уйига кетиб қолди.

2

Журналист қалам ҳақиға икки кило картошка, бир кило шакар ва ярим литр пахта ёғи олиб, хонага қайтди.

Муса Шоир хафа бўлганидан, ўтирволиб, илҳом билан ишқий мавзуда шеър ёзаётган бўлса керак, илҳом келмаган бўлса, тўрт-беш йил бурунги газеталар таҳламини қовлаб, бирор нарсани кўчириб, плагиатлик қилаётгандир деган ўйда эди. Бироқ Шоирнинг қандай ҳаракат қилишини олдиндан айтиб бериш мушкул — у диванга чалқанча ётганча, бир оёғини пастга осилтириб, ухлаб ётибди. Муса картошка арчиб, ёғни чала доғлаб (унинг тутунга тоқати йўқ, шунинг учун ёғ сал қизир-қизимас картошкани ташлайди), қовурмани пиширгунча ҳам кўзини очмади. Муса эса бундан севиниб, дастурхон ёзиб, чойни дамлаб келиб, бир бош пиёзни арчиб, чеккага қўйиб, энди иштаҳа билан овқатланаман деганда кўзини очди.

— Эрталаб бўлдимми?

— Бу сизнинг қайси кунни назарда тутаётганингизга боғлиқ. Бугунги кунни айтган бўлсангиз, тонг отиб, ишга бориб ҳам келдингиз. Эртанги кунни назарда тутаётган бўлсангиз, ухлайверинг, ҳали бугунги куннинг қуёшиям ботгани йўқ.

— Қорним оч. — Шоир Журналистнинг гапларини тушунмади-ю, лекин овқат тайёр эканлигини дарров англади ва ўридан турди. — Сиз очофатлик қилиб, овқатни еб қўйманг, ҳозир келаман.

У бир дақиқа ичида юзини чала-чулпа ювиб, дастурхон олдига келди.

— Ўргулдим, Салим акангиз менга бир тийин ҳам қўймабди-ку, — деди у қошиқ билан майда тўғралиб, қотирилиб қовурилган картошкалардан бирини тутишга ҳаракат қилиб.

Журналист ҳам шу бўлакни қўзлаганлиги туфайли икки ўртада сезилмас тўқнашув бўлдию ғалаба Шоир томонда кетди.

— Инсофни қадига қамаб, ҳалиги қилишибди, демоқчисиз-да, шундайми? — деди картошка қўлдан кетганидан асабийлашган Журналист. — Лекин ўзингиз ҳам бирор қатор ёзмагансиз.

— Бўлиши мумкин эмас. Икки ой давомида ҳеч нарса ёзмаслигим мумкинми? — деди Шоир қатъий қилиб. — Умуман, мен сизга майда-чуйда муҳбир эмасман. Шоирман. Менинг зиммамга юкланган вазифа улкан. Манави қум босган тумanning механизаторларини мақташ эмас, балки инсониятнинг кўнглини гўзал туйғуларга ошно қилиш. Ишқ-муҳаббат, нозик туйғулар, гўзаллик борасида нафис ва умрбоқий мисралар битиш.

Журналист лунжи тўла бўлганлиги учун унга эътироз билдирмади. Бу ҳар кунги гаплар. Бироқ:

— Пиёздан ҳам қўшиб-қўшиб енг, гапингизга маъно кириши мумкин, — деб кесатиб қўйди луқмани ютиб бўлгач.

— Ҳа, — деди хўрсиниб Шоир ўша маҳзун кайфиятдан чиқиб кетолмай. — Ёзиш керак, шоҳ асарлар битиш лозим. Лаллайиб юрган билан, биров раҳмат демас экан.

— Қалам ҳақиям бермайди... Ёзиш керак, орғиқча тўрт-беш сўм бировнинг қорнини оғритармиди.

Журналистнинг бу тарзда фикр юритиши Шоирга ёқмади.


— Ўв, хумкалла, мен нима дейман, қўбизим нима дейди... Сиз шу олган тўрт сўм пулингизга маст бўлиб юраверинг. Бу дунёда олтинга ҳам топилмайдиган туйғулар бор. Хафа бўлманг-ку, жудаям майда одамсиз-да, фикрингиз тор. Ўз қобилингизга ўралиб қолгансиз, Салим акангизга ўхшаб. Кўзни каттароқ очиб, атрофга боқинг, сизнинг “а” учлик газетангиздан ташқарида ҳам ҳаёт бор.

— Айтдим-да бир, мен шоир бўлмасам, унақа ҳис-туйғуларни тушунмайман.

— Ўзиям Ҳалим акадай фикрлайдиган бўлибсиз. Яна тўрт йил шу газетада ишласангиз, туппа тузук иккинчи Ҳалим ака бўласиз, қоласиз. Ўлай агар, ажратиб бўлмайди, фақат у кишининг мўйлаби бор ва сочи оқариб кетган. Сизда эса на мўйлаб бор ва на сочи.

— Сочим сиёрак бўлса ҳам бор-ку.

— Мен тўрт йил кейинги гапни айтаяпман. Майли, чалғимайлик. Мана, масалан сиз, ҳаётда севги деган нарсанинг борлигини биласизми ўзи? Наргиза билан жуда қуёқ гаплашишингизни яхши биламан. Лекин у севиб бўлмайдиган қиз, шундай маҳмаданани ҳам яхши кўриш



мумкинми? Дидингиз йўқ, қиз деганлари сочларининг учини қўли билан ўйнаганча, ер остидан, ибо билан термулиб турса. Наргиза-чи?! Тўпори-ку. Шундан сизнинг бу борада бирор нарсага ақлингиз етишига шубҳам бор.

— Бир пайтлар, боғчага қатнаган вақтимда, бир қизчани яхши кўрганман.

— Сиз менга ҳали бешикдаги гапларниям айттинг.

— Бир нарсани гапириб бўлмайди-я. — Журналист норози бўлди. — Бу борада тажрибам камроқ, тан оламан.

— Кам эмас, муглақо йўқ. — Шоир қатта гапирди.

— Билмайман шу бўлишингизда қандай қилиб уйланасиз.

— Биз томонларда келинни уйдагилар топишади.

— Чимилдиққа ҳам уйдагилар кирадимми?

— Шахсиятга тегилмаса яхши бўларди...

— Бор гапни айтаяпман. Шу ёшга кириб боровни яхши кўрмаган, қўлидан ҳам ушламаган йиғитни нима дейиш мумкин. Шу юришингизда, тўрт сўм қалам ҳақи олиб, оғзингиз қулоғингизда, севишиб юраверсангиз, бу дунёдан қизку, қиз, хотин ҳам ололмай ўтиб кетишингиз мумкин.

Шоирга қалам ҳақи олмагани алам қилди, шунинг учун Журналистнинг оғиз томонларини айтиб, устидан кулиб, бироз ҳовуридан тушди. Муса буни англаб турган бўлишига қарамай, ўртоғи ва ҳамхонасига қарши қатъийроқ бирор далилни қўёлмаслиги учун тилини тишлаб ўтирибди. Уям ҳала-хулага жон берадиган инсонлардан эмас, ичида “ҳап сеними, бир кун қўлимга тушасан-ку” деб ўйланиб қолган.

— Бўлмаса менга ўз тажрибангизни амалиётда ўргатинг. Сизнинг даврингиздан бир фойдалансак нима қилибди. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай, бир томондан ишқий мавзудаги мақолага факт йиғардик, тажриба ҳам ортиб қолар эди. Уйдагиларни келин излашдек машаққатдан ҳалос қилишимиз мумкин. Кейинги пайтларда ҳар борганимда ўзиям роса бир соатдан насихат қилишаяпти.

— Бўлти, - Шоирга Журналистнинг ўз айбини бирдан тан олиб, ёрдам сўраши жуда эриш туюлди. Кўзига Журналист, бугун унча-мунча қалам ҳақи олган бўлишига қарамай, анча ғариб ва бечора бўлиб кўрипти. — Мен сизга қизларни қандай қилиб яхши кўриш кераклиги ва уларни қармоққа илингириш санъатини ўргатиб қўяман. Фақат бир шарт бор, мен билан учрашувга чиқасизу, машинанинг ичида ёки мен тайинлаган жойда индамайгина ўтираверасиз. Ишимга халақит бермайсиз.

— Келишдик, қачон бошлаймиз? — Журналистга кейинги пайтларда кечаси Шоирнинг тўсатдан йўқ бўлиб қолаётгани жуда сирли туюлаётганди.

— Бугун кечки пайт чиқсак ҳам бўлади, — деди тўсатдан Шоир. — Мен кўз остимга бир дўхтир қизни олиб қўйганман. Юракдаги ўт унчалар ҳам аланга олиб кетгани йўқ-ку, бироқ икки-уч шеърга етадиган муҳаббат учқунлари бор. Бу сизга амалиётдан дарс бериш учун етади.

Бу ҳамшира қиз туман марказий касалхонасида қанақадир (Шоир ҳали бу тўғридаги маълумотларни қўлга кирита олмаган экан) бўлимда ишларкан. Кечки бешларда уйига қайтаркан, исми Нозима бўлиб, қахрамонларимиз тур-

ган Ғолиблар кўрғонининг нариги чеккасида, акасининг хонадониде яшаркан. Касалхона эса қарама қарши томонда. Шунинг учун хоҳлайдими, йўқми, буларнинг ўйи ёнидан ўтаркан. Журналистнинг тахминича, Шоир кечасио кундузи ухлаб, бошқа ҳамхоналари ишдан қайтавермагач, зерикиб, кечки пайт кўчага термулиб ўтиравериб, бекорчиликдан шу ердан ҳар кеч ўтадиган шу қизни севиб қолган. Шу кетишда диванда ётиб, ўйланиб қўйиши ҳам мумкин.

3

Шоир кечки расмий зиёфатта таклиф қилинган маданиятли кишилар сингари кулранг костюмини кийиб, галстугини таққан, Журналист эса унинг олдида ғариброқ кўринадиди — эғнида оқини-кўкиш тусли енгил куртка, шу тусга яқинроқ тор шим. Узоқдан бу шим унинг ориқ оёқларида иккита узун тол таёғига латта ўраб қўйгандай бўлиб кўринадиди. Унинг лапанглаб юришини узоқдан кузатиб турган киши ана-мана шамолда йиқилиб тушмаса гўрғайди ёки оёқлари синиб кетади, деган хавотирга боради. Бироқ Журналистнинг ўзи бундай ғаройиб ҳолатини ҳали бирор марта ҳам узоқдан туриб томоша қилгани йўқ, билмайди. Ҳозир кечки овқатга зўрға етган қалам ҳақи олганидан, Шоирни шарманда қиладиган бирор бир гап топиб, кечки пайт барча буйдоқлар йиғилганда ҳаммани қулдириб, айтиб бериш имкони туғилганидан мағрур ҳолда гердайиб кетиб бормоқда.

Шоирнинг бети тўғри маънода қорайиб кетган, дағал, кўчма маънода эса ўта қаттиқ, яъни безбетроқ, унчамунчадан уялавермайди. Келдию, касалхона дарвозасининг рўнарасига ўтириб олди.

— Ҳэй, бу нима қилиқ? Ҳар ҳолда бир парча бўлсам туман газетасининг муҳбирисиз. Кўрганлар нима дейди? Маданиятли одамларга ўхшаб, у ёқ-бу ёққа бориб турсак бўлмайдимми? — Журналист атрофга олазарак қаради, унинг назарида ҳамма “анави қиз овчиларига қаранглар”, деб қўли билан кўрсатаётгандай эди.

— Хўжалигимизнинг маданий оқартув ишлари бўйича директор ўрибосари Хайрулла ака у ёққа бир марта олиб боришга ҳам етмайдиган газетангизни пеш қилиб куйдирдингиз-да. — Шоирнинг муҳаррир ва унинг газетасига нисбатан бўлган ғазаби ҳали сўниб улгурмаган экан. — Одамларнинг неча пуллик иши бор?

— Сал ошириб юбормадингизми?! — Журналист ўз газетасини ерга уриш маъносида гапирганди, бироқ Шоир буни бошқача туншунди.

— Нимага ошириб юбораман, у одам қишлоғимиздан шаҳарда ўқиб, олий маълумотли бўлиб қайтган биринчи одам эди, шунинг учун ва касби тақозоси билан маданиятни тарғиб қилиб юргич эди, “кичик уйча”га ҳар борганида “Тарғиботчининг кутубхонаси” деган китобчанинг биттасини мижилаб кўтариб кетарди. Ўзи сал очкўзроқ эди, кўп овқат ерди ва кунига кам деганда, икки марта бормаса, сигири қисир қоларди. — Шоир шундай деб сал жимиб қолди, хаёлан нималарнидир сарҳисоб қилди, кейин башарасини жуда ақли буриштириб, хулоса чиқарди. — Қизиқ, у пайтларда мана шунақа адабиётлар ҳам кўп бўлган экан-да, а?

— Ҳа, у пайтларда идеология кучли эди, — деди Журналист ушбу мавзуга нуқта қўйиб. — Ўзимизнинг

одамларни айтаман, иккаламизни гап қилиб юборишмай-дими? Ҳар ҳолда уят. Анави иккита мухбир хотинбоз экан, қизларнинг орқасидан чопиб юрибди, деб миш-миш чиқиб кетмасин.

— Шу каллаварамлигингиз билан қандай қилиб журналистикада сиртдан ўқиб юрибсиз? Бировлар қизларнинг ортидан тушганимизни қайдан билади? Бу сизга қиз бозорими? Касалхона-ку, бунга одамлар даво истаб келади.

Журналист ўзларининг сўлоқмондай эканликларини, касал одамга ўхшамасликларини, кўрганлар албатта бирор ҳамширанинг орқасидан пойлаб келган деган хаёлга бориши аниқлигини қандай қилиб тушунтиришни билмай тилини тишлади.

— Ана, — деди ниҳоят Шоир. Унинг овозидан титроқ, ҳаяжон сезилиб турарди. — Чиқаяпти.

— У Матқовул аканинг бозорда картишка сотадиган хотини-ку. — Журналист бозор томондан катта сумкаларни кўтариб олиб, чанг-чунга ботган ҳолда қайтаётган семиз аёлга ҳайрон бўлиб термулди. — Бировнинг хотини-я, гуноҳ бўлади.

— Қанақасига бировнинг хотини? Ҳали қиз бола-ку.

Журналист қараса, Шоирнинг кўзи бошиқа томонда экан. Узоқда жигаранг нимчами, жимперми, нима балодир кийган узун бўйли, ориқдан келган қиз эринмай, солланиб юриб келмоқда.

— Яхши хотин бетидан, ёмон хотин кетидан семиради дегич эди Раззоқ бова. Бунингизнинг на бети ва на кети бор-ку, — эътироз билдирди Журналист.

— Энди бундай йўл тутамиз, — деди Шоир тарадудланиб, ўртоғининг қанқув гапларини эшитишга тоби йўқ эди. — Мен ҳаракат қиламан, сиз эса узоқроқдан туриб, томоша қилиб келаверасиз. Фақат нима бўлишидан қатъий назар менинг ишимга аралашмайсиз, бурнингизни суқмайсиз.

— Бу қилтириқ ҳамширангиз дўппослаб кетсаям, а?

— Нимага дўппослайди? Сиз яна бир бор ўзингизнинг ҳали ёр эканлигингизни кўрсатдингиз? Бу сизнинг қишлоғингиздаги жангари қизлардан эмас, шаҳар кўрган, асфальтда катта бўлган, маданиятни тушунган қиз.

Шоир шунақа гапларни айтганча, ўридан туриб, йўлга чиқди. Журналист эса анқайганча, нима қилишини билмай жойида қотиб қолаверди.

Шоир қиздан йигирма-ўттиз одим орқанда, саланглаб борарди.

Журналист уларнинг ортидан кетиб борар экан, ошиқликни, Шоирнинг тактикаси маъни-мақсадини тушунмади. Агар муҳаббат шунақа бўлса, Журналист кунига тўрт-бештасини ҳам севиб ташлаши мумкин. Ахир, бирор оғиз сўз йўқ, имо-ишора йўқ, индамай, сигирнинг орқасидан эргашган бузоқчадай кетиб бормоқда.

Тез орада Журналист зерика бошлади, уятдан юзлари қизарди, ахир чеккадан қараб турган киши бу ҳолни нима деб баҳолаши мумкин? Олдинда қиз, ортида Шоир, унинг ортида Журналист, кетиб боришмоқда, худди бир бирлари билан уришиб қолишганлару, гаплашмасликка қасам ичишган.

Бу тарзда иш тутиш Журналистга сира ёқмади, бир

кўнгил йўлини бошқа томонга солиб, ўзини кейинги шармандаликлардан қутқариб қолмоқчи ҳам бўлди-ку, бироқ улар кетаётган йўл тўғри хонадонлари томонга олиб боради, бошқа яна қаёққа ҳам қайрилиши мумкин? Бу ер чўл бўлса, сал бошқа томонга бурилсанг, изиллаб ётган даштга чиқиб қоласан.


Ушбу муҳаббатдан нималар келиб чиқиши мумкинлиги номатълум бўлиб турган бир пайтда бошқа бир ишқий саргузашт ўртага аралашди, оқибати фожеа билан туғашига бир баҳя қолди.

Ғолиблар кўрғони билан ширкат хўжалигини катта йўл ва унга параллел тарзда ўтган канал ажратиб туради. Ушбу каналнинг нарироғида кўприк ҳам бор, бироқ одамлар айланиб юришмасин деб унинг устига шу яқин ўртада пиёдалар учун икки киши ўтадиган бўлса сиқилиб қоладиган темир кўприкча қурилган. Унинг икки ёни пастроқ панжара билан тўсилган. Бу Журналистга ҳар доим мактабда, иккинчи синфнинг ўқиш китобида келтирилган бир масалдаги манман икки эчки тўқнаш келиб қолган кўприкни эслатади.

Қиз шу кўприкдан ўтиб, чинорлар оралаб, кўрғонга кириб кетди. Шоир ҳам қийшайиб, кўприкка чиқди. Агар олдинда уни нима қутаётганини билганда эди, ўлиб қолса ҳам бу ерга қадам қўймаган ва кўприкни айланиб келган бўлар эди. Бироқ у бундай қилмади, қиз болани кузатишда ҳар бир детал аҳамиятга эгаллигини, ҳеч нарсани кўздан қочирмаслик кераклигини уқтирмоқчи бўлиб, буни амалиётда Журналистга кўрсатиб қўйиш учун қиз ўтган кўприкка кирди. Ҳаммаси яхши кетаётганди. Шоир нариги қирғоққа яқинлашиб қолганди, бироқ...

Шоирнинг бахтими, бахтсизлигимиз, шу бугун хўжаликнинг моллари оёқ ёзиш учун марказ томонга ўтишган, кимнингдир қизил сигири, баҳор эмасми, қиш бўйи оғилда қамалиб ётган, бахт кулиб кўчага чиқиб насиб этган тўрт новвосчага йўлиқибди. Шу тўрталаси шўхлик қилиб, сигирни қувлаб келаётганда, Шоир халақит бериб қолди. Сигир жон аччиғида ўзини Шоир турган кўприкчага урди. Сигир шу ерда калтафаҳмлик қилди, бўлмаса сал нарида, бешалалари ҳам бемалол сизадиган кўприк бор, шунда, чопиб ўтса бўларди, бироқ унинг кўзига шу тор кўприкчадан бошқа ҳеч нарсани кўринмаётганди, ёки кичик кўприкчага ўзимни урсам анави шилқим новвосчалар сизмай, қолиб кетади деб уйладими, тушуниш қийин. Сигирларнинг мантиғи ва қай тазда фикр юритишини Журналист ҳам, Шоир ҳам билмайди. Бироқ буқачалар ҳам қайтмайдиганлар хилдан экан. Шоир эса турган жойида қотиб, нима қилишини билмай гангиди, сўнг қочди. У-ку майли, ҳатто ҳали анча нарида келаётган Журналистнинг-да юраги товонига тушиб кетгандай бўлди. Булар иккаласи — Шоир билан сигир ҳозир ўша, болалиғида ўқиган эчкилар каби йўл ташлашилади, деб ўйлаганди, бўлмади, сигир буни хаёлга ҳам келтиргани йўқ. Орқасига бурилиб, қочинга ҳаракат қилаётган Шоирга етиб олиб, кетидан бир туртиб юборганди, у тўсиқдан ошиб, шалолаб каналга ағдарилди.

Каналда сув ёз ойларидоғидай лиммо-лим бўлмаса-да, ўртачадан кўпроқ эди. Шуниси яхши бўлди, акс ҳолда ишқ кўрбони боши билан бетонга урилиб, жамиятни шуддай шоирдан, келажак авлод болаларини эса адабиёт фани бўйича битта бошоғриқдан жудо қилган бўларди.



Журналист нима қилишини билмай, турган жойида аниқайиб қолганди, сигир билан баҳор тағсир қилган бу-қачалар ёнидан чопқиллаб ўтиб кетишди. Ўзини четга олмаганда уям сувга йиқилмасе-да, тупроқда беланиб қолиши аниқ эди. Шоир эса қўлларини шалоплатганча, оқиб бормоқда. Канал бетондан қилинган эмасми, сув оқавериб, юзасида шиллик қатлам пайдо бўлган, на ушлаб ва на тирмашиб бўлади. Ушлаш учун бирор нарсаннинг ўзи йўқ, силлик бетонни тутган билан сирпаниб кетаверади. Шоир ҳам шундай қилаётти. Олдинига бу жараёнга бепарво термулиб ўтирган Журналист ҳаммаси мана шундай режалаштирилган бўлса керак, деб ўйлади. Бир кўнгил чошиб бориб, гоҳ бошини чиқариб, гоҳ йўқ бўлиб оқиб бораётган Шоирни қўлидан ушлаб, ташқарига чиқишга ёрдам бермоқчи бўлдию, унинг “нима бўлишидан қатъий назар сен аралашма” деган гаши ёдига тушиб, индамай қўя қолди. Бу жараёнга кузатувчи сифатида таклиф этилган эмасми, яхшироқ кўринсин учун канал қирғоғига яқинлашиб, энгашиб, Шоирнинг орқасидан ихлос билан термулиб қолди. Қиз эса негедир, булар билан ишти бўлмай, ўз йўлида давом этаверди. Журналистнинг назарида у нима воқеа рўй берганини сезмади ҳам, бемалол кетиб бормоқда. Ҳар ҳолда қиз бола учун бир-бирини қувиб юрган молларнинг орқасидан қараш уят ҳисобланади.

Шоир эса ҳозирча овоз чиқармай оқиб бормоқда. Бироқ у узун қўллари билан шалоплатиб сувни ҳар ёнга сачратиб борар экан, бошини орқасига буриб, қирғоқда турган ва тобора орқада қолиб кетаётган Журналистга ниманидир айтмоқчи бўлаётгандай бўлаверарди.

Журналист буни “кўрдингми, мана бундай сузиш керак, эсингдан чиқмасин” деяпти, деб тушунди.

Ниҳоят бўлмади, Шоир овозини баланд чиқариб, бақиринишга тушди:

— Муса, қўлни тутинг, оқиб кетаялман! Чўкалман!

— Бўлмаса ташқарига чиқинг-да, сузишга бало борми? — Журналист унинг гапини тушунмади.

Ахир бултур, ёз куллари ҳар кун кечки пайт чиқиб, шу каналга чўмилишарди. Шоир бу юртларда эртароқ келган ва бу каналда тўрт-беш марта қўпроқ чўмилган киши сифатида қолганларга маслаҳат бериб, барчанинг жонига тегарди, тўғриси унчалар ёмон сузмасди.

Шоир унинг бу гапини ё эшитди, ёки эшитмади, боши билан сувнинг тагига кириб олганди.

— Мени ушланг! — бақирди у бу сафар уятни ҳам унутиб.

Журналист тушундики, бу қадимий одат, эски қадриятга ўхшамайди, иш жиддий. Шошиб ўзини ўнглолмаётган матроснинг ортидан югуриб кетди. У етиб боргунча, Шоир бетоннинг бир бўртиб чиқиб турган жойидан ушлаб, тўхтаб қолди. Журналист етиб келиб, канал ёнидаги бетоннинг чиқиб турган арматурасидан ушлаб, қўлини Шоирга узатди:

— Тушунмадим, сиз илғамай қолдингизми, қиз бошқа томонга кетганди-ку?

— Маҳмаданалиқ қилмай, қўлни яна озроқ чўзинг, қўлларим толиб кетди, ҳозир яна оқиб кетаман.

— Лекин кейинги ҳафтадаги сонда тўртинчи бетда икки юз қаторлик жой бўш эди-да, — деди Журналист

чўк тушганча, имкон қадар чўзилишга ҳаркат қилиб. — Холвой ака “Беўй иш — келтирар ташвиш” деган мақола ёзиб бермоқчи бўлган эдию, газлаштириш идорасидан олиб келган материалларини илҳом келмай қоғозга туширолмай сарсон бўлиб турувди.

— Нималар деб ётибсиз ўзингизча?

— Икки юз қаторлик некролог ёзиб ташлардим, де-моқчийдим.

— Ҳэ... — Шоир Журналистнинг қўлидан маҳкам тутиб, торта бошлади. — Сизга шу — иш бўлса... Одам ўлиб кетай деяпти-ку. Чўкиб кетишимга оз қолди-я. Кастим сувга ботиб, ҳаром ўлган эшакдай оғир бўлиб кетди, такка қараб тортиб кетаялтига, вэй. Бўлмаса болалигимда Нурогада сузиш бўйича биринчи ўринни олганман. Ўшанда кастим билан сузишни ҳам ўрганиб қўймаган эканман-да.

Шоир ёшлигида қиш пайтлари молхоналарида ҳаром ўлиб қолган эшакни кўп кўрган. Бу жонивор ўзи шунақа, ёз бўйи ишлайдию, қишда оёғи қалтираб, ўрнidan туролмай ўлиб қолади. Дарҳақиқат уларнинг барчасини тақдирини бир хил — мана шундай. Ўлигини эса унча-бунча одам жойидан қимирлатолмайди.

— Гап кастимда эмас. Ўзингиз ҳам ўшаларнинг икитасидай келасиз... — Журналист кучаниб, Шоирни торта бошлади. — Ҳар доим шунақа, кераксиз нарса оғир бўлади...

— Тушунмадим, нимага шаъма қилаяпсиз? — Шоир дастлаб Журналистнинг кимлигини унутиб қўйгани ҳолда, “ўшаларнинг икитаси” дейилган гапнинг остида котиюм ётган бўлса керак деган хаёлга борганди. Фикрини бир жойга йиғиб, унинг маносини тушунди. — Гап нимада, кастимда бўлмаса?

— Қошиқда, қошиқни чўнтакка солиб юрмаслик керак эди. Шу оғирлик қилган.

— Қанақа қошиқ?

— Туфли киядиган қошиқ-чи. Ўшангизнинг оғирлиги тўрт кило келса керак... Энди хонага бориб, битта ароқ ичадиган бўлдик, бундай чўмилишдан кейин ароқ роса кетади. Пул берсангиз, дўқондан олиб ўтаман... Кучим етмаяпти, галстукдан ушлаб тортайинми?

Шоирнинг қўрқувдан қўллари чақнаб кетди, бу бефаҳм тортиқилаб қолмасин деган хавотирда бошини орқага ташлаганди, қайтиб сувга йиқилди.

— Тушунмадим? — деди Журналист унинг қўлидан қайтадан ушлаб олганидан сўнг. — Мен сизни қутқараялманми ёки сиз мени чўмилтиришга уринаяпсизми? Галстукдан тортай десам қўймайсиз, ўзингизни орқага ташлайсиз.

— Бўғиб ўлдириб қўясиз-ку.

— Ҳар ҳолда бу чўкиб ўлгандан кўра яхшироқ, одамлар шу совуқда сарсон бўлиб, жасад қидириб юрмайди.

Шоир кучаниб ташқарига чиқишга уринаётганлиги сабабли ҳам Журналистнинг бу гашига эътибор бермади. Бир амаллаб чиқиб олгандан кейин, уст-бошидан шариллаб сув оқганча, тишлари бир-бирига тегиб, таккиллаб, буришиб сўради:

— Боя қанақа некролог ҳақида гапирётгандингиз? Ким ўлибди?

— Қанақа бўларди, қадрдон дўст сифатида сиз ҳақингизда ёзмоқчи эдим. Мен ёзмасам ким ҳам қўл уради

бундай ишга. Ҳалим аками? Қўйсангиз-чи, “фермер хўжаликларининг ютуқлари” деган гапдан бошқасини билмайди у киши. Барибир шу иш ўзимга қоларди. Лекин кўнгли ийиб кетган Салим ака яхшигина гонарар қўярди. Таъзияга унинг ҳам номини қўшиб юборардим-да,

– Нима?!

Шоир Журналистни олдига солиб қувиб кетди. Журналист шаталоқ отиб қочишга тушди. “Тушпа-тузук-ку, бунинг ўладиган нияти йўқ, – деб ўйлади қочиб бораркан у. – Сигирнинг шохлагани таъсир қилмагани-чи. От тепкисини от кўтаради, деган эди Раззоқ бова, рост экан”.

Унинг ортидан иштонини хўл қилиб қўйган боладек бўлиб, узун хўл из қолдириб, Шоир чоғиб борарди.

4

Шоир шамоллаб қолди.

Кечки пайт инқиллаб ўзининг диванида чўзилиб ётганда хонада истиқомат қилувчи бўйдоқлар бирин-кетин йиғилиб кела бошлади.

Ниҳоят ярим оқарган мўйловини силаб Ҳалим ака ташриф буюрди:

– Нима бўлди, Ўтабек?

– Чўмилмоқчи бўлувдим, сув совуқ экан, шамоллаб қолдим.

– Морж бўлиб кетинг-эй. – Ҳалим ака у ниманидир яшираётганини англаб турарди. – Уйда, тоғорада чўмилсангиз бўлмасмиди?

– Бизда бунинг орқаси сиғадиган тоғоранинг ўзи бўлмаса, – Журналист совуққонлик билан масхара қилди.

– Ўзи бунақа ният йўқ эди, лекин мажбур қилишди. – Шоир Журналистнинг гашига эътибор бермай, инқиллаганча сўзида давом этди.

– Тўйда кетим тўхтамас, ҳеч ким мени мақтамас. – Ўртага суқилди яна Журналист. – Ҳаммаси битта жалапни деб бўлди.

– Ҳай, ҳай! – Ҳалим ака бирдан хушёр тортди кўзлари чақнаб, Журналистга қаради. – Қайда? Шунда жойга фақат ўзларингиз кетасизлар. Яхшимас. Ҳозир биласизлар, ҳар хил касаллар кўп. Ҳали уйланмаган йигит бўлсаларингиз, оқибатда фарзандсиз қолиб кетиш мумкин... Менга маслаҳат солсаларингиз бўлмайми? Ҳар ҳолда бола-чақам бор.

– Сизни ҳам чақириб кетмоқчи эдик, янганинг қулоғига етиб қолса, яхши бўлмайми, деб ўйладик. Кейин, сизга энди бу ишлар керак эмас, соқолга оқ оралаганда бу жуда уят, – деди Журналист совуққина қилиб.

– Унчалар ҳам уят эмас, – Ҳалим аканинг кўнгли ўксиди. – Ҳалиям, унча-мунча нарсага яраймиз...

Журналист унинг гашига эътибор бермади.

– Ўтабек менга муҳаббатнинг айрим масалаларини ўргатмоқчи бўлувди. Оқибатда ҳеч балони ўргатолмай, сувга тушган мушукдай бўлиб қайтиб келди.

– Эй, сиз! – Шоирнинг жаҳли чиқди. – Нега бир беғуноҳ қизнинг шаънига номаъқул гапларни қилаяпсиз?

– Ким айтди, сизга шунга қиз деб, кўчада чолни кўрсангиз “бовам” деб кетаверасизми. Қиз дегани шунда қилади. Камида бешта туққан бўлса керак. Эмчагини кўрдингизми?

Шоир тахта бўлиб қотиб қолди. Ҳалим аканинг эса қизиқиши ортди. Буларнинг ўртасида қанақа воқеа бўлганини англаб ололмай юраги ёна бошлади.

– Эмчаги қанақа экан? – сўради у анқайиб.

– Мана шундай бор. – Журналист қўлларини ҳовуч қилиб кўрсатди. – Йўқ, бундан каттароқ. Ишқилиб терилари буришиб кетган, осилиб ётибди. Мен бу борада озроқ у-бу нарса биламан. Ёшларининг эмчаги таранг ва кичкина бўлади ва манавинақа қилиб, орқасидан икки-учтасини эргаштириб юрмайди.

Шоир нима дейишини билмасди, у Журналистдан шунақа гаплар чиқишини кутмаганди.

– Уни нима қилдиларингиз? – сабри чидолмаган Ҳалим ака Журналист томонга энгашиб олди. – Шу совуқда чўмилишга арзийдиган иш қилдиларингизми ёки қуруқ чўмилиб қайтидиларингизми?!

– Қанақа иш? Ўтабек хўл, мен қуруқ қайтдим. Энди бир камимиз Ўтабекни сувга ағдариб юборди деб қари сигир билан буқачаларни кўчама-кўча калтаклаб юриш қолувди. – Журналист эътиборсиз эди. Ҳалим аканинг эҳтиросларини ҳам, кўзларида чақнаб турган нигоҳларини ҳам тушунмади.

– Яна қанақа сигир?

– Ўша-да, Ўтабекни сувга шохлаб юборган жалап сигир.

– Эсингиз жойидами? Сигирнинг ҳам бузуқи бўладими? Ҳалол нарса-ку. – Ҳалим ака бундай сифат молга нисбатан ишлатилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

– Орқасидан кўчама-кўча тўрт-бешта буқани эргаштириб юрганини нима дейиш керак? Шунга ўхшаган аёлларни бемалол айтаверамиз-ку. Одамдан улуг бўлиб кетдими моллар?

Ҳалим ака нима деб жавоб беришни билмай тилини тишлади. Шоир эса чуқур-чуқур йўталиб, ўгирилиб, уларга орқасини бериб ётиб олди.

Журналист ҳамон буларнинг нега бундай ўзгариб қолганини тушунолмай, фаҳмига етмай гапида давом этди:

– Шундай қилиб Ўтабек сувларда оқди. Тоҳирдайин оқди. Фақат сандиқ етишмади-да, ҳар кимники ўз муҳаббатига яраша-да, шалвираб кастим билан оқиб кетаверди.

Эртаси куни Шоирнинг аҳволи оғирлашди.

– Муса, бориб бирорта ароқ олиб келмайсизми? Мазам қочаяпти. Ўлиб-негиб қолмасам гўргайди, – деди у инқиллаб.

Кейинги пайтларда газетанинг чиқиши камайганлиги сабабли таҳририятга ҳар куни ишга борилавермаса-да бўларди. Шу сабабли Журналист нима қиларини билмай, Шоирнинг инқиллашини босиб кетармикан деган хаёлда телевизорни бақиртириб қўйганча томоша қилиб ўтирарди.

– Тушунмадим, сиз касалмисиз ёки алкаш? – Журналистга унинг гапи ёқмаганди. – Шу пайт ким ароқ ичаркан?

– Шамоллаганман, кечаги совуқ ўнқадан ўтиб кетганга ўхшайди. Ароқ суртибми, ичибми даволамаса, иложи йўқ. Ўзим ҳам ичаман деб ўлиб турганим йўқ. Шу пайт кўнглига қил сиғмайди.



Журналист кўнишга мажбур бўлди.

— Пулни қайси чўнтакдан олайин? — Журналист кийиниб бўлгач, инқилаб ётган Шоирнинг тепасига келди.

— Ие, — Шоирнинг овози тегиклашди. — Ўзингизнинг чўнтагингиздан... Бу дунёда одам деганлари ҳам шунақа бўладими? Бетоб одамдан пул сўрагани уялмасизми? Ҳеч бир этикага сифмайдиган ишни қиласиз. Касалхонага ётганимда ҳам борардингизда, бозор-ўчар қилиб. Шу харажатнинг учдан бирига битта ароқ келтирсангиз нима қилти? Ўлар жойдамасиз?

— Балки виноям бўлар? — Журналистнинг ҳафсаласи қайтди. Ичида, бирор касалхонага даволаниш учун ётадиган бўлсанг, ўлиб қолсам кўргани бормасман, деб фикр қилди.

— Ундан кўра, пиво денг? Совуққина, а? — Шоир кесатди. — Одам ўлим тўшагида ётибди-ку, сиз бўлса кечаги қалам ҳаққингизни қизғаниб ўтирибсиз? Сизга жўрачилик каптарвозлик бўлиб кетди. Винонинг спирти кам бўлади, даволикка ярамайди.

— Биринчидан, бу ўлим тўшаги эмас, диван. — Журналистнинг кайфияти бузилди. Бироқ орқага йўл йўқ. — Иккинчидан, менга ўхшаган тўрт-бешта камбағалнинг борини қоқламагунча ўладиганга ўхшамасиз.

Журналист барибир ароқ олиб келишга мажбур бўлди. Бошқа пайт бўлганда, Шоирни лаққиллатиб, кетиб қолган бўларди-ку, бироқ ҳозир мавриди эмасдай туюлди. Касал билан ҳазиллашиб бўладими? Ол худо, деб ўлиб берса борми, нақ бир умрлик армон бўлиб қолади.

Журналист ҳақиқий алкашлардай бир шиша ароқни шимнинг камарига қистирганча кириб келганида, Шоир оҳ-воҳ қилиб ётарди.

— Газаги қани? — Шоир бошини зўрға кўтариб Журналистнинг қўлидаги ароққа маъносиз қаради.

“Бу ҳали газак ҳам қилмоқчими, нима бало? Касал бўлганми ёки алкашларнинг алаҳсирашимми? Иссиғи ошиб, ресторан билан касалликни алмаштириб қўйганмикин ёки?” Журналист шу хаёлга бордию индамади. Балконга чиқиб, ёйиб ташланган, кўкариб, пуч бўлиб қолган пиёзлар орасидан амал-тақал билан тўрт донасини ажратиб олди.

— Мана, пиёз олиб келдим. Зўр газак бўлади, ҳам витамин, ҳам шамоллашга яхши даво.

Журналист усталик билан ўзлари яқинда чоп этган газетанинг устига пиёзларни арчиб (ўзи тўртта бўлишига қарамай, суви қочиб кетган эмасми, бир челақка яқин пўчоқ чиқди), унинг бир чеккасига тўғради. Стол устидаги чала ўраб қўйилган дастурхонни амаллаб очиб, аччиқроқ булқадан бир бўлагини олиб, газетанинг устига қўйди. Иккита пиёлани ювиб келиб, тантанали равишда эълон қилди:

— Ҳаммаси тайёр!

Шоир ўрнидан эринчоқлик билан туриб, нигоҳларини бир нуқтага (дастурхон вазифасини ўтаётган газетига) тикканча, анча пайтгача қимирламай ўтирди.

— Буни орқага суртмаймизми? — диди ниҳоят у ўртада гердайиб турган ароқни кўрсатиб.

— Ҳозиргина ўзингиз газак сўраётган эдингиз-ку, Тушунмадим, буни газак билан суртишадими ёки? Қизиқ-қизиқ нарсаларни ўйлаб топасиз, а? — Журналистга унинг

гапи ёқмади. — Ичдан борган яхши эмасми қайтага. Товонгача етади. Баданга суртсангиз, кирларнинг орасида ўралашиб ичкарига ўтолмай қолади.

— Ким айтади кир деб. Бўлмаган гапларни гапирманг.

— Бори шу-да, можинликни билмасам. Ўзиям охири марта қачон яхшилаб чўмилгансиз? Олти ой бўлди?

— Бир кун бўлди.

— Кечаги ҳисоб эмас. Кастим билан чўмилиш ҳисобга киргандайди, мен ҳар ёмғирда бир чўмилиб олган ҳисобланаман.

— Бўпти, ичсак ичақолайлик. Лекин агар менга бир кор ҳол бўлса жавоби сиздан.

— Менга нима, бўлмаса индамай жойингизда ётаверинг.

Барибир Шоир сирғалиб жойидан тушиб, пастдаги кўрпачага ўтирди. Бу пайт Журналист пишанинг оғзини очиб, пиёлаларга тўлатиб қўйиб қўйди.

Иккаласи чўқинтириб бир пиёладан бўшатганларидан сўнг Шоирнинг ҳам чеҳраси очилди. Иккинчиси силлиққина кетди. Учинчиси ёғдай ёқиб тушди. Тўртинчиси. Буниси ҳам жойига тушган бўлардику, бироқ Журналистнинг бебарака сузишида шишада ҳеч вақо қолмаган эди. Шоир боши айланиб турган бўлишига қарамай, нимадир етишмагандай бўлиб, жойига чиқиб, чўзилди.

— Пиёз аччиқроқ экан, — деди у уй билан қўшилиб айланиб бораётгани учун пастга думалаб кетмаслик мақсадида диваннинг четларидан маҳкам ушлаб олганича бир кекириб қўяркан.

Журналист индамади, унинг бурни қанчалар катта бўлмасин, ҳозир ўз вазифасини бажаролмай қолган. Бироқ ўзининг бетутуруқ мақолини суқиб қўйди:

— Қорин тўйди, ғам йўқ, ҳалиги қилай десанг ҳалиги йўқ.

— Пиёз билан қорин тўярканми? — диванга ёпишиб олган Шоирнинг кўнгли озиб бормоқда. — Картошка қовуриб келмадингиз-да.

— Ароқни кўриб, ҳовлиқиб қолмаганингизда, картошка қовурган бўлардим, одамларга ўхшаб ичар эдик. Энди эса бошим айланяпти, юролмасам керак. Қўлимдан келмайди. — Журналист ҳам ўтирган жойига чўзилди.

Ҳаммаси орадан бир соатлар ўтиб юз берди. Энди кун пешиндан оғиб қолган, қуёш уларнинг кўндаланг деразалари томонга ўтиб, бу икки ичувчининг юзига нур соча бошлади. Шоирнинг боши оғриши, аъзойи-баданининг қақшашига яна бир дард — ички аъзоларининг олов ёнаётгандай куйиши қўшилди. Кўкраги, қорни ачишиб бормоқдаки, унинг кўнглига даҳшатли ўй келди: мени заҳарлашди. Ароқ билан заҳарлашди.

Журналист ўзи тўғраган пиёз пўчоқларига юзини босганча, уйқуга кетган эди. Шоирнинг бақир-чақирдан зўрға уйғонди.

— Заҳарландим, ичим ёниб кетаяпти, — деди Шоир ваҳима билан.

Журналист унинг ваҳимачироқ эканлигини, Шоир сифатида ҳар балони бир-икки баробар ошириб айтишини билганлиги учун дастлаб гапларига эътибор бермади. Қайтанга ўзининг ширин уйқусидан уйғотгани учун но-рози бўлди.

– Пишак ҳар куни кетига қараб, ваҳима қиларкан, “вой-бўй, жуда катта ярам бор-да” деб, “пишак кети – ярадор” деган гап шундан қолган. – Журналист қизарган кўзларини ишқалади. – Менинг ҳам ичим қуяяпти. Бориб яхтайроқ сув ичиб юборсангиз, олам гулистон.

Бўлмади, унинг бу гаплари Шоирга заррача тасалли бағишламади. Қараса бўлмайдиган, Шоирнинг дарду ҳасратини тинглаб ўтириб, Журналист ҳам ўзининг ошқозонидан нимадир қайнаётганлигини ҳис қилди. Тўғриси, унинг гастрити бор ва булка еганда ошқозон қайнаши одатий ҳол. Бу сафар унга негадир бошқачадай бўлиб туюлди.

– Менинг ҳам ичим қуяяпти, – деди бу сафар Журналист ваҳимали овозда.

– Ароқни қайдан олгандингиз?

– Магазиндан.

– Буларнинг бари ҳозир муттаҳам бўлиб кетган-ку. Ароқлари ясама. Эшитганим бор, қайдадир бир кишининг тўйида ўн бир киши ичкиликдан заҳарланиб ўлган экан. Булар ароққа метил спиртмией, шунга ўхшаган бир нарса қўшаркан. У биринчи бўлиб кўзни кўр қилиб кўяди дейишаётганди.

Шоир кўзларини ишқалади. Журналистнинг ҳам кўз олдига хиралашиб кетгандай бўлди.

– Дўхтирга боришимиз керак, – деди у ўзини йўқотиб, бир оёғини пастга отиб юборган Шоирга қарата. – Машинани кўшинг, ошқозонларни ювириб келамиз. Балки ҳали ҳам кеч эмасдир.

– Шуниям калла деб кўтариб юргангиз қизиқ. – Шоирнинг асаби жойида эмас. – Ароқ аллақачон қонга аралашиб кетди. Ошқозонни ювган билан ҳеч нарса бўлмади. Кейин машина билан дўхтирга борсагу, бир қорҳол бўлса, машина шу ёқда қолиб кетадими? Йўқ, бунақаси кетмайди. Уни пулга олганман.

– Одам ўлиб кетаяпти-ку, машина дейсиз. – Журналист ошқозонидан таралиб бораётган оловни тобора кўпроқ ҳис қила бошлади.

– Барибир бўлмайди. – Шоир ўз сўзида қатъий эди. – Йўлда ГАИга ушлаб олса, шу заҳарланган қонимизни ҳам бир томчи қўймай ичиб юборади, ароқ ичибсанлар, мастсанлар деб.

– Биз ароқ эмас, заҳар ичдик-ку. – Журналист ўзининг гапидан ўзи кўрқиб кетди. Нафаси бўғзига тикилиб қолди.

– Барибир, – деди инқиллаб Шоир. – Яна бир марта ГАИга тушиб, итдай ялингандан кўра, уйда, мағрур ҳолда ўлиб кетган дуруст.

– Бўлмаса мен “тез ёрдам” қақираман, – деди Журналист. Унинг уйда ўлиб кетиш нияти йўқ эди.

Бу сафар Шоир рози бўлди.

Журналист гандираклаб кўшни Ҳалим аканинг хонадонига кетди. Уй эгаси иш бўлмаса ҳам тахририятга кетган чамаси, янга шу ерда экан, олдинига Журналистнинг ниятини тушунмади. У деди, бу деди, бўлмади, Журналист маст ҳолда, кўзларини сузиб, “Шоир ўлиб қолади” деганча остонада тураверди. Ниҳоят янга телефонни олиб чиқиб берди. “03” дагилар манзилни ёзиб олиб, тезда машина юборишларини айтишди.

5

Оқ халат кийган, ориқдан келган бўйлари узунгина, юзлари опшоқ, чўзиқроқ, пешонасига тўрт-беш ҳуснубузар тошган ва уларни яшириш учун тепасидаги озгина сочини қирқиб, пастга тараб қўйган (бу қизнинг жозибадорлигини янада ошириб юборган) ҳамшира йиманибгина келганида хона икки қаҳрамоннинг оқ-воҳио пиёз ва ароқнинг қўланса ҳидига тўлган эди.

Дастлаб эшик тақиллади. Шоир ётган жойидан туриб, додлайвериб, бўғилиб қолган овози билан унинг очиқлигини, киравериш мумкинлигини айтди. Ким, ҳеч ким кўринмади. Ниҳоят Журналист ўридан туриб, боришга мажбур бўлди. Кичик ва тор йўлак бошида оқ халат кийган, қўлида думалоқ, ялтироқ темир қутисини кўтариб олган, ориқдан келган, узун бўйли ҳамширани кўрдию, ичидаги ёниб бораётган олов сўнди-қолди.

– “Тез ёрдам”ни сиз қақирдингизми? – сўради қиз ерга қараб. – Беморлар шу ердами?

– Кириг, – деди шошилиб Журналист. – Шу ерда, диванда ётибди.

– Менга икки киши овуқатдан заҳарланган дейишувди. – Ҳамшира янги шекилли, чайналди.

Журналист боя сал ошириб юборганлигини тушунди.

– Йўқ, битта, ҳам шамоллаган, ҳам заҳарланган. Иккинчиси...

Журналист чиройли қизни кўриб шошиб қолди, нима дейишини билмай, гап тополмай “униси аллақачон ўлган, кўчага чиқариб ташладик”, демоқчи бўлдию, сал ўйга чўмиб ўзини босди. Гап чувалашиб кетишини тушуниб, калта қайтди:

– Тузалиб, чопқиллаб кетди.

Хонага кирган ҳамшира турган жойида қотиб қолди. Илгарироқ келиб, Шоирни туртаётган Журналист қизнинг жимжитдайгина бурни жийирилиб, кеча терилган қошлари қийшайганини англади ва бирдан хонанинг ҳолатига ўзга кўз билан қараб, ўзидан ҳам, диванда бир оёғини пастга осилтириб, инқиллаб ётган Шоирдан ҳам уялиб кетди.

– Туринг, Шоир, ҳамшира келди. Кўриб қўймоқчи экан.

– Деразани очиб қўйсаларингиз бўларкан, – деди ҳамшира одоб билан. – Ҳар ҳолда кўчада баҳор. Тоза ҳаво, ҳар қандай дард бирдан енгил тортади. Кейин, мени пастда шофёримиз кутиб турибди.

Журналист тушундики, ҳамшира қайга келиб қолганини тушунмай, биров чўчиаяпти ва ўзининг ҳайдовчиси билан булар иккисини огоҳлантироқчи бўлаяпти.

– Очманг, – деди Шоир ёртган жойида дераза томонга бораётган Журналистга. Ҳамшира бош томонида турганлиги сабабли, уни кўролмасди. – Ўзим шамоллаб ётибман-ку, бадтарроқ қилмоқчимисиз нима бало? Дўхтир деганлари тоза ҳаво билан эмас, дори билан даволайди. Ҳаво текин, кейинроқ ҳам нафас олаверамиз.

Журналист нима қиларини билмай, ўртада қотиб қолди. Оёғининг остидаги газета ва унинг устида сочилган пиёз пўчоқлари, нон ушоқлари ва думалаб ётган шишага қаради.

– Сиз адашяпсиз, – деди Журналист ниҳоят Шоирга. – Ҳамшира билимдон кишига ўхшайди, бир туриб қаранг.



Унинг хаёлида Шоир тезроқ ҳамширага қарасаю, ўзининг бу беҳаё ётишидан уялиб, ўрнидан турса. Йўқ, Шоирнинг бунақа хаёли йўқ. У на ҳамширага қаради ва на осилиб ётган оёғини йиғиштириб олди.

— Мен ҳамширага эмас, у киши менга қараш керак, шунга чақирганмиз дўхтирни, — деди қўрслик билан Шоир.

Ноилож қолган ҳамшира довдираб хонанинг ўрта-роғига юрди.

— Ароқ ичганмисизлар нима бало? — деди у ниҳоят.

— Йўқ, дориликка, ба нияти шифо деб... шундай орқага суртганмиз. Жўрамнинг орқасига. Шамоллаб қолган. Кейин шу ароқдан заҳарланиб қолди, — Журналист ўзини чеккага олмоқчи бўлди ва пойинтар-сойинтар қилиб гапирди.

Шоир ётган жойида бошини ўгириб, ҳамширага қаради, ҳаяжондан тили калмага келмай қолди.

Бу ўтган кунги қиз эди.

— Ўзи нима бўлган? — сўради ҳамшира.

— Ҳаммаси оддий нарсадан бошланди, — деди Журналист илҳом билан. — Тунов кuni биз иккаламиз бир жа...

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ! — Шоир бақириб юборди. У ўртоғи яна бузуқи сигир тўғрисида гапириб, расво қилади, деган хавотирга борди.

— Менимча сиз шамолламагансиз, ҳаммаси асабдан, у жойида эмасга ўхшайди, — деди ҳамшира Шоирга. — Юз териларингиз ҳам тортишиб-тортишиб кетаяпти, ўзингиз сезаянсизми?

Шоир ўсал бўлганча жойида ўтираверди. Унга орқасидан қанча пайт пойлаб юрган қиз ўз оёғи билан шу ерга келиб турган бўлишига қарамай мана шундай ҳолда, шалпайиб ўтириши нашга қилаётганди.

— Сиз “тез ёрдам” да ишлайсизми? — сўради ниҳоят у нима қилишини билмай қаққайиб турган қизга қараб.

— Йўқ, бугун навбатчиман. Бир ойда икки марта навбатчиликка тушамиз.

— Яхши... — деди Шоир маънодор қилиб ва бешолти сония тўхтаб, ўйланиб қолди. — Телефонингизни айтолмайсизми?

— Нўл уч, — деди қиз ҳозиржавоблик билан.

— Яхши... Энди нима қилиш керак?

— Бу менинг биринчи навбатчилигим, — ниҳоят ҳамшира ҳам тан олди. — Маст, бунинг устига асаби бузуқ кишини қандай даволашни билмайман. Бир-иккита тинчлантирадиган дори қилиб кетсаммикин.

— Мен маст эмасман.

— Мастлигингизни билиб турибди, — деди Журналист оловга керосин сениб. — Жимгина ўтирсангиз-чи... Аслини олганда ўртоғим шоир, шеър ёзади. Кейин туман газетасида ишлайди... Ойда бир кун, икки кун бўлсаям ишлайди-да. Ўша кuni иккаламиз...

— Сиз бунинг гапларини эшитманг, — яна бақириб юборди Шоир. — Боя манави шишани бир ўзи бўшатган, қўзига қаранг, қизариб кетган. Бу метил спиртининг таъсири, алжираб, нима деётганини ўзи ҳам билмайди.

— Бўпти, изоҳ керак эмас, ҳаммаси тушунарли, — ҳамшира иккаласини тинчлантириш учун қўлидаги қутисини ерга қўйди ва очиб, ичидан шприц, бир-икки дори-

ларни олди. — Ҳозир укол қиламиз, тузалса яхши бўлиб кетади. Тескари ўгирилиб туринг, думбадан урамиз.

— Олдин Мусага уринг, иккаламиз бирга ичганмиз, — Шоир бунақа адолатсизликка чидамиди.

— Лекин каналга бир ўзингиз йиқилгансиз, — ниҳоят Журналист Шоир қўрқиб турган гапни айтиб юборди.

— Тунов кuni бир йигит каналга тушиб кетганини қўриб қолувдим, сиз ўшамми? — деди ҳамшира.

— Ўша, ўша, — деди ҳовлиқиб Журналист. — Мен қутқариб қолганман. Акс ҳолда ҳозир бунақа касал қўриб юриш йўқ эди. Бемалол моргда ётган бўларди, ҳеч кимни безовта қилмай... Ие, сиз буни қайдан кўргандингиз?

— Ўша ердан ўтиб кетаётган эдим.

Унинг бу гапидан кейин ҳам Журналист бу ўша қиз эканлигини тушунмади.

— Бўлмаса газета учун инсон ҳаётини сақлаб қолиниш ҳолатига, яъни қаҳрамонликка гувоҳ бўлган шахс сифатида сиздан тўрт оғиз интервью олсам бўлар экан. Бу биринчиси, кейин, ўзингизнинг номингиздан “Ҳамширалик шарафли касб” деган бош мақола тайёрлаб бериш режаси ҳам пайдо бўлди каллада. Шунга нима дейсиз, ишхонангизга қачон ўтсам бўлади?

— Калла эшакда бўлади, — ғунғиллади ётган жойида Шоир. — Бизда бош бор.

— Айтдим-ку, асаби жойида эмас деб. — Журналист баҳса киришини ўрнига ҳамширага гапини маъқулатди ва шундай услуб билан голиб келмоқчи, Шоирни машина босиб кетган қурбақадай эзиб ташламоқчи бўлди. — Бўлмаса ҳар қандай ҳайвон саналганда “бош” деб саналади. Ҳеч қачон “тўрт калла эшак” дейилмайди. “Тўрт бош эшак” дейилади. Лекин бу киши томон боришимиз, бироз ён босишимиз ҳам мумкин ва шоирларни “бош” деб санашга розиман. “Бир бош шоир” деганларига ўхшаб. Жуда жаранглаб чиқар экан.

Ҳамшира эса бу гапларнинг ўзига сира алоқаси йўқдай, дорини шприцга тортириб, Шоирнинг бетига ўхшаб қорайиб кетган думбасига санчди.

— Ўлиб қолмайдими ишқилиб? — сўради Журналист ҳамширани кузатиб чиқиб. — Аслида бу ароқдан заҳарланган эди, марганцовка билан ичини ювиш керакиди, деб ўйлаб қолдим.

— Заҳарланмаган, — деди ҳамшира эътиборсиз оҳангда. — Асаблари чарчаган. Ором керак, кейин даволаниши лозим, акс ҳолда, Худо кўрсатмасин-ку, эси оғиб қолиши мумкин.

— Унда эс бўлса оғади-да, — деди Журналист майдончадан туриб пастроқ овозда, зинапоя бўйлаб тушиб кетаётган қизнинг орқасидан ҳавас билан термулиб қоларкан. — Иш жойингизни айтиб кетмадингизку, газетага мақола ёзишим керак. Салим ака тўрт кундан буён уришавериб, жонга тегиб кетди. Тўртинчи бетда икки юз қаторлик жой бўш.

Ҳамшира Салим ака деган кишини танимас, икки юз қатор эса нимани англатишини тушунмас эди, шунинг учун бу йигит нималар тўғрисида гапирганини фикрлаб ҳам ўтирмади. Шунга қарамай, сўровни жавобсиз қолдиришини ўзига эп кўрмади:

– Туман касалхонасига борсангиз, ички касалликлар бўлимида ишлайман.

Журналист орқага қайтиб келганида Шоир диванда бошини осилтириб, хўмрайиб ўтирар эди.

– “Хароб қилди бизни оққушлар”, – деди у ўзи ҳар доим такрорлаб юрадиган мисрасини бироз бузиб.

Журналист Шоир нимани назарда тутаетганини тўлиқ англаб етгани йўқ. Шундай бўлишига қарамай, ўзининг шоирнинг жумласини ўртага суқди. Бу билан у “мен ҳам ўқиб қўйганман” демоқчи эди:

– “Жўрангга ҳам қилмади вафо, сени хароб этган оққушлар”.

– Эй, инсон, пешонанинг тагидаги кўзми ёки пўстакнинг йиртиғи? – деди Шоир ўтирган жойида. – Ахир бу ўша кунни биз орқасидан кузатиш учун чиққан Нозима-ку. Валдираб газетада ишлашмини айтиб ўтирибсиз, шусиз ҳам жуда яхши билади... Сувга оқиб кетганимни айтишга бало бормиди. Яхшиям ўтган кундагидай, бир бузукни деб шунақа бўлди, демадингиз. Юрагимни ҳовучлаб турдим.

– Йўғ-эй, – бу Журналист учун янгилик эди. – Ўлай агар, танимабман. Унда устида жигаранг бир бало бор эди. Ҳозир оқ халат. Биласиз, кўзим узоқни яхши олмайди, яхлит, катта-катта нарсаларга қараб фарқлайман, холос.

– Унда кўкрагидан танишингиз керак эди... Майли-ку, лекин бу редакция бир кар билан бир кўрга қолган. – Норози оҳангда қўнқиллади Шоир.

Журналист уни гап билан мот қилиб қўймоқчи бўлди:

– Бунга яна битта аҳмоққиям қўшинг.

– Салим акани айтаянсизми?!

Шоир гапни сиёсий томонга буриб юборганлиги сабабли Журналист тилини тишлади.

– Ётивוליшингизни-чи, – деди ниҳоят гап тошган киши бўлиб, – укол қиламан дегандан, у худди сизга бошқа нарса таклиф қилаётгандай, элдан бурун иштонни тизагача тушириб юбордингиз, а? Шарм-ҳаёям йўқ. Бечора қиз уятдан қизариб кетди. Сизнинг қорайиб, “Москвич”нинг ўтириғида яғир бўлиб кетган орқангизга, Янгийўлнинг ранги ўчган турсингизга қарашнинг ўзи бўладими? Раса маданиятсиз экан бу йигит деб ўйлади ўзиям, қизариб кетган юзидан дарров уқиб олдим буни.

– Кўриниб кетдими? – Шоирнинг кўзлари чақнади. – Жуда унчалик эмасдир. Ҳар доимгидай ваҳима қилаётган бўлсангиз керак.

– Ишонмасангиз, ана, бориб сўранг ўша Нозимангиздан. Менинг сиздан қарзим бормики, ёлгон гапириб.

Шоир шоша-ниша спорт шалворини кўтариб, турсингизга қарай бошлади.

– Унчалар ҳам ранги ўчмаган, – деди у бироз кўнгли жойига тушиб. – Ўтган кунни каналда чўмилиб чиққанмдан кейин алмаштирдим. Лекин шунда чўмилиб яхши қилган эканман, Нозима кир-чирларни кўриб, булар исқирт экан деган хаёлга борар эди. Бир ёмоннинг бир яхшиси бор деганлари шу бўлса керак.

Журналист унга агар ўша кунни каналга тушиб кетмаганда бу қиз ўлиб қолганда ҳам ушбу хонадонга келмаслигини, бунинг устига каналда чўкишнинг номи чўмиш эмаслигини айтмоқчи бўлдию, бироқ тилини тишла-

ди. Бундай пайтда Шоир билан баҳслашиш бефойда, унинг ўз ҳаётини мантинги бор, унга қарши бориб бўлмайди. Шунга қарамай, эътироз билдирмай ўтолмади:

– Ўйлайсизки, Нозимангиз булар озода яшаркан деб кетдими? Бекорларни айтибсиз. Хонага кириб келганда унинг бурунлари қандай жийририлиб кетганини кўрсангиз эди. Бунинг устига сиз ҳам ялмайиб ётиб олган, ўзингизнинг сассингиздан маст, “деразани очма, ҳаво текин” эмиш.

– Яхши бўлмади. – Шоир афеусланди. – Энди бу қизни бир амаллаб кўнглини овлаб, хаёлидан биз тўғри-мизда уйғонган нотўғри фикрни қувиб чиқаришимиз керак. Негадир ичнинг куйиши бирдан тўхтади. Бошим эса осилиб кетаяпти, қовоқларим ўз-ўзидан юмилиб қолаяпти, бу нима бўлсайкин.

Нима бўларди, ҳамширанинг дориси таъсир қила бошлаган. Бунинг асаби бузук экан деб ўйлаб қиз унинг миқдоридан кўпроқ қилган эканми, аслида ҳам уйқучи эмасми, Шоир шу ҳолича қимирламай бир сутка ухлади.

6

Баҳор тобора кучлироқ таъсир қилётганмиди ёки ўшанда Нозима хоналарига келгани, беморлик чоғида меҳр кўрсатиб (ҳолбуки, буни меҳр демаса ҳам бўлардию, бироқ бу бўйдоқ йигитлар учун қулбаларига қиз бола ташриф буюришининг ўзиёқ улкан илтифот эди), даволагани учунми Шоирнинг қалбидаги муҳаббат учқунлари алангаланиб кетди. Журналистга бу борада дарс бериш баҳонаси билан уни ҳам шу ишга ундай бошлади.

Иккалалари туманинг энг бекорчи фуқаролари эмасми (газета ойда икки-уч марта чиқадиган бўлиб қолган), кечки пайт ўша – Шоир ағдарилган каналнинг бўйига, ёзда Бастамовларнинг ўртанчи ўғли “Кичкинтой”, “Паҳлавон” деган болалар ичадиган қуруқ сўтдан солиб, музлатиб, аҳолига музқаймоқ, деб сотадиган, ёзининг иссиқ кунлари ёшларнинг пашнадек ўралашадиган жойи – каналнинг устига кўприксимон қилиб қурилган барнинг ёнига бориб олишади, бироқ каналнинг нариги томонига ўтишмайди – ўшандаги воқеадан ўзлари учун жуда яхши хулоса қилиб олишган. Ушбу бар ҳозирча ишлагани йўқ, кимасиз бўлиб ётибди. Шоир ҳар доим каналдан нарироқ туришга ҳаракат қилади, биринчидан, ўша воқеадан сўнг, сувдан кўрқиб қолган, иккинчидан, бу канал унинг шармандали ҳолатини эста солади. Қанқув Журналистнинг ўша гаплари ёнига тушиб, устидан кулиш учун бирор нарса деб қўйишидан чўчийди. Нозима эса ҳар доим, қуёш қизариб, бепоён кенгликлар томонга оғиб бораётган пайтда, узоқдан, ўзининг расо қадди билан бу иккисининг юрагига ўт қўйиб, кўриниб қолади.

Нозима буларнинг сўзжайиб, бир гап демай, гунгга ўхшаб туришларига тобора кўникиб бормоқда. Журналист-ку, майли, қизларга гап отишни билмайди ва ўзининг ташаббуси билан ҳеч қачон бунақа тадбирларга чиқмайди, бироқ Шоир бошқалар билан сўхбатда ҳеч кимга гап бермаслигига қарамай, шу қиз яқинлашаверса, тили калмага келмай қолади, узоқдан қораси кўринди дегунча, нафаси тиқилиб, гашираётган бўлса, сўзлари оғзидан тушиб кетаверади, у яқинлашган сари эса овози тобора пасайиб, сўнг умуман жимиб қолади, нигоҳлари интизор



улоқча каби қиз томонга қадалган, кўзларини пирпиратмайди ҳам, гўёки у ўзича туш кўраяттию, кўзини ёпиб очадиган бўлса, уйғониб кетиб, Нозиманинг шарпаси тутун каби ҳавога сингийди.

Нозима уларнинг бу ерга нима мақсадда чиқишларини тушуниб етолмайди. Ич-ичидан бу ўзига ҳам алоқадор бўлиши мумкинлигини англайди, бироқ буларнинг талқон еган соқовлардай жимгина бўзрайиб туришларини кўриб, гап бошқа томондан бўлса керак, деган ўйга боради, аниқроғи булар винога пул тополмай қолгандирлару, энди шунга бошлари оғриб, нима қилишларини билмай мана шу ерга чиқиб олишган, деган тўхтамга келади. Унинг учун бу фикри ҳақиқатга яқинроқдай бўлиб туюлади, ахир тунов кун буларнинг қандай яшашини, аҳволини кўриб келди-ку. Ўшанда Нозиманинг кўнглида буларга нисбатан яхши фикрлар уйғонмаган. Шоирнинг касал бўлиб ётганига ишонган бўлишига қарамай, буларнинг барчаси оқ алаҳсираш, деб қабул қилди, буларнинг изждор аҳлидан эканлигини билганлиги сабабли, ароқ-хўрликларига сира шубҳаланмайди. Бу туманда умрида маош олиш учун қўйган имзосидан узунроқ бирор нарса ёзмаган, ҳатто аноним хат ҳам битиб кўрмаган одамларда шунчалар ичадик (тунов кун Журналист интервью олиш учун борганида прокурор хуноб бўлиб ўтирган экан, “туманимиз жон бошига спритли ичимлик ичишда республикада биринчи ўринга чиқиб кетибди” деб. Унга жавобан Журналист, “ҳар ҳолда нимадан бўлса ҳам биринчи ўрин экан-ку”, деб қўйди), бу иккаласи эса чалачулга бўлсаям, мақола битиб туради, ичишни буларнинг касби тақазо қилади, демак алкаш эканликлари аниқ. Буларнинг хонасидаги қўланса ҳид ҳалигача Нозиманинг бурнидан кетгани йўқ. Шу сабаблар туфайли бу икки бўйдоқнинг мана шундай ҳолатда, мақсадсиз туришларининг бироз яқинишни келтиради. Шундай йиғиларнинг ўзларини хор қилиб, шу ҳолатга тушиб қолганидан бир томондан ачинади, бир томондан жаҳли чиқади.

Шуларга қарамай, уларнинг ёнидан ўтиб кетаётганда, ғайриихтиёрий бир тарзда жилмайиб, салом беради. Икки изждор эса беўхшов қилиб, ё кулади, ё тиржайиб тишини кўрсатишади, ишқилиб, шунга яқин бир қилиқ қилишади.

Бир-икки марта Шоир қизга гап ташламоқчи бўлдию, юраги бетламади, бу унинг лабини чўчайтириб, ўнг кўлини олдинга чўзганидан билинди, бироқ оғзидан бирор гап чиқмади. Ҳар ҳолда Нозима унинг овозини эшитмади.

Ниҳоят хиёбонда одамлар сийрак бўлган бир кун Шоир ўлимга маҳкум этилгандай, унинг орқасидан эрганиб, ҳокимият биносининг рўпарасига келганда, етиб олди.

— Кечирасиз, сиз билан танишсак бўладими? — у қизлар билан танишининг ягона услубинигина биларди. У ҳам мана шундай қўпол ва ўнғайсиз.

— Биз сиз билан танишмиз-ку! — Нозима ҳайрон бўлди. — Эсингиздан чиқдими? Уч-тўрт марта гаплашгандик, бир марта сизни даволагандим ҳам. Тузалиб кетдингизми? Энди асаб безовта қилмаяптими?

Тўғриси, Шоир ундан бунақа гап кутмаганди, янаям аниқроғи, у ўзининг бу тарздаги қўпол муомаласига умуман жавоб бўлмайди, деб ўйлаганди, қизнинг бу тарзда гапириб кетиши эса, илҳомлантириб юборди, севинчдан

ўзини кўйарга жой тополмай қолди, юраги халтачага солиб, кўлтиққа осиб қўйилган уришқоқ бедана каби тиширчилай бошлади.

— Асаб жойида, олдин ҳам яхши эди, фақат анави гаранг жўрам бироз оппириб юборди, ўзи яхши бола-ку, ўшанда тузалиб кетасан, деб оғзимга бир пиёла ароқ қуйиб юборди. Сиз уни танийсизми ўзи?

— Кимни? — қиз ҳайрон бўлди.

Шоир эса мавзу топилганига хурсанд, оғзига келганини қайтармай, айта бошлади, бир пайтлар Журналистдан эшитиб қолганди, у эса қайдандир ўқиган экан — қизлар учун нимани ва қандай гапириш асосий эмас, уларга гап бўлса бас экан. Улар қўпам йиғит кишининг сўзи мазмунини мулоҳаза қилиб ўтиришмас экан. Ҳозир шу услубни байроқдай ҳилпиратиб, Журналистни нийбат қилишга тушиб кетди.

— Билмайсизми, анави, ўша кун сиз касал кўргани келганингизда маст бўлиб, оғзига келган гапни алжираб ётган жўрамни айтаман-да. Ўзи биз билан ишлайди, мухбир. Иккаламиз бир жойда ўқиймиз, Тошкентда, Журналистика факультетида, келажакда зўр шоир бўламан, деб юрибмиз. Аниқроғи мен шоир бўлмоқчиман, Мусанинг эса бу иш кўлидан келмайди, тўрт-бешта мақола ёзадию, шу билан одамларни менсимай юради. Унинг ҳам ярмини мен бултур, ўтган йил ёганларимдан кўчириб олади. Плагиат-да, халқаро ҳуқуқда эса муаллифлик ҳуқуқи қаттиқ ҳимоя қилинади, Муса буни билмайди, шунинг учун ўтган семестрда ҳуқуқшунослик курсидан синов топширолмаганди, ҳалиям дум бўлиб осилиб юрибди, бунинг эса ҳаёлига келгани йўқ, ҳайдаб юборса кейин билади.

Бунақа кўп ахборотлардан Нозиманинг боши ганиб қолди. Англаб етгани эса бир нарса бўлди: бу йиғит Тошкентда ўқиркану, наришисининг думи бор. Қиз ҳалиям бунинг гапига жиддий қараётгани йўқ, ўша кундан кейин, буларнинг эси жойида эмаслигига имон келтирган.

— Хоҳласангиз, бирор кун Тошкентга томошага олиб бориб келаман. — Шоир қизнинг гапларини эшитиб кетаётганидан, “башаранг курси” деб кетиб қолмаганидан (унинг болалиги ўтган қишлоқда қизлар ҳар қандай майин гапга мана шундай жавоб беради) дадиллана бошлади. — Ўзи пойтахт томонларга борганмисиз?

— Йўқ, мен Дўстликда ўқиганман, ҳеч йўлим тушмаган.

Қиз ҳам Тошкентни эшитиб, юраги эриб кетди ва унчалар ҳам жиннига ўхшамайди, шекилли деган тўхтамга борди. Мана пойтахтнинг кучи қандай, Шоир унинг, яъни Тошкентнинг шаънига шу пайтга қадар бирор қатор ҳам шеър битмаганидан афеусланиб кетди, уйга боргани ҳамонақ, гала бўйдоқларни, Ҳалим акага қўшиб, қувиб юбориб, қасида битишни режалаштириб қўйди.

— Эҳ, Тошкентга бормасиз, бу дунёга келмасиз. Биласизми у ёқларнинг музқаймоғи қанчалар ширин. Уларникидан нимагадир болалар ичадиган сутнинг таъми келмайди. У томонларнинг сигирлари ҳам бошқачами, дейман-да, ёғли сут берса керак.

Шу ерга келганида Шоир бекорга мавзунини сигирларга бурганини англаб қолди, ахир бу гап қизга бўлиб ўтган шармандали ҳолатни эслатади-ку. Зудлик билан мавзунини буриб юбормаса вазият чатоқ.

(Давоми 19-бетда)

Шукр ҚУРБОН



Ёнар фақат офтоб — қушлар онаси

“ОГОҲ БЎЛИНГ”

... огоҳ бўлинг.

Нодира

Ҳар оила — беклик,
Ҳар эркак — бир хон,
Нодираи даврон — ҳар битта аёл.
Нодираи даврон — мунис, меҳрибон,
Назардан четда ҳам қолар ногаҳон,
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.

Шеър ёзгани учун севганмиз баъзан,
Умархондек ўзни касалга солиб,
Ётиб ҳам олганмиз остонасида,
Лекин нодираи даврон хотиржам,
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.

Салтанат ишлари кўпайиб борар,
Хонлик юмушлари кўпайиб борар,
Турмуш ташвишлари кўпайиб борар,
Шеърга ишқ юракда камайиб борар.
Нодираи даврон эътибор сўрар,
Шеърга ишқ, сизга ишқ сўнмайди унда.
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.

Оталик ўхшамас шоирликка, бас,
Унда қаттиққўллик, совуққонлик бор.
Ва лекин оналик — ҳайрат ва ҳавас,
О, бу зўр дунёга эҳтиром такрор,
Унда шоирликдан кучлироқ руҳ бор,
Илоҳийлик бор.
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.
Имйону эътиқод қўлади уни,
Умрин узайтирди беш вақт намоз,
“Бисмиллоҳ”, деб қўлга тутаркан қалам,
Шоирга руҳлар бўлдилар ҳамроз.
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.

Бепарволик ила деймиз эҳтимол:
“Ўша покизалик ҳар аёлда йўқ,
Ўша бокиралик ҳар аёлда йўқ,
Ўша шоирлик ҳар аёлда йўқ,
Ўша нодирлик ҳар аёлда йўқ...”
Дейман, мусоҳиблар, сўзларингиз чўғ,
Жавоб берайлик-чи бул саволга ҳам:
“Умархонлик ишимизда бор?
Амирийлик кимимизда бор?
Мўминлик-чи, борми ҳаммамизда ҳам?!”
Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг.

УЙҒОННИШ ОХАНЛАРИ

I

Зангори тонг салтанатида
Дунёнинг қоқ ярмин тўлдириб,
Уйғонади иймон-эътиқод ҳар кун:
Ифлослигу тубанликлардан,
Ёлғонлардан покиза майдон —
Парчагина майдон —
Жойнамоз узра қадалиб,
Сигинади одамзод ўз Яратганига:
“Аллоҳу акбар!”
Сигинади еру осмон ижодкорига:
“Аллоҳу акбар!”
Шу баҳона тайёрлар ўзин
Яхшиликка ва яшамоққа.

Бир руҳ осмонларни тўлдириб учар,
Бир руҳ осмонлардан заминга тушар,
Бир руҳ одамларнинг кўксига кўчар:
“Аллоҳу акбар!”

Минг йилдирким давом этар бу ҳолат,
Минг йилдирким инсон қалқар оёққа,
Тайёрланар яхшиликка ва яшамоққа:
“Аллоҳу акбар!”

Минг, йилдирким ишонар инсон
Яхшиликка ва яшамоққа —
Кўрган бўлса ҳамки адоқсиз
Ноҳақликлар ўзгандан, ўздан,
Урган бўлса ҳамки бошини
Бахтсизликка —
қора чодрага.
Ишонар ва ишонаверар
Яхшиликка ва яшамоққа:
“Аллоҳу акбар!”

II

Бир кун эдик —
осмонидан адашган,
толган,
Ногоҳ калхат чангалига тушган эдик биз,
Аллоҳнинг иродаси,
Яшардик дард томиб, дилдаги жароҳатдан.
Билмадик биз яна яшардик қанча,
Дард томиб дилдаги жароҳатдан, бас!
Босқинчилар салтанати емаганда дарз:

Гўё калхат хасталанди-ю,
Аллоҳнинг иродаси,
Бўшатиб юборди чангалларидан
Биз — қуш ўлжасин.
Тошлар орасига тушдик соғ-омон,
Аллоҳ мағфиратли, Аллоҳ — меҳрибон.

Тошлар орасидан бир булоқ сизган,
Бахтимизга,
Мустақиллик у.
Бахтимизга доривор гиёҳлар унган —
Тошлар орасида,
Мустақиллик у...

Ўша булоқ сувидан ичмоқдамиз, боқ!
Суртмоқдамиз доривор гиёҳларни
Дилдаги жароҳатга...

III

Калхатеиз осмонлар қандай топ-тоза,
Ёнар фақат офтоб — қушлар онаси.
Офтоб каби порлайди кўнгил:
Худого қайташмиз,
Қуёшга қайташмиз,
Худо қайтаётир биз томон шитоб,
Биздан шитоброқ.

Зангори тонг салтанатида
Дунёнинг қоқ ярмин тўлдириб,
Уйғонмоқда иймон-эътиқод:
“Аллоҳу акбар!”

Ифлослигу тубанликлардан,
Ёлғонлардан покиза майдон —
Парчагина майдон —
Жойнамоз узра
қадалиб,
Сигинмоқда халқим Яратганга:
“Аллоҳу акбар!”

Сигинмоқда еру осмон ижодкорига:
“Аллоҳу акбар!”
Шу баҳона тайёрлар ўзин
Яшамоққа ва яхшиликка.

Бир руҳ осмонларни тўлдириб учар,
Бир руҳ осмонлардан заминга тушар,
Бир руҳ одамларнинг кўксига кўчар:
“Аллоҳу акбар!”

СУВРАТИ

Худойберди САРКОР
хотираси

Балиқчилик Саркор бува яшади узоқ,
Лекин суврат ундан узоқ қолди кўлларда.
Ўша йиллар, ўша ишонч, ўша иштибоҳ...
Нима кунни кўрмади бу халқим йўлларда!..
Алданмаслик мумкин эди душманга, ахир,
Кўриш мумкин эди ҳатто оқибатни ҳам.
Кўнмасликдан бошқа илож қолмади, охир,
Кўрбошилар аро бирлик топганда барҳам,
Кўрганмисиз бир товоқдан ош еганини
Юртимнинг мард ўғлонларини босқинчи ила?!
Бу тарзда ош еганлари — тош еганими,
Ўша “яраш-яраш”, ўша тоғ, ўша йиллар!..
Бу ҳам камлик қилган каби, бало бормиди
Сувратга-да тушмоғига туриб ёнма-ён.
Ўзбегимнинг ўғлони, сен, шунча хормидинг:
Мустабидлар даврасида турибсан шодон?!
Шўроларнинг қўмондони қаттол беадад
Ул “машхури замон” а ҳам — давра тўрида.
Олса, чаён каби қўлин чақарди суврат,
Кўрса, кўзи хиралашиб қоларди кўрдай.
Лекин йиртиб ташлолмади сувратни саркор,
“Қама-қама, от-от” даври келди шошириб.
Ўша суврат дастак бўлиб, такрор ва такрор
Четлаб ўтди уни бало-қазо шамшири.
Суюндими бу аҳволга, йиғладими ё?
Бошқаларни қўйиб туриб, виждон не деди?
Эй, сувратга тушмай қолган дўстларнинг қаро —
Қисматига ачинди у, ич-этин еди.
Лекин жангсиз, қурашсиз, бекордан-бекор
Ўлиб кетмоқ — оқилларнинг юмуши эмас.
Худо берган умрин яшаб ўтди-ку Саркор,
Унга биров: “Нега бундай қилдинг” ҳам демас.
Лекин оғир бир армон бор: мустақилликни
Кўролмади Саркор бобо, кўннинг қатори.
Сувратларда кўриб энди ўтган кулликни,
Уйғотамиз юракдаги ғурур ва орни.

* * *

Имкон ахтараман, қиламан ихлос,
Сизларни азобдан айлайман халос:
Сотиб олгум дунё қайғусин буткул,
Бўлса бозорида тарозулар соз.

* * *

Қорга гугурт чаққан билар — у ёнмас,
“Тенгак”, денг шоирни, кўнглига олмас,
Лекин “Шоир мансаб талашди”, — деманг,
Бу ёлғон дунёда ҳеч ким ишонмас.



— ...Тошкент барибир бошқача шаҳар, ўзингни одамдай ҳис қиласан. Кечки салқинда хиёбонга чиқасан, парика айлангани борасан, ҳамма бир-бирига меҳрибон, бирортасининг оёғини босиб оладиган бўлсанг, оғиздаги носни чеккароққа тупуриб, узр сўрайсан, у ҳам мулоийм кулиб қўяди. Носи бўлса, у ҳам тупуриб, “ҳечқиси йўқ” дейди.

— Бу ерда-чи, одамдай эмасми? Бу ерда ҳам носкашлар кўп-ку!

— Гап носкашда эмас, муомалада. Бизнинг автобусга чиқиб, бировнинг оёғини босиб кўринг-чи, нима қиларкан, носини бетингизга туфлаб юборади. Одамларимизда маданият етарли даражада эмас.

— Сиз ҳам чекасизми? — сўради қиз томдан тараша душгапдек қилиб, билиндикни, мавзуга қизиқиши кам.

— Нимани назарда тутаяпсиз? Сигаретни чекиб турман. Носга эса тобим йўқ, тупурганда ҳар томонга қараб думалаб кетиши ёқмайди...

— Шундай қилиб Тошкентга қачон борамиз? — орага чўккан жимликдан фойдаланиб, Шоир мавзунини ўзига ўнғай томонга қарата бурди.

— Кўрамиз-да, бирор кун вақтим бўлса, уйдагилар жавоб берса, борса бўлади.

Шоир учун бу гап қизнинг тўйга розилик беришидай бир гап эди — шопганидан қоқилиб, йиқилишига оз қолди, аслида эса қанот бўлса, учиб кетгудай ҳолати бор.

— Вақтингиз бўлгандан айтасизми? — ҳовлиқди у.

— Анави ўртоғингиз, “жўра” дейсизми, ўша, нимага орқамиздан сигирдан ажратилган бузоққа ўхшаб эргашиб келаяпти, қиладиган иши йўқми? — қиз саволга жавоб бериш ўрнига гапни бошқа ёққа бурди.

Бу томоннинг қизлари қишлоқдан чиқмаганми, ўхшатишлари ҳам бироз қўпол, бироқ айтиш нўқтага уради.

— Уми? — Шоир нима дейишни билмай тўхтади ва орқасига қараб, каловланиб юришини ҳам, туришини ҳам билмай, учрашувга чиққан танноз қизлар каби ўнг оёғини у ёққа олиб, бу ёққа қўйиб турган Журналистни кўрди, у айбли иш устида қўлга тушган гўдакка ўхшар эди. — Кеча эртага шеър ёзишни ўргатаман, дегандим, шунга “тезроқ ўргат” деб орқамдан қолмай эргашиб юрибди.

Шу гапларни айтар экан, Шоир билдирмайгина Журналистга “нари кет” ишорасини қилди. Бироқ ақайиб турган Журналист буни тўғри тушунмади, унинг минус нол тўртлик кўзларига бу ҳолат, Шоир имо қилиб, олдига қақираётгандай бўлиб туюлди, чопқиллаб уларнинг олдига етиб борди. У Шоир шу ернинг ўзида “қизларни қармоққа туширишнинг ўнғай услублари” деган мавзуда биринчи дарсни бошлаб юборса керак деб ўйлаганди.

— Нима дейсиз? — деди у тиржайиб.

Шоир унга имо қилиб, ишни дўндириб қўйганига иқрор бўлгани ҳолда, энди оғиз жуфтлаб Тошкент саёҳати тўғрисидаги гапларни келган жойидан давом этмоқда эди. Журналистнинг қулоғи остида жаранглаб чиққан гапларидан бир чўчиб тушди. У қизнинг акасими, отасими келиб қолди, чамаси деб ўйлаган эди, ўзиям шундан кўрқиб турибди-да.

— Ҳа?! - Саволга савол билан жавоб қайтарди Шоир.

Унинг ўзини бундай тутишидан Журналист каловланиб қолди, жўрасининг бу тарзда, нописандлик билан гапиришини тушунмади.

– Келдим! – Журналистнинг ҳайрати тобора ортиб бормоқда.

– Яхши! – Шоир ҳам унга нописандлик билан гапирди. Унга бунинг шундай бир ўхшамаган бир тарзда, қутилмаган ҳолатда ва жуда ноқулай вазиятни вужудга келтириб келиб туриши ёқмади.

– Сизам Тошкентда ўқийсизми? – ўртага чўккан ноқулайликни англаган Нозима каловланиб турган Журналистга гап ташлади.

– Ўқийман, – деди Журналист ва бирдан Шоир бу қизга ўзи ҳақида нималар деган бўлиши мумкинлигини англаб, гапиришга тушди. – Лекин Ўтабек айтгандай, “Публицистика асослари”дан думим қолгани йўқ. Ўтган кунни бориб, топириб келдим. Беш қўйишди.

– “Дум” ҳуқуқшуносликдан, галварс. – Шоир аниқлик киритди.

– Ҳа, айтганча уния топирилмагандим, а?! – Журналист бунисини унутган экан.

– Яна қачон Тошкентга борасиз? – тўсатдан сўраб қолди Нозима, у учун буларнинг нимадан, қанақа ва қасрда думлари борлигини қизиги йўқ эди.

– Менми?! – Журналист додираб қолди. – Мен, сессияга бораман, ёзга яқин чақириб қолишади, Ўтабек иккаламиз бирга кетамиз-да.

– Мен эса ундан бурунроқ, яқин кунларда бораман. Контрол ишларни топириб келаман. – Шоша-пиша гап суқди Шоир. – Нима гап эди? Бирга борасизми?

– Йўқ, шунчаки сўрадим. – Нозима тўсатдан бурилиб, ўз йўлида давом этди. – Мен борайин.

Унинг ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бирдан Журналистга гап ташлаб қолиши Шоирнинг юрагини куйдириб кетди, шошиб, Журналистнинг қўлига туртиб, секингина ўдағайлади:

– Сиз нимага анқайиб келиб ўтирибсиз, ишни расво қилдингиз, бунақа нарсаларга фаҳмингиз етмаса, нима қиласиз бурун суқиб?

– Ўзингиз чақирдингиз-ку?! – Журналист ҳайрон бўлди.

– Уйга бораверинг, қолганини ўша ёқда муҳокама қиламиз, мен эса сиз расво қилган ишнинг кетини текислагани кетдим.

Нозима психологияни ўқиганими ёки бу туғма истеъдодми, Журналистга гап отиб, Шоирнинг бутунлай хаёлини ўғирлаб қўйди, у ўзи орқасидан чопиб юрган қизнинг тўсатдан бунга гапириб қолишини ҳазм қилолмаётганди, ўзини мағлуб ҳис қилиб, ғалаба учун бор куч-ғайратини ўртага ташлади.

Шу кунни кечга яқин қайтиб келиб, роса бўлар-бўлмас гапларни айтиб, буларни алдади, Журналист унинг гапларининг ярмига ҳам ишонмади, шунга қарамай, тилини тишлади. Шоир гап сўнгиди ўзининг ҳар қандай шароитда ҳам ғалаба қилишига, унинг учун Журналистга ўхшаган тўрт-бешта бўлар-бўлмас мухбирларнинг қаршилиги ҳеч нарса эмаслигига шакма қилиб, уч кундан кейин Нозима билан Тошкентга боражагини маълум қилди, қиз шундай ваъда қилганмиш. Бу хабар Журналистнинг ичини куйдириб юборди, унинг бу қизни ёқтирган жойи йўқ, лекин Шоирга омад қулиб боқаётганиш, ўзининг қишдан зўрға чиққан касал ҳангидай ёлғиз юриши алам қилиб кетаётганди.

7

Ниҳоят айтилган кун келди – Шоир тантанали равишда саҳар мардонлаб туриб, йўлакчага осиб қўйилган каттагина ойна рўпарасида туриб, нариёқдан совунлаб келган иягини ушлаб олганча соқол қирди, кечаси билан дазмоллаб чиққан кастим-шимини кийиб, бироз ёғ босган (каналда оқиб ҳам ювилмагани-чи?!), кеча пичоқ билан қириб, тозалаб қўйган галстугини тақиб (ранги ўчиб қолибди, ҳар ҳолда қирмасидан бурун ялтираб, ранги тўқ бўлиб турган эди), рўпарадаги уй хонадонларидан бирида истиқомат қилувчи Холвой мухбир бир кун боши оғриб келиб, ичиб қўйишга уринган, бироқ Шоирнинг эпчиллиги туфайли идишнинг тубида бир хўп қолиб кетган одекалондан қиртишланган юзига суркади, нам қўлини болаликдаги эски одати бўйича кастимининг қўлтиғига артди.

– Қап-катта йигитсиз-ку, қўлни қўлтиққа суртишга бало борми? – ухлаган киши бўлиб, бир қўзини юмиб, кечки пайт кўпчиликнинг ўртасида аҳмоқ қилиш учун унинг бирор ноборроқ қилигини кўриб қоларканманми, деган илишж билан Шоирни зимдан кузатиб турган Журналист чидаб туролмади.

Шоир қутмаган эди, ялт этиб шу томонга қарадио, қорайиб турган бурнигача қизариб кетди, бироқ паст келмади, бирдан калласида ажойиб фикр пайдо бўлди:


– Қишлоқдан чиққанингизни ҳар икки гапингизда билдириб қўясиз-да, қишлоқлигингизга борасиз, ахир бу атир тер ҳидининг олдини олади-ку, шунинг учун қўлтиққа сурғилади, оқсуякларнинг этикасида шунақа ёзилган. Ишонмасангиз, хоҳлаган одамнингиздан сўрашингиз мумкин.

Шоир ўзининг бу ярашмаган қилиғига илмий асос тошганидан ва бу билан нафақат вазиятдан осонгина чиқиб кетганидан, балки Журналистни чиройли гап билан “қошиб” олганидан кўнгли кўтарилиб, тиржайиб қўйди. Улар бир пайтлар “Этика”, сал кейинроқ “Эстетика” деган фанларни ўқишган (Журналист шу пайтга қадар, иккаласидан ҳам “қониқарли” баҳо олганига қарамай, уларнинг орасидаги фарқ нимадан иборатлигини яхши тушунмайди), бироқ Журналист ўша китобларнинг бирор жойида “атирдан ҳўл бўлган қўл қўлтиққа артилади” деган жойини ўқимаган, шу сабаб эътироз билдирмоқчи бўлдию, “қўзим тушмаган бўлса, шармандам чиқмасин, бу мильжинг бир йил айтиб юради”, деган ўй билан тилини тишлади. Оқсуякларнинг қонун-қоидаларини тушуниб бўларканми?!

– Назорат ишларини олиб кетиш ёдингиздан чиқмасин, – деди унинг ўрнига. – Анқайиб юраверганча, факультетга ҳам бир кириб, ишларни топириб, сессияни аниқлаб келинг.

Шоир кетди, Журналистнинг юраги ёниб қолаверди. Кечга қадар нима қиларини билмай, гаранг қўйга ўхшаб, додираб юрди.

Бир маҳал, кечки пайт, қуёш узоқлардаги кенгликлар орқасига бош қўйиб, атрофни кўр қоронғу қоплаган маҳалда эшикдан Шоирнинг жағ суяклари бўртиб турган, қоп-қора ва бироз чўтир башараси кўринди. Туриши жуда бошқача эди. Чап қўлида нималардир билан тўлдирилган елим халта, ўнгиди эса бир тутам, қийшайиб, атрофга ўралган рангсиз шилдиरोқ қоғози фиким бўлиб кетган, сўлиб қолган чиннигул. Тошкентнинг автобуси бунақа гулдасталар олиб юришга мўлжалланмаганидан, гул-



лар тиқилинч ва олатасирда эзилиб, бўлари бўлган кўри-нади. Гулларнинг аҳволидан фарқли ўлароқ Шоирнинг кайфияти яхши эди: оғзи қулоғига етадиган даражада тиржайган, кўзлари “Нексия”нинг галоген лампочкаси каби чақнаб турибди, бўйнидаги галстугининг тугини эса, кўйлак ёқасини буриштириб, фикимлаб, аллақачон ўнг елкасига ўтиб кетган. Унинг бу тарздаги аҳволи Журналистни ҳайратта солди.

— Эҳ-ҳэ! — деб юборди ҳайратдан Журналист Шоирнинг қаршисига пешвоз чиқиб, унинг сирли ҳолатидан. — Ҳаммаси тушунарли-ку, лекин бир тутам гулни нимага кўтариб юрибсиз? Биз мол боқмаймиз-ку?

Бу бефаҳмнинг қанқув гапи қоп-қора баданини тешиб ўтгандай бўлганига қарамай, Шоирнинг сир бергиси келмади.

— Гулни бир бало қилишимиз керак, — деди ниҳоят Шоир келиб, ўзининг севимли диванига ўтирганидан сўнг. — Эрта кечга қадар қуриб қолмаслиги лозим.

— Бунингиз аллақачон сўлиб бўлибди-ку, — деди Журналист гулларни худди супургини ушлагани каби қўполлик билан фикимлаб кўраркан.

— Эй, жойига қўй. Бу сенга Нуротада мактаб плани учун қирдан ўрилган янгоқми, фикимлаб кўрадиган. — Шоир ҳай-ҳайлаб қолди. — Ўзим зўрға олиб келдим. Тошкентдан фақат Дўстликкача автобус бор экан, ундан бу ёнига бир “Жигули”га саккиз киши мингашиб келдик, шунда бироз эзилган.

— Нозима бирга бордимиз? — сўради Журналист юрак ҳовучлаб, негаки, ўзининг бу тарзда уйда лаллайиб ўтиришию, дўстининг Тошкентдай шаҳри азимда қизлар билан ялло қилиб келиши алам қилаётганди. — Гулни у совға қилдимиз? Қизил гул муҳаббат рамзи.

— Бунга эртага жавоб бераман. — Шоир ниманидир айткиси келмаётганди. — Яхшиси уларни бир амаллаб сақлаб қўйиш чорасини кўриш керак. Булар менинг тақдирим, эртага ҳаётим ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлади, бу эса айнан мана шу чиннигулларга боғлиқ.

Ўтирганлар гап нимадалигини англаб етишмаган бўлсалар ҳам, гулни сақлаб қўйишнинг йўлини қидира бошладилар. Алишер Ҳалим аканикидан бир гулдон олиб чиқиб, шакарли сув солиб, гулларни қўйиб қўйишни маслаҳат берди. Айтишига қараганда Навоий шаҳрида юрганида гулни шакарли сувда сақлаш тўғрисида ўқиб қолган экан. Унинг бу маслаҳати, ўзича “Эстетика” фанини жуда яхши билишига қарамай, Шоирга жуда шубҳали кўринди. Чунки унингча шакар ва гул икки — бир бирига умуман мос келмайдиган, тушмайдиган тутунчалар бўлиб, Алишернинг ушбу маслаҳати замирида қандайдир шумлик яшириниб ётгандай бўлиб туюлди.

Журналист эса бир қарашда жуда тайинли кўриган маслаҳатни берди — музлаткичнинг музхонасига солиб қўйиш керак.

Бу фикр анча манتيқий эди. Ахир ҳар хил мевачевалар, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳам айниб қолмаслик учун музлаткичга солиб қўйишади-ку, бундан ташқари бу матаҳнинг бош вазифаси ҳам аслида шу эмасми — нарсаларнинг янгилигича, соф сақланишини таъминлаш.

Шоирнинг бир музлаткичи бўлиб, у буни тижорати гуркираган пайтларда харид қилган. Тўғриси, бугунга келиб тижоратнинг бели синиб, Шоирнинг нафақат музлаткич харид қилишга, балки унинг ичига солишга тўрт боғ ни-

ёзми, қарам олишга ҳам ҳоли йўқ — келгани келгандай ейиляпти. Шу сабабли бу музлаткич, қачонлардир ўчирилиб қўйилгани ҳолда, ичи чанг-чунгга тўлиб, шу пайтга қадар ёқилмаган. Бир пайтлар, хонадонда бирор бир егулик бўлганида у кеча-кундуз ишлар ва тез-тез Нор полвоннинг акумулятори йўқ, орқаси билан дўнгалакка чиқариб қўйилган, гилдиратиб юборилиб, ўт олдириладиган трактори каби тариллаб барчанинг жонига тегар эди. “Бу баччағар музлаткич қайси бир куни кўчага чиқиб кетади-да”, — деб хавотирланар эди Алишер. Ўзи ҳам ҳар тариллаганда, қимирлаб, у ёқ-бу ёққа силжиб қолгич эди.

Журналистнинг гапига кирган Шоир гулдастани музхонага қўймоқчи бўлиб, унинг эшигини очганди, ичкаридан Алишернинг туфли ва шиппаклари пастга йиқилди.

— Эй, Алишер, нимага оёқ кийимларингни бу ёққа солиб қўйибсан? — Бақирди у қўшни хонада Шоирнинг подонлигидан ҳайрон бўлиб турган Алишерга. — Музлаткични ҳаром қилибсан-ку.

Алишер бироз нима дейишини билмай, довдираб турди. Тузукроқ баҳона қидирди.

— Ҳа, уми? — деди ниҳоят. — Ҳали билмайсизми, салкам дипломли одам бўла туриб, а? Ишонини қийин. Ахир туфли теридан бўлган-ку, гўштга ўхшаган бир гап. Гўшт эса музлаткичда яхши сақланади, айнимайди, бузилмайди. Шундай экан, туфли ҳам музлаткичда турса, ранги очилади, янгидай бўлиб қолади.

— Ие, уни биламан, жа мени қишлоқи деб ўйлайсанми? — Шоир паст кетгиси келмади. — Мен манави дермантиндан бўлган шиппакни нимага қўйгансан, деяпман.

— Дермантин ҳам чармнинг укаси, тураверсин, унга-ям фойдаси бор. — Алишер нариги хонадан туриб бақирди.

Шоирнинг ғайирлиги тутди, шу болани бир бошлайин, деган ўй билан пойабзалларини ташқарига чиқариб ташлаб, ўзининг чала ошланган чармдан тикилган туфлисини олиб келиб, гулнинг ёнига — музхонага тиқиб қўйди, ният — янгидай бўлса, бирдан янгидай бўлсин. Шунча пайт иссиқда айниб ётганини бирдан музхонада олсин.

Шу тарзда Шоир музлаткични ёқиб қўйди. Яна ўша — тижорат гуллаган пайтлардаги каби кечаси билан хонадан гўриллаган овоз чиқиб, барчанинг уйқусини бузди.

Шоирнинг Тошкентга ким билан боргани, нима ишлар қилгани сирлигича қолаверди. Унинг гул кўтариб келишига қараганда ва Журналистнинг тахминига кўра, Нозима Тошкентга бормаган кўрилади. Бироқ бу борадаги ҳар қандай фикрга, ҳар қандай саволга Шоир мужмал, файласуфона жавоб беришга ҳаракат қилгани боис, масала очик қолмоқда. Гулни эртага нима қилади, шу — бир тутам, сўлиган, синган гуллар яна қанақа тақдирни, ҳаётни ҳал қилади — буям номаълум.

8

Эртанги куни кечга қадар гул ва туфли музхонада қолди. Кечки пайт, касалхонада иш тамом бўладиган маҳалда Шоир музхонадан, музлаб, янада очилган, намиқиб кетган туфлини олиб кийиб, якка ўзи йиқиб, бир соатга яқин қайларгадир йўқ бўлиб кетди.

— Туфлини эртарақ олиб қўйиш керак экан, — деди у кела солиб, оёқ кийимини ечиб, қуритиш учун газнинг

ёнига қўяркан. — Намиқиб кетибди, лекин жуда мулойим бўлиб қолибди, ян-янгидай, фақат пайпоқни ҳўл қилиб юборганидан, ўзимни сийиб қўйган боладай ҳис қилдим, кейин зах ҳиди ҳам келиб қолибди.

— Нима иш қилиб келдингиз? — Журналист Шопрининг йўқлигидан фойдаланиб, унинг диванига чалқанча ётиб олган эди. Ўрнидан тургиси келмай, қимирлаб қўйди. — Кейинги пайтларда жуда сирли бўлиб бораяпсиз.

— Бориб Нозимани бугун кечки учрашувга таклиф қилиб, кўндириб келдим. Олдинига бироз ноз қилди, Тошкентдан ажойиб совға олиб келдим, дегандим, рози бўлди. Кечаси соат ўнларда посёлканинг пастидидаги битмай қолган уй ёнига чиқадиган бўлди.

— Кеча сиз билан Тошкентга бормаганмиди? — ҳайрон бўлди Журналист.

— Йўқ, иши чиқиб қолган экан. Ўзингиз бориб келинг девди.

— Қанақа совғани айтаяпсиз?

— Гул-чи! — Шоир Журналистнинг бефаҳмлигидан яна бир бор ҳайрон бўлди.

— Эй, калла деб ошқадини кўтариб юрганингиз йўқми ишқилиб? Бу чўл бўлса, сизнинг юлинган, вижим гулингизни биров бошига урадимми? Уни қайга олиб боради. Уйигами, акаси уриб ўлдириб қўяди-ку. Олиб кетиб, йўл-йўлакай кимнингдир мөли охурига ташлаб кетадида. Шу. Ҳузурини сигирлар кўради.

— Нааамон қишлоқсиз-да, майликуя, бу дунёда қизлар учун гулдан ҳам азизроқ, қимматлироқ совғанинг ўзи йўқ. — Шоир жўрасининг маданиятсизлигидан жигибийрон бўлди. — Бир даста гул совға қилсангиз ҳар қандай қиз сизники бўлади.

Журналист бу чўлнинг қизлари ҳаётни анча тушуниб қолганлигини, булар учун гул билан сугургининг аҳамияти бир ҳўл эканлигини, улар фақат экилган, ерда гуллаб турганларинигина тан олишларини, манавинақа вижим шилдироқ қоғозга ўралгану, сўлиб қолганларини тан олмасликларини айтмоқчи эдию, яна тилини тишлади, барибир бу манман инсонга тушунтириб бўлмайди.

Шоир келиб Журналистнинг оёғини итариб ташлаганча, диванга ўтирди ва ўйладики, мана шундай қишлоқи, маданиятсиз йигитлар газетада ишлайди, одамларга қандай яшаш кераклигини ўргатади, ўзларича маслаҳатлар беради, диплом олишига бир баҳя қолган бўлишига қарамай, ўша — қишлоқлигича қолиб кетган. Мавқе ўзгарган, лекин дунёқараш, фикрлаш ўша — бундан беш йил бурун қўй боқиб юрган пайтида қандай бўлса шундайлигича қолган. Бунақа инсонлар билан бир жойда ишлашнинг ўзиям киши учун ор ҳисобланиши керак.

— Сиз, — деди Журналист ўрнидан туриб, диванга омонотина ўтирар экан, — чўл билан шаҳарни аралаштириб юбораяпсиз. Биз икки қаватли уйнинг иккинчи қаватида яшасак-да, бу ҳали шаҳарликка айландик дегани эмас, бундаги менталитет шаҳарникига тўғри келмайди. Кўрганмисиз, бу ерда келинлар ҳатто загсга борганларида ҳам газетага ўралган ярми мочалка, ярми пластмасса гулдан кўтариб олишади. Ҳатто “Совластитал”нинг гулари ҳам бу ерларга етиб келгани йўқ. Сиз бўлсангиз, шу дунёқарашга бирдан табиий гулни суқиштираяпсиз. Бу ҳаракатингиз умуман беҳуда ва аҳмоқона. Бу ем билан боқилган ҳўкизга янги ўрилган беда берилгандай бир гап.

— Буни тўғри айтдингиз. — Шоир бирдан унинг оғзидаги гапни илтиб кетди. — Биласизми, емга ўрганган ҳўкизга янги ўт беришмайди, менинг отам чорвадор ўтганлар, буни яхши биламан, чунки ҳўкизнинг кўнглида ҳис-туйғулар уйғонади, шундан ориқлаб кетади.

Журналист ўзи томонидан келтирилган қўпол ўхшатиш ўзига қарши ишлаб кетганидан ҳайратга тушди ва тилини тишлаб қолди. Лекин барибир жўрасининг бу тарзда калта ва бефаҳм фикр юритишини ҳазм қилолмади, аммо буни тил билан айтиб, тушунтириб беролмади. Ўзининг бу борада тил бойлиги камлигидан, бировга ўз фикрини уқтира олиш қобилияти пастлигидан ҳуноб бўлиб қолаверди.

— Мениям олиб борасизми? — сўради ниҳоят у орага чўккан сукунатни бузиб. — Ҳар ҳолда бу ишқий саргузаштда менинг ҳам ўз ўрним бор, бегона эмасман.

— Қизиқмисиз, мен мошинада бораман, қиз чиқса, учаламиз бир-биримизга анқайиб термулиб ўтираверамизми? Бу қанақа учрашув бўлади.

— Мен яшириниб тураман.

— Қайга, ўтиргичнинг орқасигами? Сезиб қолса нима дейман, Нуротадан бир кўзичоқ олиб келаянман, дейманми?

— Мошинада бўлса, юкхонага кириб олишим мумкин. Менга сизларнинг қилаётган ишларингизни кўриш шарт эмас, амалий тажриба тўплаш ва ўрганиш учун гапингизни эшитсам бўлди.

Шоир иккиланиб қолди. Кечаси унинг режаси бўйича жуда улкан ишларни амалга ошириши лозим, бу маданиятсиз Журналистнинг шўрвада чўкиб ўлган пашпадай бўлиб бу жараёнда иштирок этиб ўтириши барча ўйларини чишпақка чиқариб юбориши аниқ. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор: илк бор бу тарзда учрашувга чиқиши эмасми, ўзининг ҳам тиззалари қалтираб турибди. Кечаси, овлоқ бир жойда қизни қанча маҳал пойлаш керак — номачўлум. Икки ўртада ажина чалиб кетиши мумкин. Чўлнинг ажиналари ёмон, ёлғиз ёки ичиб олган кишини кўрди дегунча, ғайирлиги тутиб қолади, тегажоелик қилади, қўрқитади, гунг-соқов қилиб қўяди.

Ҳозир, диванда ўтирганича, Шоир шуларни ўйлаб, ўзи билан Журналистни оливолгани дурустмикин, деган тўхтама келиб қолаётган эди. Ҳар ҳолда, қизнинг ўрнига ажина келиб, бир кор-ҳол қилиб қўймасикин, деган хавотир йўқ эмас.

— Юкхонада дедингизми? — сўради Шоир барча дилл ва хаёлларни тарози палласига қўйиб, тортиб кўрганидан сўнг бир тўхтама келиб. — Нафас етмай ўлиб қолмайсизми, ишқилиб? Лекин бир марта Нуротадан иккита қўй ортиб келганман, ҳеч бало урмаган. Фақат ҳаммаёқни қумалоқ қилиб ташлаган. Сизда менимча унақа одат йўқ, юкхонани тозалаш жуда ўнғайсиз.

— Юкхонага кўрпача соламиз, битта ёстиқ ҳам оливоламиз, капотни эса қўлим билан ушлаб туравераман. Нафасим сиқилса сал каттароқ очаман, қиз қараса, ёнаман. Зўр фикрми?

— Ҳали самовар ҳам оливолармиз, а? Чойлашиб ўтирамиз, — деди Шоир кесатиб, кейин бироз ўйга чўмиб қолди. — Майли, бўлади. Фақат бир шарт бор. Кечаси нима иш бўлишидан, нимани эштишингиздан қатъий назар эртага эрталаб одамларга мақтаниб айтиб юрмай-



сиз, устимдан қудмайсиз, тем более, мақола ёзиб, Салим аканинг олдига кўтариб бормайсиз. Шунга қасам ичасизми?

— Ичаман, — деди Журналист шошиб. — Ўлиб кетай агар, айтганларингизни қилмайман.

— Бўпти. — Шоирнинг кўнгли тинчиди. — Бўлмаса бирга борамиз. Фақат сиз ҳушёр турунг, мабодо ажинани кўриб қолсангиз, эртароқ хабар қилинг, газни босиб, қочишга улгурайлик. Иккимизиям чалиб кетмасин.

— Албатта. — Журналист жўрасининг қўрқоқлигидан ичида кулиб қўйди.

Соат тўққизга яқин бир ошиқ ва бир томошабин учрашувга тайёргарликни бошлаб юборди — Шоир музхонадан музлаб, ёпишиб қолган гулни пичоқ билан қўприб олди, газнинг ёнида турган туфлиси мутлақо қуриб, ярим ошланган пайтидан қолган тузлари бетига чиқиб, оппоқ тусга кириб қолган экан, шунга бир амаллаб қорамой суртиб, рангини жойига келтирди.

— Бироз торайиб қолгандайми дейман-да, — деди у туфлини кийиб полга бир-икки телиб кўргандан кейин.

— Билмадим, Раҳмон малимининг гапи бўйича жисм иссиқда кенгайиши керак эди. Шу малимларга ҳам ишонч қолмаган, нуқул болаларни алдайди. — Журналист жўрасининг туфлисига синчиклаб қараб, уни тинчлантирди. — Ҳечқиси йўқ, озроқ кийиб турсангиз, ташлаб, ўз ҳолига қайтади.

Шоирни гулнинг аҳволи ташвишга солди.

— Бу унчаям свежийга ўхшамаяпти-ку?!

Журналист ўзининг адашганини, мантикий хулосалар ҳар доим ҳам ҳаётга мос келавермаслигини тушунди ва орадан ярим соат ўтар-ўтмас, гуллар қиров урган тамакидай шалнайиб қолишини англади, бироқ Шоирни безовта қилгиси (яхшиям у совуқ урган тамаки қанақа бўлишини билмайди, уларда асосан чорвачилик), бир-икки қанқув гап эшитгиси келмади, эҳтимол у гулнинг пулини тўлайсан, деб туриб олиши ҳам мумкин эди.

— Хавотир олманг, муз эригандан кейин ҳозиргина юлингандай бўлади.

Унинг тахминича муз эриганча гул эгасига етиб бориши керак, ундан кейин эса нима бўлса бўлмайди, қиз барибир бирор бир эшакнинг олдига ташлайди.

Журналист айтганидай қилиб бир кўрпача ва ёстиқни олиб чиқиб, пастда турган машинанинг юкхонасига жойлади. Бир амаллаб ичига тушиб кўрди — бироз букилиб қолганини айтмаса, чидаса бўладиган, минг азоб билан қайтиб чиқди. Бу орада қора туфлини кийиб, пичоқ билан тозаланиб, ранги бироз унниқиб қолган галстукни тақиб, ўнг қўлида музлаган гулни кўтарганча Шоир кўринди.

— Зўрми? — сўради у подъезднинг хира чироғи ёруғига ўзини солиб, машина ёнида анқайиб турган Журналистдан.

— Куёв бўп кетинг-эй. Бу ҳолингизни кўрган ҳар қандай қиз ўзини ташлаб юборади, — деди тилёламалик қилиб. У ҳали ҳам Шоир ўзи билан бирга боришга розилик берганига ишонмай турарди, шу сабабли, ичида “ўла, аҳмоқ, қоронғу кечада, чўлнинг қоқ ўртасида ким гул кўтариб, галстук тақиб учрашувга боради” деган ўй кечиб турган бўлишига қарамай, индамади.

Дарҳақиқат улар боришни режалаштираётган жой посёлканинг пастки томонида бўлиб, бир пайтлар у ёқларга

уйлар қурмоқчи бўлишгану, ё пул тамом бўлган ёки кимнингдир ақли кириб, шу сассиқ қўлмакнинг олдида яшаб бўлмаслигини англаб қолган, ярим чала қолдириб ташлаб кетишган. У томонларга йўлнинг ўзи йўқ, ҳаммаёқ чанг ва лойдан иборат. Ўша, булар борадиган жойдан сал нарида сизот сувлар йиғилиб, шўр қўлмак ҳосил бўлган, қурбақа ва пашпаларнинг макони. Шундай бир жойда учрашув белгиланган ва унга галстук тақиб, гул кўтариб бориш, бу ўлкаларда фақат Шоирдангина чиқиши мумкин.

— Ўзимам шу кеча куёв бўлмоқчиман, — деди тиржайиб Шоир. — Бундай гулдан кейин ҳеч бир қиз рад жавобини беролмайди. Шундай гўзал баҳор оқшомида бир давру даврон сурсак нима қилибди? Шунга арзийдиган йигитман-да ўзиям. Лекин сиз сўз бергансиз, қасам ичгансиз, ишнинг авжи чоғида чиқиб келиб, нима қила-яписизлар, деб ўтирманг яна.

— Ният куёвлик бўлса, манавинақа арзон гуллардан олмай, Олой бозорига кириб, голланд гулларидан бир сават кўтариб келсангиз бўлмасмиди, қиз бола деганлари кўчада қолдими сизга?

— Бу ер чўл, қизлар чиннигул билан голланд гулининг фарқига қайдан бориб ўтирибди. Кейин, сават музлаткичга сизмайди-ку, қандай сақлардик?

— Ундан кўра, пулни қизгандим, кўнгилим бору, кетим йўқ, деб қўя қолинг. — Журналист имкон қадар юмшатиб гапиришга ҳаркат қилгандию, бўлмади, барибир қўполлиги биллиниб қолди.

Шоирга қолса шу ернинг ўзидаёқ Журналистни юкхонага тиқмоқчи эди, борганларида қиз кутиб турган бўлса, бироз ўнғайсиз вазият юзага келиб қолишдан чўчиётганди. Журналистнинг эса бунақа нияти йўқ.

— Шу ёққа бориб ҳам тушиб олавераман, хавотир олманг, қиз бола деганлари ўлдим деганда ярим соат кечикиб келади. Ҳали акаси ухламайди, ҳали отаси ичиб келади, ҳали сигири туғиб қўяди — ишқилиб баҳонаси кўп уларнинг. Мен эса шунча пайт юкхонада букчайиб ётишни истамайман.

Шоир рози бўлди. Иккаласи учрашув жойига томон жўнаб кетишди.

9

Белгиланган жой зимистон эди, аксига олгандай ой ҳам йўқ, қишлоқдан келиб турган чироқларнинг хира ёруғи эса ён-атрофни ажина босиб кетгандай қилиб кўрсатарди. Шоир Журналистни ўзи билан бирга олиб келганига севинди, акс ҳолда шу пайт юраги ёрилиб, ўлиб қолган бўлармиди. Журналист унчалар кўрқмади, хаёлига Шоирни безовта қилаётган ўйларнинг ўндан бири ҳам келаятгани йўқ, кўрққани - бир-икки улиққан кучукка йўлиқиб қолиш, бир гап бўлса, юкхонага кириб яширинишни кўзлаб турибди, бироқ Шоирга қийин бўлди, у жўраси юкхонага яширинса, бир ўзи бу ерда нима иш қилишини билмай, юраги қоронғу бўлиб турибди. Ахир у ҳақиқий жентльмен сифатида учрашувга чиқадиган қизни кутиб олиши ва қузатиб қўйиши лозим.

— Балки кета қолармиз, а, Муса? — сўради Шоир Журналистдан. — Менинг хаёлимча бу қиздан ёруғлик чиқадиганга ўхшамайди.

Журналист унинг ташвишини тушунмади ва айёро-на жилмайиб сўради:

– “Ёруғлик” деганда нимани назарда тутаясиз?

– Кўнглингиз тўғри эмас-да, сизнинг. Фар одамга ўхшайсиз, мақолларингиз ҳам, саволларингиз ҳам фақат шумликдан иборат... – Шоир атрофига олазarak бўлиб термулиб турарди. – Хаёлингиз бошқа ёқда, мен эса бошқа масала безовта қилаяпти, ишқилиб ялмоғиз эмасмикин бу қиз?

– Ие, ҳушингиз жойидами сизнинг? Динозаврлар билан ялмоғизлар аллақачон қирилиб кетган, наҳотки шунни билмасангиз? Зоологиядан ўқитишмаганми сизни? Улиққан кучуклар бошқа масала, улар динозаврлар билан ялмоғизларнинг кунни бошига тушмаслик учун шу иш билан машғул бўлиб юришади ва олдида чикқанни талаб ташлайди.

Шу пайт узоқдан қоронғудан аллақандай шарпа кўринди, у оҳиста шу томонга келаётганди. Буни дастлаб кўзи тўрт бўлиб, ҳар қандай бугага-да ажина сифатида қараб турган Шоир илғади. Журналист унинг имосини тушуниб, шарт юкхонага кириб кетди. Бу сафар ҳаракати енгил кечди, машқда оғир бўлса, жангда осон кечади, дейишганлари рост экан. Шоир унинг бу ҳаракатига қарши эди, лекин қўлидан бир иш келмади, ҳар ҳолда ҳали Нозимадан умиди бўлиб, ростдан ҳам ўзи келиб қолса, уятга қолишини ич-ичидан англаб, ортиқча қаршилиқ кўрсатмади, фақат капотнинг бир четини ушлаб кўтариб турди, мабодо яқинлашаётган ажина бўлиб чиқса, у ҳам ўзини юкхонага урмоқчи эди, ахир ажиналар икки кишидан кўрқади-да.

Шарпа яқинлашиб қолганидан кейин, Шоир томоқ қириб, титраган овоз билан сўради:

– Ким?

– Мен!

Нозиманинг кўнғироқдай овозини эшитиб, Шоир дадиллашди, кўнглини хира қилиб турган барча ташвишу хавотирлар супуриб ташлагандай, бирдан йўқолди, юкхонада бошини кўтариб, яқинлашиб келаётган қизни кўриш учун бўйлаб турган Журналистдан жаҳли чиқди, ахир кўзлари қоронғуда мушукнинг кўзига ўхшаб, алтираб кетса, Нозимага нима деб жавоб беради? Бирдан кўнгли айниб қолди, капотнинг устидан қаттиқ босганди, у Журналистнинг бошига тегиб, “қарс” деган овоз чиқариб, “тап” этиб қулфланиб қолди. Кейин, агар нафаси тикқилиб ўлмаса, жўрасидан “ўзидан ўзи ёпилиб қолди”, деб қутулишни хаёл қилган Шоир қизга пешвоз чиқар экан, ишқилиб тақиллатиб безовта қилмаса бас, деган хавотирда эди.

Журналист қоронғу юкхонада, ташқарида нима ишлар бўлаётганини англамаганча, анча пайтгача ўзига келолмай ётди. Капотнинг нима учун ёпилиб қолганини тушунолмади. Кўрпача ва ёстиқни яхши олган экан, жонига оро кирди, фақат бу нокас Шоир юкхонани яхши тозаламаган эканими, ҳалиги Нурогадан олиб келинган кўйларнинг ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетди. Лекин на илож, Журналист бориға барақа қилиб, букилиб ётаверди. Анча пайт ўтиб, кимларнингдир машинага ўтирганини англади, қиз бола ва Шоирнинг бўғиқроқ, англаб олиш қийин бўлган овозлари кела бошлади. Бир амаллаб бурилиб, роса ўнғайсиз бўлишига қарамай, қулоғини юкхонанинг тўрига қўйиб, ичкарида бўлаётган гап-сўзларни тинглашга ҳаракат қилди. Дастлаб бақариб, юкхонанинг капотини тепиб, қизни роса чўчитмоқчи бўлганди, бироқ тезда бу

фикридан қайтди. Уни вазиятнинг сирлилиги қизиқтира бошлади, ахир қанча пул тўлаб ҳам бунақа вазиятни яратиш мумкин эмас, мухбир сифатида бунақа имкониятлардан самарали фойдаланиб қолиш лозим. Эртага буларнинг суҳбатлари асосида бузуқ қизлар ҳаётидан комедиями, висолга етишолмаган ошиқлар тўғрисида трагедиями, ёшлар ўртасидаги ахлоқ масалаларида дидактик мақолами ёзиш мумкин. Бу энди ёзувчининг иқтисодори ва масалага қайси томондан ёндошишга боғлиқ.

Ташқарида Шоир қиз билан кўришиб, бироз нима қилишини билмай қотиб туришгач, Шоирнинг таклифи билан машинанинг орқа ўриндиғига ўтиришганди.

Бир қарашда ҳаммаси яхши кетаётганга ўхшар эди – қиз ортиқча камтарлик қилмасдан, очиқ-сочиқ гаплашмоқда, Шоир ҳам вазминдай кўринади, бироқ ёмон томони шундаки, анча пайт музхонада туриб, музлаган, эриб, ҳўл бўлиб, газнинг иссиғида қуриб, чарми тортишиб қолган туфли оёғини роса сиқмоқда. Шоирнинг кўзига дунё қоронғу бўлиб бормоқда, ҳатто бояғи ажиналару, Нозиманинг дийдори тўғрисидаги ширин хаёллар ҳам тумтарақай бўлиб кетди. Фикру ўйи бир нарсада – қандай қилиб бўлмасин туфлини ечишда.

– Жуда қоронғу экан-ку, а? – деди қиз гўм гуре бўлиб олган Шоирни гапга солмоқчи бўлиб.

– Ҳа, – деди Шоир нафасини зўрға чиқариб, – оёқни сиқиб юбораяпти-эй, юракни демоқчи эдим.

Анча пайтгача иккаласи ҳам жим ўтирди, чала-ним-кала гўнғиллашни эшитиб турган Журналист юкхона ичига ҳеч қандай овоз келмай қўйганига, ё кар бўлиб қолдим ёки булар амалий ишни бошлаб юборишди, деган хаёлга борди.

– Мен оёғимни ечиб олсам майлими? – Шоир шундай деганча боши билан пасга шўнғимоқчи эди, Нозиманинг хаёли учиб кетди. Шарт унинг қулоғидан ушлаб қолди.

– Керак эмас, – деди у қатъий. – Сиз нима қилмоқчи бўлаясиз ўзи?

– Фақат туфлини... – Шоир чайналди. – Сиқилиб кетдим.

– Туфлини ҳам ечмайсиз, – деди қиз қатъий қилиб. – Биламан мен сизга ўхшаганларни, олдин туфли, кейин шим... Керак эмас.

Шоир ҳайратдан оғзини ланг очиб қолди, туманнинг энг олди шоирларидан бири бўлишига, чала олий маълумотли йигитлигига қарамай, шим ҳақида ҳатто гаширолмаган ҳам бўларди. Қиз томонидан бунчалар очиқ шаъмани эшитишнинг ўзиёқ уни талвасага солиб қўйди. Шу пайтга қадар юраги романтика билан тўла эди, бироқ қизнинг гапидан сўнг, буям мумкин экан-ку, ҳеч бўлмаганда қиз шу ҳақида ўйлаган экан-да, деган тўхтамга келди ва юраги ҳаққира бошлади, бироқ нафасини ичига ютди, чунки тезда туфли яна ўзини кўрсата бошлади. У аввалига бунга нима бўлганини тушунмади, ахир шу пайтгача яхшигина юрганди, сиқмасди. Барибир туфлини ечмасликнинг имкони йўқ, Шоир билдирмай, секингина ўнг оёғининг товонини чапининг учига қўйиб, тортқилашга тушди, туфли ечилай демасди.

– Нима қилаясиз? – сабри тутаган қиз уни туртди.

– Оёғим қичияпти, – деди Шоир нима дейишини билмай, туфли ҳақида ортиқча гаширмасликка қарор қилганди.



Шоир бир амаллаб туфлиларни ечиб ташлади ва ўзини ҳозиргина ҳожатдан чиққан кишидай, шоирона айтганда - қушдай енгил ҳис қилди.

— Аллақандай совға ҳақида гапирганмидингиз? — сўради Нозима кўзини бақрайитириб.

Кундузи бўлганда шу гапни айтганда унинг кўзлари сузилиб, юзлари бироз қизарган бўларди, ҳозир эса қоронғуликда барибир Шоир кўрмаслигини англаб, бу ортиқча уринишларнинг ҳожати йўқ деган фикрга келганди.

— Ҳа, уми?! — Шоир ваъдасини эслаб қолди ва қайрилиб, орқа томонга, ойнанинг остига ташлаб қўйилган гулни олди, негадир у сув бўлиб кетган, шалпайиб қолганди. Бир-иккитасини боши узилибди, ойнанинг остида қолибди. “Эссиз минг сўм, — деб ўйлади Шоир, — тўрттаси синибди, шуларни олмасам бўларкан”. Бироқ овоз чиқариб бошқа гапни айтди:

— Мана, Тошкентдан сизга ўзингиздай гўзал гуллар олиб келдим. Ҳозир яхши кўришмаяпти-ку, бироқ кундузи жуда ажойиб.

Нозима кўлига гулларни олиб, энсаси қотди.

— Сувга тикиб келганмисиз нима бало? — менсимай сўради у. Қиз бечора бу йигит ўзига аллақандай сирли нарсани ваъда қилганидан ҳовлиқиб чопиб келаверганди. — Ҳаммаёғи хўл-ку?

Музлаб қолган гуллар эриб, суви оқиб бораётган, таналари юмшаб, мўрт бўлиб қолганди, Нозима бир силкитганди, яна учта гулнинг боши тагидан узилиб тушди. Қизнинг ҳафсаласи пир бўлди, яхшиям у ҳозирча кўлига музлаб қолган гул тутқазинганини билмайди, қоронғулик халақит берапти.

— Мен энди борайин, — деди у бироз менсимаган оҳангда. — Акам йўқлигини билиб қолса, жанжал кўтаради.

— Қайга борасан, биз-чи?!

Шоир шу гапни эшитдию, аъзойи бадани музлаб кетди — машинанинг ойнасидан кимдир қараб турганди, унинг рапидада келадиған ялпоқ ва дағал башараси машина ичидаги чироқдан бораётган хира нурлардан ялтирарди. Шоир ўтирган жойида нима қиларини билмай, каловла-ниб қолди, боя Ёкорга Журналистни машинанининг юкхонасига қамаб қўйганини англаб, ўтирган жойида бир қимирлаб қўйдию, эшикни очмай, Нозимага юзланди:

— Бу ким бўлди? Акангизми?

— Нималар деяпсиз, танимаيمان. — Қиз ҳам ҳайрон эди. — Мени бегоналарга талатиш учун бу ерга чақиргандингизми?

— Йўғ-э, — Шоир каловланди. — Бу жойга ўзингиз чақиргандингиз-ку.

У, албатта, бошқача гапирмоқчи эди, айтмоқчи эдики, бу жойни танлашда сизнинг ихтиёрингиз ҳам ҳисобга олинган. Бироқ шошиб турганда, гапнинг орқа-олдига қараб ўтиримас экан киши.

— Нимага менга тўхмат қиласиз? Бошимга урамани сизни бу ерга чақириб, оғзингизга қараб гапирсангиз-чи.

Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган икки ошиқ ўртасида даҳанаки жанг бошланган бир пайтда машинанинг бошқа томонидан яна бир қоп-қора башара пайдо бўлди. У ўртоғига ўхшаб, ташқаридан гап ташлаб ўтирмади, ҳайдовчининг эшигини очиб, рулга ўтириб олди. Машина ичини ароқ билан яна аллақандай нарсаларнинг

қўланса ҳиди тутиб кетдию, Шоир оғир аҳволда қолганини тушунди.

— Эй, йигит, — деди у вазмин бир тарзда. — Биз инсоф қилдик, роса ярим соатдан бери кутиб ўтирибмиз, шу бола ўз ишини битириб олсин, деб. Ишинг битган бўлса, бу қизни бизга ташлаб кет-да, бошингга урасанми? Уйингга олиб бормаيسان-ку. Биз ҳам бир байрам қилайлик.

Шоир бадбашаранинг ўртоғи ҳам борлигидан нафаси ичига тушиб кетди. Қизнинг олдида шармандаси чиқиши аниқлигини англаб, бу вазиятдан қандай қилиб, орномусни сақлаган ҳолда чиқишининг йўлини қидира бошлади.

— Кечирасизлар, сизлар тушунмадингизлар, — деди у титраган овоз билан. — Бу қиз менинг яхши кўрганим, биз турмуш қурмоқчимиз.

— Қўйсангчи, бўлмаган гапни, — деди рулда ялпайиб ўтириб олгани. — Қайси аҳмоқ яхши кўрганини бийдай далага олиб келади? Биламиз, келишиб олгансанлар. Майли, биз сенинг ҳақингни ҳам тўлаймиз, ҳеч хавотир олиб ўтирма. Бўладими? Қанчага келишгансан?

— Келишганим йўқ. — Шоир ҳайрон бўлиб ўтирарди.

— Бўлмаса текин экан-да?! Бунақаси ҳали учрамаган эди. Бизга фарқи йўқ. Агар улгурмаган бўлсанг, майли, биз тескари қараб турамыз, ишингни бажариб олавер. Кейин ташлаб кетасан.

Шоирнинг ичига титроқ кирди.

Бояги бадбашара олдинги нариги эшикни очиб, ўриндиққа ўтирди.

— Сен ҳам одамни тушун-да. Биз бу ерларда янги одам бўлсак, қаламқошлар қайда йиғилишини билмасак, сен ўзингга бошқасини топиб оласан. Унинг ҳам пулини тўлаймиз. Унчалар ҳасис кишилар эмасмиз.

Шоир қараб турса, аҳвол чатоқ, Нозима ҳам қалтираб, Шоирнинг пинжига суқилиб қирапти.

— Ай, жонон, — деди рул томонда ўтиргани қиз томонга кўлини чўзиб. — Айтнинг, нархингиз қанча?

— Қўлингни торт, ифлос! — деди Нозима ва қайдандир синиб адо бўлаётган гулдастани олиб, унинг бошига қараб силкитганди, гулларнинг барчаси узилиб, синиб тушди.

— Нима бало, такка тўшаш учун беда олганмисанлар? Бизнинг чайлада кўрпача бор. Яримга ароқ ҳам қолган бўлса керак.

Нозима ҳўнграб, кўлида қолиб кетган бир тутам гул поясини Шоирнинг юзига қарата отиб юборди. Шоир эса бундай оғир пайтда қиз у томонда бўлиши лозим, деб ўйлаб ўтирган эмасми, бу қилигидан ниҳоятда ҳайратга тушди, ўзини уч нафар безорининг ўртасида қолиб кетгандай ҳис қилди ва буларнинг тили бир бўлса керак, алдаб, мени номусга тажовуз қилишда айблаб, милисага тоширишмоқчию, кейин машинани соттириб, пулини арра қилишмоқчи, деган фикрга борди.

— Менга зарда қилманг, — деди у Нозимага қарата. — Мен сизга ҳали кўл теккизганим йўқ. Тўғри, туфлимни ечдим, лекин бошқа нарсалар ҳали жойида турибди. Туфлиним, сиқиб юборгани учун ечгандим. Бўлмаса, акасингилдай бўлиб гаплашиб ўтираверардик.

Нозимага унинг бу тарзда гапириши тушунарси эди. Қиз Шоирнинг бирдан ўзгариб, ўзига ҳужум бошлаб қол-

гани, вазиятдан қуруқ ўзини олиб чиқиб кетмоқчи бўлаётганидан ҳайратга тушиб, катта қўзларини унга томон бақрайтириб қаради, бироқ қоронғуда Шоир буни илғамади.

— Туфлини ечибсиз-ку, йигит, — деди рудда ўтирган киши орқага ўтирилиб, сассиқ нафаси билан тўғри Шоирнинг бурига пуфлаб. — Демак улгургансиз. Бунчалар хасис бўлманг, калиш эмас, ейлиб қолмайди. Ҳали бир аёл экан-ку, бу дунёнинг ўзиям барчадан қолади.

Шоир унинг бу фалсафий фикрини нотўғри тушунди ва ўйладики, булар иккиси ҳозир шу қизни ташлаб кетмайдиган бўлсанг, ўлдириб, анави сассиқ қўлмакка ташлаб кетамизки, ўлигини балиқлар еб кетади. Албатта, улар қирғовида турган қўлмакда қурбақадан бошқа ҳеч вақо йўқ, лекин бу икки барзанги буни билмаслиги мумкин, ахир бу юртларда янги экан. Шоир зўр бериб ўйлай бошлади: нима қилиш керак? Вазият жуда қалтис ва нобоп. Бир томонда ор-номус, яна бир томонда ҳаёт масаласи турибди, бошқа бир ёқда эса, адашмаса, картага ўзининг жонажон мана шу сариқ “Москвич”и тикилган. Қайсини танлаган дуруст? Қандай қилиб, номусни, ҳаётни ва машинани сақлаб қолиш мумкин? Ўзи тушиб қолган ушбу вазиятдан шуларнинг учаласини ҳам сақлаб қолган ҳолда чиқиб кетиш мумкинми? Агар имкони бўлмаса, буларнинг қайсидан кечган яхшироқ? Машина моддай нарса, у неча йиллик тижоратининг маҳсули ва жуда қадрдон бўлиб қолган, уни топганча не бир балоларни бошдан ўтказмаган. Кечиб бўлмайди. Ҳаёт тўғрисида эса тап ҳам бўлиши мумкин эмас — усиз на номус ва на машинанинг аҳамияти бор. Агар бу барзангилар жуда унчаликка боришмай, ўлдириб кетишмасалар ҳам, қорнига беш-ўн марта тепадиганга ўхшайди, Шоирнинг эса болаликдан қорнига тепки ейишга тоби йўқ. Номус эса... У нима ўзи? Моддий нарса эмас, қўлга ушлаб, чўнтакка солиб бўлмайди, ҳеч қанақа оғриқни ҳам қўзғатмайди.

— Сиз шунга нима дейсиз? — деди тўсатдан Шоир Нозимага қараганча, орага чўккан жимликни бузиб.

— Нимага нима дейман? — Қиз уни тушунмади ва жаҳди чиқди. — Манави икки безорини қувиб солмайсизми? Нима қилиб лаллаиб ўтирибсиз? Мен бу ерга сизга ишониб келганман, мени манавиларга талатиб қўймасиз.

— Ҳай-ҳай, — деди олдинда ўтирганларнинг бири ўзича хафа бўлиб. — Бизни ким деб ўйлаяпсиз. Биз тинчлик ва соф муҳаббат тарафдоримиз. Пулини тўлаймиз деяпмиз, нега тушунмайсилар?

Нозиманинг бирдан жаҳди чиқиб кетди ва олдинда ўтирганларнинг бирини юзига чанг солиб, тимдалашга тушиб кетди, ишқ гадоси фаол қаршилик қила бошлади ва ўртада олишув бошланди. Шоир эса нима қиларини билмай, узун, қоп-қора, қагчадай қўзларини ўрлага сўқиб, уришяётганларни айиришга ҳаракат қила бошлади. У ғайрихитиёрый бир тарада ўзини бетарафлик томонга олмоқда ва учлик судидаги учинчи томондай ҳаракат қилаётганди. Унинг бу ҳаракати Нозиманинг бадтар жаҳлини чиқарар ва ўзича ошиқ бўлдим, совға бор, деб мени адаб бу ерга чақирган, номусимни қўллашиб топтамоқчи бўлишган, деган тўхтамаг келди. Ахир у айтган совға ҳам аллақандай сигирининг олдида ташлайдиган бир тутам ўт экан-ку, шундан кейин, бу ошиқ йигитнинг гапига яна қандай қилиб ишониш мумкин?

10

Бу пайтда машинанинг юкхонасида ётган Журналист ташқарида нима воқеалар юз бераётганидан деярли беҳа-

бар бўлиб, нуроталик қўйларнинг сийдиги ҳидидан боши гангиб ётарди. Унинг қулоғига аллақандай гўнғиллашлар эшитилаётган эди, бироқ буларнинг барчаси икки ошиқнинг эҳтирослар пайтидаги оҳ-войлари бўлса керак, деб ўйлади ва алам қилди. Қулоғини тобора деворга яқинлаштиришга ҳаракат қилмоқда эдию, бироқ машинанинг силкиниши натижасида уч марта бошини уриб олганлиги сабабли буни бас қилди. Шусиз ҳам эртага ишга пешонадаги ғурралар билан борганда, нима баҳона топишни билмай турибди. Унга-ку барибир, Шоирнинг қизлар билан учрашувига қузатувчи вазифасида бордим, деб айтaverиши мумкин, уялиб ўтирмайди, бироқ қузатувчилигининг ғуррага қандай алоқаси борлигини қизиқувчан ҳамкасбларига тушунтириб бўлмайди. Ўзининг юкхонада қамалиб қолгани, бутун учрашувни қудуққа чўккандай қилиб ўтказиб юборгани, ушбу ишқий сарғушаштдан унга фақат машинанинг сирли силкинишлари насиб қолганини тан олиш жуда оғирлик қилади, буни у ўзининг энг катта мағлубияти ҳисоблайди. Шунинг учун ташқаридаги овозларга, қанчалар қизиқарли бўлмасин, қулоқ осмай қўйди — барибир фойдаси бўлмагандан кейин нима қилади ортисча ғуррани кўпайтириб. Мақолами, асарми битадиган бўлса, Шоирнинг ўзидан сўраб олар, жуда бўлмаса, ҳали бош суюлиб кетгани йўқ, ҳамма айбни бадний тўқимага ағдариб, ўз билганича ёзаверади.

Ташқарида эса вазият тобора оғирлашиб бормоқда, йигитнинг бўшанглиги, шалвираганлиги ишқ овчиларининг гулханига керосин сепмоқда — улар йигит индамаяпти, демак буни савдолашиб олиб келган, яхши кўрган қизи бўлганда, чидаб туrolмаган бўларди, деган фикрда эди. Бу анчадан буён ерёнғоқ экиб, чайлада ётган, аёл зотини кўрмай, қутириб кетган икки деҳқон учун Шоирнинг анқайиб шу ёққа келиб қолиши катта омад ва уларнинг назарида посёлкадан сал нарига чиққан аёл борки, бариси пулга сотилади.

— Эй, жўра, — деди келганларнинг, отаси пулини нақд санаб бериб, машина олиб бергандай рудда ўтириб олгани. — Бу қизингга айт, бизларам ёввойи эмасмиз, мен олти ойлик буғалтерия курсида ўқиганман. Ҳар қандай нарсани дебит, кредит қилиб ташлайман, бир пайтлар менга колхознинг бош буғалтирлигини таклиф қилишган, ерёнғоқ экаман деб кўнмаганман. Так, шго, ўйламанглар, аллақандай қишлоқилар келиб қолди, деб. Биз маданиятли одамлармиз. Дипломим уйда турибди, афеус олиб келмаган эканман. Кўнсин, қўйсин-да, нимага бунча ноз қилади, ўзини қизлардай тутганига ўласанми? Пахтакорда бир кило гўштга бунақаларнинг иккитасини уч соатга бериб юборишяпти. Ҳозир энди у ёқларга бориб юрмаймиз-ку. Кел, шу бир кило гўштининг пулини сенга бериб қўя қолайлик.

— Акалар, мен қўшмачи эмасман, — деди Шоир ўзини босишга ҳаракат қилиб, бу ерёнғоққа содиқ қолган буғалтерни кўнглига қўрқув солиш ҳаракатида бўлиб, унга Нозимадан кўра, манавининг машинаси рулига гердаийб ўтириб олгани алам қилиб бомоқда. — Нима бўлса ўзларинг келишиб олаверасизлар, лекин айтиб қўйай, мен милисанинг опери Муҳаммадни яхши танийман?

— Қайси Муҳаммад? — сўради ҳалигиларнинг бири ҳайрон бўлиб. У бу ерда юз бераётган воқеаларга милисанинг нима алоқаси борлигини тушунолмаётганди. Ўйлаётгандики, қизлар борасидаги олди-бердилар милисасиз, ҳуқуқ-тартибот идораларининг аралашувисиз ҳал бўлади.

— Отабуллаев-да, капитан. — Шоир унинг бефаҳм-лигидан ҳайрон бўлди. — У одам ҳар қандай машина ўғрилганини бир деганда очиб ташлайди, бу борада жуда психини ёрган.

— Биз нима бўлсаям, қизни олиб кетамиз, — деди биринчи бўлиб машинага ўтириб олгани ва Нозима билан ҳалиям юлишиб ётгани. — Менга жуда ёқиб қолди, шаддод ва темпераментний экан, кўндан бери шунақаларини қидириб юргандим. Балки роийм тобласа, чечангни ҳайдаб юбориб, уйланиб оларман. Олтита болани қандай боқаман, чўлга бориб ерёғоқ эк, деб роса жонимга тегиб кетган ўзиям. Боласи йўғи беғалвароқ бўлади.

— Эй, эсинг жойидами сенинг? — деди рудда ўтиргани жаҳл билан. — Холпошша терингни шилиб олиб, сомон тиқиб, уйингнинг тўрига тулун қилиб қўяди сендақа ёш қувёни. Ҳали уйланаман деб, бу жонини менга ҳам бермассан?!

— Олдин бир амаллаб чайлага олиб бораёлик, кейин бир гап бўлар. Элдан бурун ноғора чалма. — Холпошшанинг эри хотини номини эшитиб, бироз шашгидан тушди.

Шоир ҳайрон бўлиб қолганча, нима деярини билмай, уйланиб ўтирибди, унинг назарида буларнинг барчаси тушида содир бўлаётганга ўхшарди, чунки у, хонадош ўртоқларига қанча мақтанмасин, Нозиманинг ўзи билан учрашувга чиқишига сира ишонмас, қиз чиққан тақдирдаям манави қутилмаган икки деҳқон келиб қолмаслиги лозим эди. Агар буларнинг барчаси Нозима томонидан уюштирилмаган бўлса, туш бўлиши аниқ. Чунки у туғилганидан буён мана шундай нозик ва нобоп ҳолатга тушиб қолгани йўқ.

— Акалар, — деди у нимадир дейиши лозимлигини, аке ҳолда ўзини мутлақ кўрқоққа чиқариб қўйишларини англаб. — Ҳозир тортишишни бас қилганча уй-ўйига, така тўйига тарқалайлик. Эртага эрталаб, учрашамиз, мен сизларни Пахтакоргами, ундан ҳам наригами, Жиззахгами, демоқчиман, олиб бораман. Мана шу машина бир кун давомида хизматингизда бўлади, сизлар баҳона ўзим ҳам бир яйраб келардим. Анчадан буён занглаб ётибди.

Шоир шу гапларни айтдию, қовун туширганини англади, одамзот кўрқув ва ҳаяжон уетида нималар демас экан? Дарров гапини тўғрилагига киришди:

— Занглаб деганимки, машинанинг мотори билан филдираги занглаган, кейинги кунларда ҳеч қаерга борганим йўқ, уйнинг олдида ётибди, ёмғиру қорда занглаб.

— Жўра, сен тушунган одамга ўхшайсану, лекин аслида ғирт аҳмоқ экансан. Ахир бизнинг эртага кун бўйи ишимиз бор-ку, раисга қанча пул тўлаб, икки гектар ер сотиб олганмиз. Сен бекорчи билан қўшилиб, шаҳарма шаҳар айланиб юрсак, эртага кузда ким бизга раҳмат дейди, менинг олти болам, манавининг икки хотинини ким боқади? Сенми? Йўқ, шундайми? Шунинг учун сен бола бизларни тўғри йўлдан урма.

— Сен, жўра, менинг хотинларимни бунга пеш қилма, ҳали ўзим тирикман. — Жаҳли чиқди наригисининг.

— Мисол учун айтдим-да.

Шундай деганча деҳқоннинг бири тушиб, келиб Нозима ўтирган эшикни очди ва унинг биллагидан ушлаб, пастга тортқилай бошлади.

— Тушинг баққа, акаси жонидан, бир ялло қилайлик... Эй, Райим, ёрдам бермайсанми, қара, жуда шаддод экан, тушпеси келмайди, бир амаллаб чайлага олиб борсам,

шимингни ечиб, ҳаммадан бурун чопиб қоласанку-я, бу ерда яна мен. Куни билан ҳам ўзим жўя тортдим, сен фақат ўргатиб турдинг. Ишнинг қийини менга экан-да.

Бу пайт Нозима Шоирнинг сонларига шипша ёпишиб олган эди.

— Нимага қараб турибсиз, урмайсизми буларни? — қиз энди Шоирга ялина бошлади. — Бу нима қилганингиз?

Вазият қанчалар оғир бўлмасин, Шоир қизнинг юмшоқ қўлларини ўзининг сонларида ҳис қилиб, юраги ханқирди, шу ўтиришда бир умр қолиб кетишга ҳам рози эди, фақат қиз қўлларини олмаса бас.

— Ўладиган дунёда бир маза қилсанг бўлмайдами? — рудда ўтирган деҳқон ҳам тушиб келиб, очиқ эшикдан бош суқди. — Бундан кейин биздай ажойиб йигитларни учратасанми, йўқми, Худо билади...

Шоир иштонини хўл қилиб қўйган болага ўхшар эди — бир томондан уялади, иккинчи томондан кўрқади.

Нихоят унга ҳам журъат битиб, қизнинг белидан маҳкам қучиб олиб, ўзига торта бошлади.

— Эй, сиз нима қилаёйсиз? — Нозима унинг ҳаракатидан ҳайрон қолди.

— Анавилар тортиб тушириб олмасин деяман. — Шоир у нима истаётганини тушунмаётганди ёки ўзини оварга солмоқчи.

— Бўлмаса пастга тушиб, ҳайдаб юбормайсизми?

— Шундай қилсаям бўлади, — деди ичидан қиринди ўтган Шоир шалвираб.

Нима бўлишидан қатъий назар паст кетмаслик лозим. Ҳар ҳолда, юкхонада ҳали қўшимча кучлар бор, имконият туғилди дегунча очиб, ишга солиш мумкин, фақат машинанинг калитини қайга қўйганини билмай турибди, чўнтағидами ёки қўлфда қолганми. Топди дегунча, захирани ишга солишни мўлжаллаб турибди, ахир бу бориб турган адолатсизлик-да, у мана шундай ноқулай ҳолатга қолиб ўтирсаю, жонажон жўраси эса машинанинг юкхонасига тушиб олиб, бемалол ётаверса.

Кўнглида не ўй кечаётганидан қатъий назар Шоир машинадан тушиб, айланиб ўтиб, икки чўлқуварнинг ёнига келди. У бир нарсани — эркак киши аёл учун ҳар қандай қабиҳликка тайёрлигини билади, ҳозир булар иккиси ҳеч иккиланмасдан бунинг бошига уриб, чалажон қилиб, Нозимани олиб кетишдан ҳам тоймайди, у шундан кўрқиб турибди. Бироқ шу пайт унинг ўзи ҳам эркак эканлиги, у ҳам аёл учун ҳар нарсага тайёр бўлиши лозимлиги ёдига тушди, кўзига қон тўла бошлади.

— Акалар, — деди у ичи қалтираб, тиззалари букилиб бораётганлигига қарамай, имкон қадар овозини баланд ва дағал қилишга уриниб. — Мен сизларга айтдим, бу яхши кўрган қизим, мен унга уйланмоқчиман. Шунинг учун сан-манга бориб қолмасимиздан бурун, туёқларингизни шиқиллатиб қолсаларингиз яхши бўларди. Аке ҳолда...

Унинг бу гаплари Нозимага жуда ёқиб тушган бўлишига қарамай, икки нафар чақирилмаган меҳмон учун заррача таъсир қилмади.

— Нима, “аке ҳолда”? — духқонлардан бири ўзининг шудгорланган кузги даладек шўрлаб, чўтир бўлиб кетган башарасини унинг бурнига қадар суриб келди, унинг оғзидан анқиб турган ароқ ҳидидан Шоирнинг боши гангиди.

— Энди... — Шоир чайналди, бироз ҳовуридан тушди. — Яхши эмас, демоқчиман-да, ўзбекчиликда йўқ шу қилиб турган ишларингиз. Бир бегуноҳ қизни...

– Қизни? Сен қайдан биласан бунинг қизлигини? Қиз бола ярим кечаси танимаган кишининг машинасига миниб, мана шундай овлоқ жойларда нима қилиб юрибди? Биламиз бунақа қизларни. Бундан анча бурун, биттаси олиб келганди. Олдинига ноз қилиб, ноз қилиб, пулнинг номини эшитиб, шартта қўнақолди. Тўғрими, Тошқул?

– Тўғри! – деди Тошқул деганлари ҳам маъноли қилиб.

Шоир эса савол ва жавоб қайси аёлга тегишли эканлигини тушунмади ва Тошқулнинг таққослашга имкони бўлганми-йўқлиги билан қизиқмади, бу уларнинг ички ишлари эканлигидан келиб чиқиб, индамай қўя қолди. Ҳозир бу нарсани ойдинлаштириш мавриди эмас.

– Фақат буниси жуда ошириб юбораяпти, олдинги йигит дангал эди, сизлардан шу бир жалап ўргулсин, деб ташлади кетди, кейин биз уни уч кун давомида эрмак қилдик. Шунини деб ерёнғоқ экиш кечикиб кетди.

Гапираётган Холпошшанинг эри эди.

Шоир буларга вазиятни қандай қилиб тушунтиришни билмасдан боши қотди, ахир нима қилсин, Мусанинг Разоқ боваси айтганидай, ҳақиқатан ҳам аҳмоқ билганини, кўр тутганини қўймас экан. Буларнинг хаёлига ўрнашиб қолган Нозиманинг бузук қиз эканлиги тўғрисидаги фикрни қандай қилиб чиқариб юбориш мумкин.

– Сен бола нари тур, эркакларнинг ишига аралашма, биз ўзимиз бу жонон билан келишиб оламиз. Ўзи аёл билан эркакнинг орасига эсини еган одам тушади.

Шундай деганча Тошқул деганлари кетмон чопавериб қотиб кетган, рапидадай қўллари билан Шоирни бир чеккага суриб қўйдию машина эшигидан энгашди.

– Кел, ноз қилма энди, акаси жонидан, пастга туш. Шу ҳезалак билан юриб нима қиласан, биз билан бир оқшом қолсанг, ҳақиқий эркак қанақа бўлишини кўрасан ва бир умр таъми оғзингда қолади, э, ээ...

У овқат тўғрисидаги гапни бу ерда ишлатиб юборганидан ўзи каловланиб қолди, ахир ҳақиқатан ҳам бунинг, яъни ишқий кайф-сафонинг мазаси қайда қолиши мумкин? Бундай ҳолатларда нима дейиш кераклигини тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмаган экан, нима деб гапни тўғрилашни билмай чайналди:

– Ишқилиб бир умр унутмайдиган бўласан, ҳали ўзинг яна қайтиб келасан, акалар шу ишни яна бир такрорлайлик деб. Ўлай агар маза қиласан, туш энди таранг қилмай.

– Тушақолинг, – деди нарида, Шоирнинг ёнида тургани ҳам. – Одам ўлиб қолай деяпти-ку, кўзларимиз қонга тўлиб кетди, сизни бизга Худонинг ўзи етказди.

Бунақа гапларни кўтариш Шоир учун ҳам, Нозима учун ҳам оғир, бироқ негадир қиз жим, Шоир эса унга таассуб уриб, индамай турибди, ахир шунақа қўпол гапларга бир оғиз жавоб қайтармаётган экан, демак унга ёқаяпти, бундан чиқадики, ҳақиқатан қиз бола эмас, фақат уни лақиллатиб, тегиб олмоқчи бўлган. Шоир мантқиқий хулосалари билан ўзининг аҳмоқона ҳаракатларини оқламоқчи бўлаётганди. Унинг хаёлидан бояги – қизнинг бу икки чўлқувар билан бирлиги тўғрисидаги фикр, тусмол бутунлай кўтарилиб кетди, буларнинг тили бир бўлганида, улар қизнинг шаънини бу қадар топтамаган бўлишарди.

Ғира-шира шарпасидан англанишича, қиз бошини ҳам қилганича, олдинги ўтиригичнинг суянчиги орқасига кириб кетган. Чўлқуварнинг бири эса зўр бериб унинг

билакларидан ушлаб, ташқарига тортқилаш билан оввора, аҳён-аҳёнда эса баҳонада қизнинг беллари, кўкраклари томонга ҳам қўл юбориб турибди, бироқ буни Шоир сезаётгани йўқ, анқайганича, буларнинг инсофга келиб қолишини қутаяпти ва вазият булар билан талашингга арзийдими, йўқми, чамалаб кўраяпти, уришадиган бўлса, синган бурунни қайда ва қандай қилиб тузатиб олиш, кўз остининг кўкаришларини қандай қилиб йўқотиш ташвишини қилаяпти.

Бир пайт қаттиқ чинқирикдан Шоирнинг қулоқлари батанг бўлиб кетди, ўгирилиб қараб, бетини чангаллаганча, орқага тисаралиб келаётган чўлқуварни кўрди.

– Нима бўлди? – шошиб унга ёрдамга етиб борди ҳамкасби.

– Қўлида тўппончаси бор экан бу жалапнинг, нақ кўзимдан отди.

– Қўйсанг-чи, биз эшитмадик-ку, – ўртоғи унинг гапига ишонқирамай қаради.

– Мен биламанми, сенми? Кўзимнинг олдида олов чақнаб кетди-ку.

Бу бечора ҳалигача кўзга қаттиқ урилса ундан олов чиқиб кетишини билмас экан.

Бу пайт қўлида алламбало билан Нозима машинадан тушиб келди:

– Ҳали сен ҳам бир нарсга деганмидинг? – у иккинчи ишқ қурбонига хезланди, қизнинг бу тарздаги важаҳатини кўрган Шоирнинг-да юраги ёрилаётди, кутмаганди ва Нозимадай ювош, уятчан қизнинг мана шундай ялмоғиз кампирга айланиб кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганди. Тўғриси, ялмоғизнинг қизидир деган ўйга борганди-ку, бироқ унда бу борада аниқ тасаввур йўқ эди, энди эса уни кўриб, бунинг олдида ялмоғиз ҳам номаъқул еб қолишини тушунди.

– Мен... мен... ҳеч нарсга демадим-ку, – чўлқувар орқа-олдига қарамай, жўнаб қолди. Нозима эса кўзини ушлаб, тўнқайиб кетиб бораётган зўравоннинг орқасига чунонам ўхшатиб тендики, у ўмганлаб бориб, тўрт одим нарида юзгубан йиқилдию, тезда ўрнидан туриб, пилдирганча қоронғулик қўйнида ғойиб бўлди.


Шоирнинг хаёли учиб кетганди, ғайрихитёрый бир тарзда тисаралиб, орқаси билан машинанинг орқа қанотига тақалди. Нозима энди оладиган калхатдай бўлиб унинг устига бостириб келаётганди.

II

Шоир машинанинг орқа қанотига тиралиб, қаттираб турарди, Нозима эса жуда яқин келди:

– Эй, ҳезалак, – деди у дағал бир овозда. – Қўлингдан келса бир ишга қўл ур, бўлмаса нима қиласан чираниб, ҳозир мана шу билан бир уриб, бурнингни пачоқ қилиб ташлайинми?

Қиз қўлидаги нарсани баланд кўтариб, Шоирнинг башарасини чўтлай бошлаганди, йигит нима қиларини билмай, жойида қотиб тураверди, кўрққанидан ранги бўзариб, довдираб қолганди. Бироқ буни Нозима бошқача тушунди, буни унинг жасурлиги ва мардлигига йўйди, шунингдек, боя, шу қизга уйланаман, уни яхши кўраман деган гаплари ёдига тушиб, қўнгли ийиб кетди, бироқ энди шунчалар шанг билан кўтарилган қўлни бемалол қайта тушириб бўлмайди, Чехов айтганидай, милтиқ деворда турган бўлса, отилиши керак, қўл эса жаҳл ва шанг



билан кўтарилган, у жойига тушиши керак, бунинг устига онгга йиғилган газаб, билакка йиғилган куч сарф қилиниши лозим. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, Нозима куч билан қўлидаги нарсани машинанинг калотига урди: атрофни темирнинг қарсиллаган овози тутди. Негадир эркак кишининг чинқирғи ҳам эшитила бошлади. Нарироқда қочиб бораётган икки чўлқувар эса “бу қиз тўппончасидан яна кимнидир отди” деб разведкадан қайтаётган аскарлар каби энгашиб, осон қутилишганларига хурсанд бўлиб, қочинида давом этишди.

Нозима аввалига Шоир бақираётган бўлса керак, қўлига тегиб кетди, чамаси, деган хаёлга борди, сал туриб, унинг ўзи ҳам нима қиларини билмай каловланаётгани, бунинг устига оғизлари юмилганлигини, овоз эса бўғиқ бир тарзда эшитилаётганини англаб, хаёли учди. Сал тажрибасизроқ, оvsарроқ киши бўлганида, таёқ егани учун машина бақираяпти, деган хаёлга бориши мумкин эди, бироқ Нозима дастлаб шубҳага борган бўлишига қарамай, машинанинг жони йўқлигин яхши билади. Ҳолбуки, Шоир ҳам доим машинаси ҳақида худди жони бор нарса, қадрдон ўртоғидай гапирди: “бечора чарчаб кетди”, “бу эгам роса аҳмоқ чиқди, олдингиси яхши эди, гаражга гиламлар тўшаб қўярди, бунисининг эса гаражиям йўқ”, “Туни билан совқотиб чиққан бўлса керак ўзиям” каби.

— Ким бақираяпти?! — сўради Нозима бироз орқага чекиниб.

— Муса бўлса керак, ҳалиги жўрам.

— У қаерда, нимага бақиради? — қиз бунинг туриши ва гапларини умуман тушунмади, лекин ич-ичидан булар иккиси яна қандайдир ақлга сиғмайдиган иш қилиб юрганини тушунди.

— Юкхонада бўлса керак. Менам бораман дегандай бўлаётгудди.

Нозима булар иккисининг ақли жойида эмаслигига тўлиқ имон келтирди ва ўзи шу икки овсарнинг гапига кириб, элга кулги бўлиб юрганидан ранжиб, чопқиллаб кетиб қолди. Фақат кетишидан олдин қўлидаги нарсага нафрат билан қараб, Шоирнинг оёғи остига отиб юборди:

— Олинг манавингизни.

Бу Шоирнинг чарми тортилиб, кичрайиб қолган туфлиси экан.

12

Шоир бу воқеадан, бироз кўнгли хижил бўлганини, ўзининг орсиэлитидан виждони қийналиб, қўрқоқлигидан уялганини ҳисобга олмаганда, енгил қутилганди. Икки ўртада, айбсиз айбдор — Журналистга қийин бўлди. Ташқаридаги гап-сўзларни ўйриллашга ҳаракат қилаётганда калотта тушган зарба қулоғининг тепароғига келиб текканди. Биринчидан,

темирнинг данғиллашидан қулоғи битиб қолди, иккинчидан эса зарбадан боши ғурра бўлди. Оғриқ ҳам роса уч кунгача тинмади, биров миҳ қоқаётгандай бўлиб, зирқираб турди. Олдинига Шоир унинг мияси чайқалганини, энди эси оғиб қолишини айтиб, ўзининг дўстона маслаҳатларини бериб, роса қўрқитди. Журналист эса ўзининг боши бунчалар бўшлиғига, орада қалин темир бўлишига қарамай, мияси чайқалиб қолишига ишонмасди, бу шунчаки, юзакироқ бир жароҳатлигига ишончи комил эди, шу сабабли дўхтирларга мурожаат қилмади. Бунинг устига бу каби жароҳатлар билан касалхонага мурожаат қилса, дарров милицияга ахборот беришларини ва ишга милиция араланишини яхши биларди. Шунинг учун сабр қилмоқчи бўлди. Кейин бир гап бўлар.

— Бу газетага битта кар камлик қилиб турувди ўзи, — дея кесатди Шоир тахририятнинг яна бир қулоғи оғирроқ мухбири Холвой акага шаъма қилиб. — Салим аканинг ҳам шўри бор экан, умри икки карга бақириб ўтиб кетадиган бўлди.

Барибир Шоирнинг Нозимага бўлган олдинги ҳис-ҳаяжонлари, туйғулари сўнди, афтидан уни қўрганда ўзининг қўрқоқлиги ёдига тушиб кетаётган бўлса керак, ёки ўша тунда, бу нозиккина қиз қандай қилиб икки хотинбознинг лодини бериб қўйганидан, ўзига ҳам бир-икки дўқ урганидан кейин, шунақа қизга уйлангандан кўра дунёдан тоқ ўтган афзал, деган тўхтама келганми, ишқилиб у қайтиб Нозиманинг номини тилга олмади. Бу тўғрида сўз кетганда эса қора юзи қизариб кетадиган, имкон қадар гапни айлантириб, мавзунини бошқа томонга бурадиган одат чиқарди.

Хуллас, бу муҳаббат Шоирнинг бошқа севгиларидан фарқли ўлароқ қатъий равишда, бирдан узил-кесил барҳам топди ва ундан мерос бўлиб Шоирнинг тўрт яримта шеърию, Журналистнинг бошидаги ғурра қолди, холос. Лекин тўғриси айтганда, Журналистнинг ғурраси Шоирнинг севгисидан кўра кўпроқ умр кўрди ва анча пайтгача Мусани безовта қилиб юрди.

Бу ишқий саргузашт, бу муҳаббат можароси ҳеч бир ижобий натижасиз адо бўлиб, эртақда айтилганидай, барча муроди мақсадига етганидан кейин, Шоир ўзининг охириги — бемаврид нобуд бўлган ишқи маҳсули — тўрт яримта шеъри битилган бешта варақни келажак авлодга сақлаб қўйиш учун (Салим ака “қофияси йўқ экан, бу шеър эмас”, деб чоп этишдан бош тортди, Шоир эса “бу оқ шеър” деб ҳам тушунтиролмади. Муҳаррир бу менинг устимдан кулашпти, деб ишонмади, пединститутнинг математика факультетини тугатган киши шеърнинг рангини тушунармиди) тахририятдан ўғирлаб келган дракол билан тешиб, учинчи нав макулатурадан ясалган папкага тикиб қўйди...



Умида АБДУАЗИМОВА



Салом ҳаёт, қадимий қўшиқ!

Кетар бўлсам қайга кетай,
Қабрим менинг шу дунёда,
Сабрим менинг шу дунёда,
Жабрим менинг шу дунёда...

ОРТИМГА ҚАРАМАЙ

Ортимга қарамай кўз ёшим кўл-кўл,
Қорайиб ётар мен босиб ўтган йўл.
Олдинда ёнмаган чироқларим мўл,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Жон-танзим ҳали кўп керак ўзимга,
Кўл босган чўғимни қайтар кўзимга,
Мен етиб олай бол, шарбат кузимга,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Бер Аюб пайгамбар сабрини менга,
Кўрсат ул шайтон Лавин қабрини менга.
Кўрсатма кофирлар жабрини менга,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Азоблар — имтиҳон, ҳаёт — хаёлдир,
Биламан, дард бисёр боқсам қайн бир.
Одамдан кетмоғи ҳамма аёндир,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Гул йиқтди либосини кўз ёшинг арт, деб,
Саломга сен алик олмоғинг шарт, деб.
Севмасам севади қанақа мард деб,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Худойим, биламан бир исминг Фагор,
Ўртаҳол бўлмоқлик банданга доғор,
Берилса гар кибру ҳаволарга ул,
Ўзингдан ёгажак балодан тоғор!

Томоша дунёда кунда байраммас,
Тахт топсанг бахтинг кам, кўнгул
гам емас,
Тушингга ким қармас, душиман не демас,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Кувончим кўп бўлди, таишишим
тўп-тўп,
Кўзимга қадалди чойдан чиққан чўп.
Умида, ВАҚТнинг оёғидан ўп,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Фанога кетар чоғ тенг деб шоҳ, гадо,
Искандар кўллари бўйи кетди ҳатто.

Не учун юрай мен оромдан жудо,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Бир кам дунёнинг ишидан тўйдим,
Ғийбатни сифатнинг тишидан тўйдим,
Умримнинг баҳор, ёз,
қушидан тўйдим,
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

Эшигим олдида кутиб турган куз,
Шивирлар эртанги кунга режа туз,
Ўтган кун-тушингдан ҳаёлингни уз...
Ортимга қарамай яшай, Худойим!

ҚАНОТЛАНДИМ

Мен сабринг қизиман,
қизидирман бардошининг,
Ўлчови бор кўзимдан
оққан ҳар қатра ёшининг.
Йиғласам кулиб яна кўзга
сурма тортаман,
Бахтим қилиб таишани
қувонсам гам ортаман.
Кўп ва тушим қорини,
ёз алмашар қишларга,
Дилда бесаранжом ишқ
тобу орзиқишларга.

Ҳа, бардошининг қизиман,
қизидирман сабрининг,
Адоғи йўқ мен тортган барча
ситам, жабрининг
Якка қанот бўлсам ҳам
учмоққа қанотландим.
Бошимга ёққан қорни
курамоққа отландим.
Қуёш кўриб журутдим,
кўрсатди қудратини,

Вақти бевақф тотдим мен
толибликнинг тотини.
Мендан кетган дўстларим яна
келди ўзлари,
Ўзр сўраб, чирқираб гирён елди
бўзлари.
Дилимни оғритганлар ўлдилар
оғримасдан,
Баъзан бошим эгилди, урилган оғир
дастдан.
Мен чидадим сабрининг, бардошининг
қизи бўлиб,
Баъзан эса САБРининг,

Фаслларда дол бўлдим, баъзан,
Ёмғир, жала, дўл бўлдим, баъзан.
Юлдузсиз туни сизилдим, кейин
Туман бўлиб йиқилдим,
Кейин
Кўйларимни бердим тўпроққа,
Ўйларимни бердим тўпроққа,
Бор-ўйғимни бердим ва
тердим

Гул-чечак, чоғланиб турмоққа!
Сенинг севгинг бир қуёш бўлиб,
Доим кўзга кўтарди қулиб.
Аста-секин қаддим ростланди,
Қайгуларим нураб, озланди.
Салом, Ҳаёт, қадимий кўшиқ,
Қучоғингга ол, мени кўшиб!


ТАНИЙМАН

Бу дунёни танийман мен,
Яшаганим қачонлайди!
Дала-дашти таниш дейман,
Совуқ дунё ачоллайди.

Тоғу тоши чўкиб ётар,
Тилсимотга бўкиб ётар.
Лорсиллаган тўпроқлари
Ризқу рўзим тўкиб ётар.

Турфа ишин биламан мен,
Ёзу қишин биламан мен.
Одамлари удумларин,
Одатларин қиламан мен.

Жабрим менинг шу дунёда,
Сабрим менинг шу дунёда.
Кетар бўлсам қайга кетай,
Қабрим менинг шу дунёда!
Дарёларга қўшилсам ҳам,
Денгизларга тўшалсам ҳам,
Кўлмакларда қолиб қотган,
Зада дилдан шошилсам ҳам.



БАРДОШНИНГ ЎЗИ БЎЛИБ!

Тилимни тишлаб ўтдим пулсирот кўпригидан,
Тилим танглайда қотди гуноҳим кўплигидан,
Юзида кўзи бор-у, юз амури ширин дедим,
Яширди-ку, яширай мен улар сирин дедим.
Дедим, умр қисқақадир, уришмоқ энди нечун?
Кеча уришиб бугун кўришмоқ энди нечун?
Тилимни тишлаб ўтдим узун-қисқа йўллардан,
Дарёга йўл ахтардим қуриб борар кўллардан.
Бардошнинг қизи бўлиб энгиб ўтдим сўзларни,
Сабрнинг ўзи бўлиб менга теккан кўзларни
Ёстиги баландларга кинна қилиб қайтардим,
Мени яратган ҳаққа сизиниб айтдим дардим...
Мен айтганим бўлмади, сен айтганинг ҳам илло,
Ҳаммасига севарим, чеварим қодир Оллоҳ!
Оллоҳим, ўзинг бўл деб, бўлмаганим бўлдиргил,
Сабру бардош қизининг тўлмаганин тўлдиргил!..

ГУЛ

Сариқ атлас сеп ёйиб, боғимда қуёш порлар,
Гул шабнамга юз чайиб, хушним кўр, - дея чорлар.
Болари гулга кўйиб, бол-асал йиғмоқ бўлса,
Қапалак гир айланаиб, сўришин кўрдим бўса...
Қушлар ҳам тонгдан бунда таратар дилбар наво,
Ўйнагил, дейди шунда гулни тебратиш сабо,
Гул кўрки, чиройига оловдай ишқим қалаб,
Эгилиб гул пойимга, текизаман мен ҳам лаб.
Ва дейман, гул бўлмоқлик жуда ҳам қийин ишидир,
Баҳору ёз ўтар, лек куз келар, олдда қишидир!..

ОНА ГЎШАМ

Она гўшам, ота юртим, сени таниб олга юрдим,
Бир қирғоққа отган хасдек мени бежон этмагин.
Танимда бесаранжом ишқ-қувонч, гамга қоришишқ,
Сени йиглаб, кулиб топдим, сен бенишон этмагин.

Мен сени ҳур сақлағайман кўзларим қаросида,
Сен мени тарк айлаб асло қўйма йўл аросида.
Ишонч билан босган ҳар бир қадамим сен тўфайли,
Ҳуш бўйинг-ла тотган ҳар бир қули тасмим сен тўфайли.

Мағрурлигим, маъносизгим, авчиш-чирик - чин сўзлим,
Қадри ўзга, қаҳри ўзга, хуш дамим сен тўфайли.
Фақат сенга орқа қилиб тушундим кенг дунёни,
Олиб кўйма дилимдан эрк, кўзимдан нур-зиёни.

Она гўшам, ота юртим, менадан йироққа кетмагин,
Дўстга зор, номардга хор, дўшманга муҳтож этмагин.

ФОЛБИНГА ИШИ ТУШДИ

Бахт излаб келган эди, тахт излаб келган эди,
Қувончи, қайғусини нақд излаб келган эди.
Тани музу тош бўлди, кўзи тўла ёш бўлди,
Ҳатто унга айтилар ширин сўз одош бўлди.

Шум экан пешонаси, қум экан қошонаси,
Тандан ситилиб оқди орзулар нишонаси.
Энди қайтар умр йўқ, кул қолибди, кўмир йўқ,
Бу ҳовлига боғлашга бир қилтиришқ томир йўқ.

Ёлғизнинг ёри Худо, ўзингдан қилма жудо,
Осмонда ой эди-я, шарқироқ сой эди-я...
Эҳ, нимага ой бўлди, ёлғизликда ёвланди,
Эҳ, нимага сой бўлди, ўпирилди, ковланди.

Юрмай елиб-югуриб, қатиқда синди тиши,
Шайтонга берар фириб фолбинга тушди иши.
Айб этмангиз, азизлар, ҳовурини босгунча.
Олов ютган танини муз қатлами тўсгунча!..

МЕН КЕТЯПМАН

Мен кетяпман узоққа, кўзларингни ёшлама,
Оху тушди тўзоққа, ул охуни ушлама.
Аламдан тош қотсанг ҳам, кўйиб юбор, ўйнасин,
Ҳаммани бу оламда ўз ёри-ла қийнасин.

Мен кетяпман, ҳамроҳим, манзилим ҳам бошқадир,
Бахт-андухим, тахт-оҳим ўзгача ошиқадир.
Сенда қолди суратим, ўзга кўздан ҳоли тут,
Маъносина сўмбатим, олов сўзларим унут.

Мен кетяпман, кузатма, кузатувчим бор менинг,
Кўлларингни узатма, титратмаси торимнинг!
Мен кетяпман, ўз йўлим, ўз хоҳишим билан, дўст,
Дўст бўлиб тўлдир дилим, энди менадан умид уз.

Китобларда битилмас қайтарилмас бу ҳаёт,
Ўз-ўзича ҳар ким маст, ўзича оҳанг, баёт.
Мен ҳам энди тан олиб бу ҳаёт қонунларин,
Йўлимни бошқа солиб яшарман қалбан ярим.

СЎЗ БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Эсламаган куним йўқ сени, изламаган тушим йўқ сени,
Қизганмаган оним йўқ сени, жовдирраган кўз бўлиб қолдим.

Жудо бўлиб орзу-ўйимдан, қут-барақа кетиб уйимдан,
Ғам-ташвишим ошиб бўйимдан,
Дўст-дўшманга сўз бўлиб қолдим.

Дийдор тилаб тиланчи мисол,
Дилим қийнаб ўланчи мисол,
Хаёлингда гоҳ биёрон, гоҳ лол,
Вужудингга санчилиб қолдим.

Дийдам ҳажру азобдан қотган,
Қасосга шай ғазабдан қотган,
Ёниқ дилга сўниқлик ботган,
Ҳижронингга янчилиб қолдим.

Сени кучгим келар шамолдан,
Кўргим келар кўкда ҳилолдай,
Учрашмоғим энди малолдай,
Журъатимни видаго солдим.

Кўнглимдаги сўнги қарорим,
Ўнгланади ишим барорим,
Мени кўллар Парвардигорим,
Гурбатимни жудого солдим,
Энди сени Худого солдим!



ШЕЪР – ҳаёт ва ҳақиқатнинг бадиий мезони

(Зебо Мирзаева ижоди талқинида)

Зебо Мирзаева номи бу кунги адабиёт ва шеърият ихлосмаиждларига таниш. Жўшқин овозда куйлаётган шоира ўз услуби ва ўз йўналишига эга. Унинг “Тун маликаси” (1990) ва “Ажр” (1997) номли икки китобчаси ўз мухлислари—ўқувчиларини топган. Шоира ёниб куйлаётган ижодкорлардан. Бошқача айтганда “куйдирини учун куя оладиганлардан. З.Мирзаева шеърларида 90-йиллардаги баъзи шоирлардаги эскатологик руҳ устундек туюлади. Бу аynиқса “Ажр”да яққол сезилади. Шеърлари ишқ, муҳаббат, вафо-садоқат ва юрт мавзуларида куйланади.

Маъдумки, шеър жимжимадор сўзу баландпарвоз эҳтирос эмас, ҳаёт ва ҳақиқатнинг бадиий мезонидир. Бугунги кунда шеъриятни шон-шухрат, обрў-этибор мезони билан ўлчайдиганлардан фарқли равишда, шеъриятни руҳиятнинг оғриги, дард-аламлари сифатида тушунадиган З.Мирзаева ижодда бир мунча танаффуслардан сўнг яна изланишни бошлади. Истеъдодли ижодкорларга хос ўзликка интилиш, бу йўлдаги кураш ва матонат шоирада ҳам намоён бўлади.

Шоира илк тўплами “Тун маликаси”. Китобчани варақлайман: илк саҳифадаги шеър тўплам номи билан бошланади: “Тун маликаси”.

Адабиётда эзгулик ва ёруғликнинг рамзи бўлган КУНнинг акси ўлароқ ТУН зулмат ва ёмонлик сифатида намоён бўлади. Ана шу анъанавийликка ҳамоҳанг тарзда шоира бундай қарашнинг сабабларини чизишга интилади:

*Дарахтлардан настда йўлак устида
Бир қиз кетиб борар – тун маликаси.*

Лирик қаҳрамон бирорта эл ёки дилнинг эмас, барча учун сирли ва ҳайратли туннинг маликаси. Шу ўринда савол пайдо бўлади: Хўш, тун ўзи нима? Нега унга ижод аҳли бунчалик боғланган? Бу саволларнинг жавоби ҳам шеърда мужассам:

Кундуз гуноҳларнинг барини йиғиб,

*Қаро тун кўзларини айлаганда фош
Маҳкам беркитамиз кўзларимизни
Биз атай яшаймиз тунлардан қочиб.*

Кун – кундалик ташвишлар, лоқайдлигимиз эвазига келган. Бўлган гуноҳлар бўлса, тун ана шу гуноҳларни фош қилувчи экран (саҳна). Лирик қаҳрамон муҳаббатининг туғилиши ва ўлимида ҳам ягона гувоҳ – тун. Мана шу гувоҳлик туфайли қиз тунга боғланган. Қиз тун билан дардлашади. Қизнинг бахти нафақат тундек, балки тун бағридаги яримта (парча) ойдек. “Ой – қиз кўзгусининг синиқ парчаси” каби ҳаётини детал асосида шеърнинг бадиий буюқдорлиги ортган. Аслида ой – фалак маликаси, лекин у ҳам ҳозир яримта (кўнгли). Лирик қаҳрамон бахти (ёки бахтсизлиги) синиқ – яримта ой–кўзгуда акс этади. “Қиз боланинг синиқ кўзгуга қарши бахтсизлик белгиси” деган халқ тушунчасининг бадиий инъикоси сифатида, ой–тун маликасининг қисмати-дан далолатдир.

–Шоира ижодида ўзига хослик туйғулар ифодасидагина эмас, бадиий воситаларнинг бетакрорлигида ҳамдир. Масалан: “муҳаббат – қабр тоши, энг қадимий тош”, уни ҳар ким (ёки ҳеч ким) ўқиб мағзини чақавермайди. Ёки булоқ ҳамдард бўлиб йиғлайди:

*Мен-ку дардим кўмдим дарахт остига,
Анув содда булоқ нега йиғлайди.*

“Қишлоқ” шеъри бошдан охиригача ўхшатиш ва жонлантириш, сифатлашларга бой.

*Мен юрган йўл суюнчи сўраб,
Дарвозадан кириб кетади.*

Соғинчлардан ўртанган кўнгил (қиз) учун она қишлоғининг ҳар зарраси меҳр, соғинч билан боқади гўё. Қишлоқдагилар учун йўл суюнчи сўраб чопмайди—ҳар кунги эгри-бугри йўл; ариқ бўйидаги толлар пешвоз чиқаётган қиз—сингил, дугона эмас—оддий букри тол. Лекин соғинч азоблаган қиз учун бу ҳолат батамом ўзгача. Соғинган қиз руҳиятнинг чизгиларини ўқиймиз:



*Мени кўриб эгатларидан
Чопиб чиқар қатор қиз-толлар,
Ариқлардан ҳатлолмай қолар —
Елкасида тўзган рўмоллар...*

Илк китобнинг “Ажр”дан фарқли томони — унда илмий ижтимоий-тарихий мавзудаги шеърлар ҳам ўрин олган. “Кўп болали онанинг қизи”, “Сен ҳамон даладан қайтганингча йўқ”, “Тилло узук”, “Чингизхон”, “Чингизхоннинг мурожаати”, “Бухоро. XIII аср”, “Хоразмшохнинг Ўлолиднинг валиаҳдликни топириши”, “Чингизхон нидоси” шулар жумласидан.

Шоиранинг тарихий мавзудаги шеърларида бир тарихий давр воқеалари акс эттирилиб, тарихий шахслар гавдалантирилгани учун бу шеърларга бир туркум сифатида қараш мумкин. “Чингизхон”, “Чингизхон мурожаати”, “Бухоро. XIII аср” шеърларида қонхўр золим қиёфасидаги Чингизхоннинг яна бир салбий томони ифодаланади:

*— Сувсаб келдик, бу не чўл, бобо?
Уммон қани? Халқ қайга кетган?
— Эй болам, қоч... қудуқ қазаяман,
Бундан кеча Чингизхон ўтган.*

Бошқа шеърларидан фарқли ўлароқ “Чингизхон нидоси” шеърда шоира Чингизхон шахсиятига янгича ёндашади. Биз тарихда эшитган, ўқиган золим Чингизхонни оддий оғиз инсон сифатида тасвирлаб, унинг ички дунёсини—руҳиятини чизишга интилади. Қаҳри қаттиқ, золим Чингизхон руҳи безовта:

*Тегиб ўтсанг чидаб ётар эдим-ку,
Лекин зор гиряндан уйғониб кетдим.*

Эл-юрт гиряси, аламининг сабабкори, лирик қаҳрамон эътирофича, халқнинг ўзидир:

*Элинг алам чекса аввал четданмас,
Ўғри аёёнинггу, гўл шохиндан кўр!
Кетмонингга таъзим қилавергунча,
Шамшир тутмоқнинг ҳам сабоғини сўр!*

Ўзининг жасурлигини кўз-кўз қилиб турган шахс, ҳукмронлигига зарба берган шахсни “мени на кофир, на унинг тўқмоғи, балки элининг қилич тутган битта оқсоғи қувган” дер экан, яна бир бор оғоҳликка чақиради:

*Мени кўй!
Аввал боқ ўнгу сўлингга!*

*Мен Ҳақ бюрганин қилдим, қолмадим,
Лекин афеус, ҳамон ғофил элингга,
Ўзин асрамоқни ўргатолмадим.*

“Тун маликаси” тунга шайдо қалбларни тун сирларидан воқиф этиб қолмасдан, Ватан, садоқат ва хиёнат ҳақида мулоҳаза юритишга ундовчи оламдир.

Ижодкорнинг иккинчи китобчаси “Ажр” ҳажман кичик бўлса-да, мазмунан пишиқ, бадий мустаҳкам ва гўзал шеърлар мажмуидир. “Туйғуларини ўта ошкор этаётган”ликда айбланишига сабаб бўлган бу тўпلامдан кейин шоира мухлисларининг икки тоифага ажралиш ҳолатини қайд этишади. Булар “Тун маликаси” мухлислари ва “Ажр” тарафдорлари. Бизнингча бу бир инсон туйғуларини бир-бирига зид қўйиш. Чунки ҳар икки тўпلامда ҳам лирик қаҳрамон ишқ оламига илк қадам қўйган бўлса, “Ажр”да ошиқ, илоҳий ишқ куйчиси сифатида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, “Ажр” бевосита “Тун маликаси” давомидир. “Кун” деган кунданок дунёга келган ошиқ Яратган Ҳақни таниган. Унга ошиқ кўнгил. Ошиқ йўли—азоб ва аламлар йўли. Ошиқ бу азоблар кучоғида покланади, нажот топади:

*Эврил, пок Рухингни қутқарар унутма,
Азоб дарралари нажоткор фақат!*

“Зулмат ўзи қўрққан тубсиз жарлик”дан эмаклар чиқаётган, покланаётган руҳ кўз очади:

*Минг йиллик уйқудан уйғониб оғир,
Тиклана бошлайди шўрлик жасадим.
Эшит...*

Сезяпсанми Рухим титроғин.

“Мерож” (Кўтарилш) шеърда ғафлатдан уйғониб ўзликка интилиш рамзлар воситасида берилади. Доим бир хил—тун рангидаги Дунё қаҳқаҳасидан ҚАЛБ сесканиб кўз очади:

Сўради: — Кимдурсан?

Айтдимки: — Рухман.

— Илинж не?

— Яшаб топмаганим шу!

— Мансабинг?

— Ишқ, вале, мазҳабим ҳам ишқ.

Ишқ йўли—синов йўли. Бу йўлда нафе тоғталиб, ғурур соврилиши муқаррар. Бундай хорликнинг сўнгги ишқ манзили. Бу “тубсиз чоҳларда мангу қолмаслик”нинг чораси ва давоси азоб, азоб ва яна азоб:

Эй, Аюб жисмини еган тоза қурт,

Кетма, вужудини майда-майда ют!

Зебо Мирзаева ўз ижодида собитлик билан ИНСОН ва КўНГИЛни қуйлайди. Унинг ижодида (тўпламлари орқали) туйғулар, руҳият зиддияти йўқ. Демак, шоира ижодини ва унинг мухлисларини ҳам тоифаларга ажратишга ўрин йўқ. Зеро, ҳар қандай замон ва ҳар қандай маконда ҳам тушуна олиш маданияти ҳақиқий мухлислар—шеърят шайдоларига хос.

**Раъно ЭГАМШУКУРОВА,
аспирант.**



Шамсиддин САДОИЙ



Бухорои шарифдан

сенга саломим

* * *

Сенга бўлсам, бир замонлар сенга эдим,
Куйган бўлсам, оташларда куйган эдим,
Бевафо ёр, ситамингдан туйган эдим,
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам,
Алдаб-алдаб яна менга эл бўлсанг ҳам.

Ишқ кемаси кетиб бўлди, қолди тўлқин,
Юрагимда сўнди ёнган шуъла-ёлқин,
Бу дунёда чин муҳаббат йўқ, азизим,
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам,
Алдаб-алдаб яна менга эл бўлсанг ҳам.

Ёнартошдай бир армоним юрагимда,
Бир ғам кўзларимда, қароғимда,
Нега сенга дуч келдим йиғит чоғимда,
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам,
Алдаб-алдаб яна менга эл бўлсанг ҳам.

Бу дунёни савдосига хайронаман,
Бағри доғли дили ғамдан вайронаман,
Садойиман, энди кимга ишонаман,
Энди сенга ишонмайман гул бўлсанг ҳам,
Алдаб-алдаб яна менга эл бўлсанг ҳам.

* * *

Давлатинг борида, авжнинг аўрида
Йўқлаб келар ҳатто бегоналар ҳам.
Давлатинг йўғида, бахтинг шўрида
Саломинг олмайди девоналар ҳам.

Давлатинг борида уйинг тўрида
Оёғинг ўпарлар мастоналар ҳам.
Чироғинг ўчганда дўст-ку дўст, ҳатто
Кўчангдан учмайди парвоналар ҳам.

Омад осмонидан тушса юлдузинг,
Баҳор-ёнинг ўтиб келса гар қузинг,

Кўлингни ўпанлар кўмарлар изинг,
Ҳолингга қуларлар қадрдонлар ҳам.

Бўйинингга илсанг ҳам гадо тўрвасин,
Ичмагил нокасинг ёғли шўрвасин,
Оллоҳимдан сўра, бергай барчасин,
Тиллога айлангай остоналар ҳам.

Кеча ёшнингда юргандинг яйраб,
Кўзим ойнасида сояларинг тараб,
Бутун изларингдан қолдим-ку қараб,
Демак рост экан-да афсоналар ҳам.

Юлдуздай бир ёндим ўчарман, жоним,
Ҳижрон йўқ жойларга кўчарман, жоним,
Садойидан сенга ёдгор бу жоним,
Сарғайган дафтарли тароналар ҳам.

* * *

Изингдан тумморлар айлаб юрганлар,
Кўзингни ёғини ялаб юрганлар,
Бағрингга ин қуриб сайраб юрганлар,
Дўсту сирдошинг ҳам сотаркан бир кун.

Атрофингга юрган парвоналаринг,
Изларинг зор бўлиб пойлагаңларинг,
Ҳатто ёшнингда бел болагаңларинг,
Бир девор кўшининг ҳам сотаркан бир кун.

Дунё, телба дунё, гоҳ вайрон дунё,
Шодликни ёнида ғами нолон дунё,
Акадан уканинг бағри қон дунё,
Жигари жонинг ҳам сотаркан бир кун.

Кўприк қурсанг, ўтган тош отиб кетар,
Қирқ йил тузингчи еб, бир кун сотиб кетар,
Кўлишта гул бериб, кафан бичиб кетар,
Устоз муришинг ҳам сотаркан бир кун.



Худони ҳукмига тошир ёмошин,
Яхшига тегмасин тухмат ишони,
Садойий буюдойдан ажрат сёмонин,
Ёраб, кўз-қошинг ҳам сотаркан бир кун.

* * *

Қўшлардай чарх уриб айланиб келдим,
Жаннат ҳаволардан симириб тўйдим,
Бинафша-майсангни синглимдай севдим,
Зомин, тоғларингга қолди юрагим!

Бухорои шарифдан сенга саломим,
Салобат шаънингга энди ишондим,
Ёнимда тўрт йўлдош, бунга қувондим,
Зомин, тоғларингга қолди юрагим!

Тоғим, шоирингга қулоқ сол бир дам,
Юрагимда қотган сендайини бир ғам,
Айланай бўтақўз булоқларингдан,
Зомин, тоғларингга қолди юрагим!

Кетарман, дийдоринг ёнимда қолар,
Арчазор шовуллаб хаёлим олар,
Садойий сен билан дўст бўлиб қолар,
Зомин, тоғларингга қолди юрагим!



ЭРОН ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИ

ЁШ ЙИГИТ ВА МУСО

Бир ёш йигит ҳазрати Мусонинг олдиларига борди ва ундан ҳайвонлар тилини ўргатишни ва бунинг воситасида жаҳондаги қўлаб сир-синоатлардан огоҳ бўлишни сўради.

Ҳазрати Мусо дедилар: “Бу ишни ўрганиш сен учун зиён ва хатарлидир”.

Йигит ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Ноилож қолган Мусо ҳазратлари унга ит ва хўроз тилини ўргатди.

Бир куни йигит итнинг хўрозга айтаётган сўзларини эшитди: “Сен менга азият етказдинг, сен буғдой дони ва бошқа донли маҳсулотларни ея оласан, лекин мен буларни ея олмайман. Сен олиб қочган шу кичкинагина нон бизнинг қисматимиздир”.

Хўроз айтди: “Ғам ема! Эртага уй эгасининг оти ўлади ва унинг ўлигидан еб қоринингни тўйғизасан”.

Ёш йигит зудлик билан отни сотди. Кейинги кун ит хўрозга: “От гўштидан менга улуш тегмади ва сен нима учун менга ёлғон гаширасан”, - деб эътироз билдирди.

Хўроз айтди: “Сабр қил! Уй эгасининг хаचери эртага жимиб қолади ва қорни сиқилишидан ёрилади”.

Ёш йигит ҳачир доғини кўрмаслик мақсадида уни ҳам сотиб юборди. Ит иккинчи марта ҳам хўрозга айданди.

Хўроз деди: “Сенга бир хабар айтаман, уй эгасининг хизматкори тезда дунёдан кўз юмади ва унинг ўлимидан кейин ўлжага эгасидан маросимдаги қўлаб нонлар ишларга насиб қилади”.

Шундан кейин йигит хизматкорини ҳам сотиб юборди. Итнинг фиғони фалакка кўтарилди ва хўрозга эътироз билдирди. Хўроз айтди: “Мен ёлғончи эмасман. Эртага хонадон соҳибининг жони таслим бўлади ва маракасига мол ва хўкизлари сўйилади, шунда сенинг очликдан тортган барча жабру ситамларинг барҳам топади”.

Йигит ўзининг ўлими хабарини эшитгач, зудлик билан Мусо ҳазратлари олдига етиб борди ва деди: “Ё Калимуллоҳ! Оҳимга қулоқ тутинг!”

Ҳазрати Мусо айтдилар: “Мен бу нарсаларнинг бўлишини олдиндан билар эдим. Мен уйда ўтириб, бу нарсаларни кўрдим, сен эса ўз кўзинг билан кўрдинг. Шунинг учун мен сенга ҳайвонларнинг тилини ўргатишни хоҳламаган эдим. Сен эса кичик бир нарса билан катта сирлардан огоҳ бўлишни истаган эдинг, мана энди сиқилмоқдасан”.

Донолар айтадилар: “Бирор ишни бошлаганда натижаси ишнинг бошидаёқ кўнгилга маълум бўлади, лекин бошқаларнинг кўзларига у охирида кўринади”.

Йигит йиғлаб ва зорланган ҳолатда, Мусо ҳазратларидан, ўзини бундай даҳшатдан қутқаришларини сўради.

Ҳазрати Мусо жавоб бердилар: “Ўқ камондан чиқди. Табиат қонуни ўзгармас, шундай экан, сенинг ўлиминг муқаррар. Мен Худодан имон билан дунёдан ўтишингни ва охиратда нажот топишингни сўрайман”.

ТАНБАЛ ШОГИРД

Устоз ёш шогирдига деди: “Ташқарига чиқиб қаранг, ёмғир ёғяптими ёки йўқ”.

Шогирд жавоб берди: “Мана шу мушук ҳозир ташқаридан келди. Қўлингизни унга текизиб кўринг. Агар хўл бўлса ёмғир ёғаяпти, агар қуруқ бўлса ёғмаяпти”.

Кўп вақт ўтмасдан устоз яна деди: “Бориб кўшинининг дўқонидан газликни олиб чиққин, матони ўлчамоқчиман”.

Танбал деди: “Бу мушукнинг думи ярим газ. Сиз бундан хоҳлаганингизча фойдаланишингиз мумкин”.

Бир неча соат ўтгандан сўнг устоз деди: “Бориб уч килолик тошни олиб кел, нарсаларнинг оғирлигини ўлчамоқчиман”.

Танбал жавоб берди: “Мен бу мушукнинг бир неча бор оғирлигини ўлчаб кўрганман. Бу уч килодан қилча ҳам оғир эмас”.

Устоз шогирдининг ҳозиржавоблигидан ва танбаллигидан азият чекиб деди: “Чанқаб кетдим, бориб бир шиёла сув олиб кел, ичмоқчиман”.

У жавоб берди: “Уч ишингизни мен бажардим, ҳеч бўлмаса бу ишни ўзингиз бажаринг”.

ИНСОН БЎЛИШ НАҚАДАР МУШКУЛ

Отаси жаҳл билан ўғлига деди: “Сен бола одам бўлмайсан! Сени тарбиялашга кетган умримга ҳайф”.

Замонлар ўтди ва бир қанча муддат ўтгандан сўнг оғир ҳаёт ортда қолиб, яхши кунлар бошланди ва ўғил мамлакат шаҳарларининг бирига ҳоким бўлди.

У отасини ёнига чақирди. Отаси келгач, ўғли такаб-

бурлик билан падарининг бошидан оёғигача назар солди ва деди: “Эй, қария! Эсингдами, сен менга одам бўлмайсан деган эдинг? Ҳозирги шону шавкатимни кўр!”

Отаси қулди ва бошини силкитиб деди: “Мен сенга ҳоким бўла олмайсан деганим йўқ, одам бўла олмайсан деган эдим!”

МАҒРУР ШЕР

Катта бир ўрмонда мағрур шер яшарди ва ҳайвонларга бошчилик қилар эди. У ҳеч иш қилмасди, фақат овқатланар ва ухларди. Шернинг битта дўсти ҳам бўлиб, у камсукум Бўри эди.

Бир кун Бўри қуён овлаб Шер олдига олиб келди. Шер уни кўргач деди: “Бай-бай, нақадар мазали таом!”

Бўри деди: “Эй, буюк султон, мен йўлда сиз билан жанг қилмоқчи бўлган шерни кўрдим”.

Шер деди: “Эртага эрталаб унинг олдига олиб борсан”.

Камтарин Бўри эртасига Шерни кичик бир дарё қирғоғига олиб борди ва Шерга сув юзасидаги ўзининг аксини кўрсатди. Шер сувга қараб дарёда ўз аксини кўргач, ўзини сувга отди ва шу тариқа уни ҳеч ким қайта кўрмади.

Камтарин Бўри ўзига ўзи деди: “Энди мен ўрмон султониман”.

ОНА РИЗОСИ

Боязид Бистомий айтди: “Барчанинг олдида турган ва қилинадиган ишлар бордирки, бу она ризосидир. Қураш ва риёзатларда шу нарсани излардим, лекин тополмадим. Онам мендан сув сўраган ўша кечада, ниҳоят бу нарсани топдим.

Онам мендан сув сўраган вақтда кўзада сув йўқ эди. Ариққа бордим ва сув келтирдим. Онам ухлаб қолганди. Ҳаво жуда совуқ эди. Кўзани кўлимда тутиб турардим. Онам уйқудан уйғонгач сувдан ичди ва мени дуо қилди.

Кўлимда турган кўзага кўзи тушгач, деди:

– Нима учун кўлингдан кўймадинг?

Айтдим:

– Сизнинг уйғониб кетишингиздан кўрқдим.

Пайғамбаримиз буюрадилар: “Охирагга етмай жазоси тез келадиган уч гуноҳ бор ва улар қуйидагилар: ота-онасига озор етказиш, одамларга зулм қилиш ва яхшиликка ёмонлик қилиш. Ота-она қанчалик ёмон ёки яхши бўлмасин, уларга эҳтиром кўреатиш вожибдур”.

ОТАГА ҲУРМАТ

Фахр Розий айтади: «Ҳеч бир подшоҳ хонадониди ҳалолроқ мулк бўлмагандир. Шеруя ўғли Парвиз ўғли Хурмуз ўғли Навиширвон ...энг яхши халифалардир. Ал Мустансор ўғли Ал Мутаваккил Шеруя отасини ўлдирди!

Ва тож-тахтни эгаллади. Отасининг ўлимидан сўнг олти ойдан кўп вақт ўтмади. Отаси Мустансордек Мутаваккилни ҳам ўлдиришди ва тўғри қилишди.

Шубҳасиз, падаркуш тож тахти олти ойдан ошмайди».

ЁМОН ДЎСТ

Донишманд Бузуржмеҳр айтади: «Ҳеч бир паранда ва ҳеч бир мард мени енга олмайди, ҳаттоки душманам ҳам. Ҳамиша тоза таомларни едим ва бундан лаззатландим, лекин саломатликдан яхшироқ лаз-

затни кўрмадим. Агар пушаймон бўлишни истама-санг, виждонинг буюрганини қил. Агар одамлар сени яхши гаплар билан эслашни хоҳласанг, щиринеўзли бўл».

ХУДО ТАНИМАС ЙИГИТ

Ўзининг илмидан мағрурланиб кетган бир ёш йигит донишманднинг олдига борди ва деди: “Мен кўрадиган барча мавжудотлардан бошқасига эътиқод қилмайман. Зеро шу кунгача инсон ва бошқа мавжудотларни кўрса бўлади”.

Донишманд унинг саволига жавобан: “Модомики шундай экан, кўринмайдиган нарса мавҳум вужуддир. Шу баробар мен ҳам сенинг ақлинг ва фаросатингга иймоним комил эмас. Чунки бугунгача уларни кўрмаганман. Сен ўзига бино қўйган бир шахсан ва айт-чи: ҳаргиз ақлингни кўрганмисан?”

ОҚИЛ ЙИГИТ

Бир йигитдан сўрадилар: “Ўз ҳаётигини қандай усулда бунёд қилгансан?” Айтди: “Тўрт усул бирла: менинг ризқимни мендан бошқа ололмастлигини тушундим, бу бир; ўқилмаган намоз ва тутиладиган рўзамни ўзимдан бошқа ҳеч ким амалга оширмайди, бу икки; учинчидан?

Ўлим тасодифан келиб қолишини тушунганман ва тўртинчиси, Худо мени ҳар қандай ҳолатда бўлишимни кўради ҳамда ҳар қандай иш қилишимни биллади.

Шу боис яратганга итоатда ва эътиқодда бўлиб, ўзим учун тўғри йўлни кашф этганман”.

НОДОН ЙИГИТ

Тажрибали ва оқил бир киши аблаҳ бир йигитга насиҳат қилиб унга айтарди: “Сен менинг гапларимга яхшилаб қулоқ солишинг керак. Чунки мен сендан ақл-

лироқман ва бир неча кўйлакни олдин йиртганман”. Нодон йигит айтди: “Агар сен ақли бўлсанг нима учун сабабсиз кўйлакларингни йиртдинг?”



ДЎСТЛАР УЧ ТУРЛИ БЎЛАДИ

Ҳазрати Содиқ буюрдилар: “Дўстлар уч турли. Биринчиси, овқат доим инсон учун зарур нарса бўлгани каби ҳамма вақт, яъни яхши ва ёмон кунда ёнингда турувчи дўстлар оқил дўстлар саналади. Иккинчиси, изти-

роб олиб келувчи касалликка ўхшаш одамлардир ва бу дўстлар нодон дўстлар ҳисобланади. Учинчиси, шифобахш дори мисолидирки, улар теран фикрловчи ва мулоҳазали дўстдирлар”.

ТАЪМАГИР ЙИГИТ

Бир йигит бир бойнинг қизига совчиликка борди. Қизнинг отаси совчига айтди: “Агар менинг молу давлатимни хоҳлаётган бўлсангиз, қизимга уйланишингиз мум-

кин. Лекин мен ўлгунимча бирор динор ҳам бермайман”.

Совчи йигит айтди: “Ҳечқиси йўқ, мен етти, саккиз ой сабр қиламан”.

ЁШ ТАЛАБА

Ёш бир талаба тўғри сўз, хушхулқ ва ҳалол бўлиб, ҳаминша ҳужрасида мутолаа билан машғул бўлар ва бошқа талаблар билан камроқ мулоқот қиларди.

Бир куни бир гуруҳ талабалар унинг ҳужрасига келдилар ва баланд овозда дедилар: “Нега ўтирибсан? Ташқарида сиз парвоз қилипти. Ташқарига чиқ, томоша қил”.

Ташқарига чиққач ҳавода ҳеч нарса йўқлигини кўрди. Талабалар масхара қилиб унга дедилар: “Ҳеч вақт ақли бор одам сизгир ҳавода учяпти деса ишонадими?”

У деди: “Сизгирнинг учишига ишондим, аммо ҳаргиз сизларнинг жами мисолларингиздан оқиллик зоҳир бўлишига ва олдимга келиб ёлғондан сизгир ҳавода парвоз қилипти деганларига ишонмасдим”.

ШУМ ОТА-БОЛА

Бир куни ота билан бола уйга одамларнинг болаларини таклиф қилиб, улар келгач эса турли хил даъволар қилиб уларни тунамоққа келишибди. Бир куни ўғли бир болани уйига олиб келибди. Шум ота унга деди: “Нега ижозатсиз уйимга келдинг?” Бола деди: “Ижозатсиз келмаганман. Сизнинг ўғлингиз мени меҳмонга чақирди”. Ота

меҳмонни урмоқчи бўлди. Шу вақт ўғли меҳмонга айтди: “Эй, дўстим! Отам зolim одам. Буни тўхтатиш учун ёнингда нимаики бўлса барчасини топшир”. Бечора меҳмон ёнидаги бор пули ва устидаги либосларни топширди. Ташқарига чиқмоқчи бўлганида ҳалиги шум киши айтди: “Бу уй сизнинг уйингиз. Хоҳлаган вақтингизда келишингиз мумкин”.

ХУШМУОМАЛА УСТА

Бир ёш йигит уйланди ва фарзандли бўлди. Дурдгор дўконига бориб бешик қилиб бериши учун пул берди. Уста кўп кўпол сўзли бўлиб, ишни пайсалга солди. Бу бола икки ёшга тўлди ва бошқа бешикка эҳтиёж қолмади.

Йиллар ўтди, бола йигирма ёшга тўлди ва уйланди. У йигит фарзандли бўлди ва йигирма йил олдин отаси у

учун бешик буюртма берганлиги эсига тушиб қолди. Дурдгорнинг олдида борди ва деди: “Уста, менинг бешигим тайёр бўлдимми?!” Уста деди: “Бунча тез!” Сўнг ҳалиги пулларни қайтариб берди ва деди: “Бошқа буюртмангни қабул қилмайман, мен ишини тез сўрайдиганлар билан ишламайман”.



Нигора ХОЛМУМИНОВА Тошкент Давлат педагогика университети талабаси. Форс тилидан таржумалар қилади. У аслидан ўқирган юқоридаги Эрон ривоятлари ҳаётимизнинг кўп қирраларида ўқит ва ибрат бўлишини инобатга олиб, Сиз азиятларнинг ҳуснингизга ҳавола қилишни ихтиёр этдик.

Тахририят

Адиба УМИРОВА



Сарғаяди куз тўла ҳовли

ДАРЁ

Беҳиш бoғларининг тушига кирган,
Бокира кунларга қоршиб кетган,
Мен бир юлдуз эдим, энг олис юлдуз,
Покиза осмоннинг бағрида кўнган.

Тоғлар ҳам пойимга чўқар эди тиз,
Нафис гуллар билан сирлашар эдим.
Ойнинг нафасини кўйдириб ёлғиз,
Фақат баҳор билан бирлашар эдим.

Қачон нигоҳимга кўз тикдинг, Дарё...
Қип-қизил олмадек оқизиб кетдинг.
Ўн беш кун сен билан яшадим само,
Ўн беш кун саҳролар бағрига етдим.

Бир хасдек урилиб кетдим қиргоққа,
Кўксимда бир қучоқ қақраб ётган чўл.
Учаман — самолар, сендан йироққа,
Юраман — тўрт томон, сенга қариш йўл.

Кўнганда тентираб кезар телба Куз,
Хонангни суғурар таниши армонлар.
Мен жимман, сен жимсан, олам жим шу кез,
Ҳовлинингни тўлдириб йиғлар хазонлар.

Ортимдан сарғайиб қолади кеча,
Тилимни кўйдирар ловиллаган чўл.
Мен-ку кетаялман шу кетишимча,
Қайга бораялман Худойим, берух?

Бир кўни ўзимга қайтаман беҳол,
Дарё юрагимни сенга элтаман.
Ҳали тушларингга кириб бемажол,
Настарин гуллардек оқиб кетаман.

Бир кўни мен сенга айланаиб Само,
Бир кўни ўзимга қайтаман Ҳаво.
Кўксимга илинж бер, яратмоқлик бер,
Мен сенинг бир оғиз бандангман, Худо.

ОҚ КЕМА

Тушимга кирибди бир қоп-қора кун,
Рашик босаёттир билмадим, нега?
Кўзимга бостириб келавер туни,
Шовиллаган денгиз ва оппоқ кема.

Шамолдек увлайди руҳим нотинч,
Минг бир таҳлика бор ҳар сўроғимда.
Қайга шошаялман, билмадим, ҳеч,
Денгизлар гарқ бўлар кўз қароғимда.

Тўлқинлар қайгадир уради бебош,
Осмонлар кўзимга йиғилар шу дам.
Уфқлар ортида — кўмилган қуёш,
Денгизлар ортида турсан беғам.

Ўртада чўқади оғир суқунат,
Қип-қизил кўйлақда ёшиб бораман.
Белларимни қучиб йиғлайди фақат,
Кўлларингни сендан кўпроқ севаман...

Оғир хаёлларим, сокин ётар кўл,
Ҳижрон довуллари эсади бот-бот.
Ортимда қолади ортга қайтмас йўл,
Олдинда бир қадам турар аросат.

Шамоллар бир зумда кўтарар тўфон,
Оху ноаларим кўкка етади.
Ёнимда туриб ҳам сезмай қоласан,
Мени оқ кемалар олиб кетади.

* * *

Мен ҳали юрибман гам ичра суйиб,
Ўн саккиз ёшимда кириб келган куз...
Дарахтдек жимгина қузатиб кўйиб,
Дарахтдек жимгина қутиб оласиз.

Кўзимдан тўкилар япроқларингиз,
Тўрилар бағримдан учиб ўтади.
Тунги шарналардек хаёлларингиз,
Телба кўчаларга бошлаб кетади.

Тўкилиб бораман оҳларингизга,
Тўнлар юрагимни ўтга ташлайди.

Егочдек ҳиссиз шохларингизга,
Чирмашиган кўлларим йиғлай бошлайди.

Кафтимни кўйдириб ўтади ёмғир,
Саратон кўксимда олар аланга.
Сиздан узилмоқлик бунчалар оғир,
Сиз билан яшамоқ азобдир жонга.

Ўзимга қайтаман, ўзимни топиб,
Ўзига чорлайди бир мовий кенглик.
Баланд қоя каби турсан қотиб,
Дунё ҳам кўрмаган бундай кўргилик.

Харсанглар эзилиб ётар йўлимда,
Руҳимга киради сўнги бор жазо.
Нимадир сарғайиб қолар ортимда,
Бир ҳовуч кул каби тўзғийди Ҳаво.

* * *

Мен ўлимни кутаётган одам,
Тилларимда энг сўнги баёт.
Қучоқлашиб кўришайлик, гам,
Кел, мен билан видолаш, ҳаёт.

Сарғаяди куз тўла ҳовли,
Кимга керак омонат жонинг.
Кўчогимда гулларим бахтли,
Мен эртага йўлман, ишонинг.

Бағрим ёқар икки томчи гам,
Дунё тордир керагингизга.
Мен дунёдан ўтар бўлсам ҳам,
Яшайманми юрагингизда?

Тоғдай ўсиб борар дардларим,
Қора кийган сабрларимга.
Сизни элтар сариқ гуллар жим,
Ҳасрат чўккан қабрларимга.

Худойимдан ишқингиз сўраб,
Сизни иштиқ кутар йўлларим.
Қабримда ҳам лаблари қонаб,
Гуллаб ётар менинг кўлларим.

Адиба УМИРОВА 1980 йилда Қарши туманида туғилган. “Руҳимнинг овози” шеърый тўпламининг муаллифи. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинар-кенгаши ва ижодкор-ўқитувчиларининг кўрик-танлови ғолиби. Олий Адабиёт курси тингловчиси. “Ёшлик” журналида биринчи чиқиши.



Рангин туйғу

Яқинда истеъдодли шоир Салим Ашур ўзининг “Сиз эртага келасиз” номли шеърий тўпламини ҳукмингизга ҳа-вола этди. Янги китобдаги шеърларни ўқир эканмиз, сатр-лардаги тилсимлар беихтиёр сизни жодулаб қўйгандек туюлади, ўзингизни аллақандай ширин кечинмалар чулғаб олади, чунки шеърларнинг барчасида шоирнинг ўзлиги — ўз “МЕН”и, гул япроғидек қулф уриб турган туйғулари осмондек бепоён ва сокин, айни дамда ҳам нотинч ва жўш-қин бўлган ҚАЛБ сурурлари сизни ўзига беасв ром этади.

*Мен келдим,
Тун эди. Атроф сокин, жим,
Дарахтлар турарди бир паришон ҳол,
Олам ухлар эди, оҳ ёстиқ узра
Тўзгиган, сочилган сочларинг мисол...*

*...Мен келдим,
Ташладим остонангизга.
Гул эмас, сиз суйган бошда ярамни,
О, Жаҳон, кўринг, мен қандай оғрийман,
Қоронғу кўролмайд қолди, қорамни...*

Шоир сокинлик сийратини шунчалик моҳирона таъ-рифлайдики, айниқса, борлиқни тин сураётган бир пайт-да кўришнинг ўзи ўқувчи кўнглининг бахмал қатида яширинган ширин эҳтиросларни қўзғаб юбориши таби-ий. Бироқ, сатрлар бағрига кўмидиб, ўзини ним кўрсатиб турган сулув иштибоҳдан англамаётган фикр-маъно, бу шунчаки оддий мазмун эмас. У, шоир маҳоратига чизги-лар бериб қолмасдан ўқувчини янада чуқурроқ мушоҳа-да юритишга ундайди. Сатрлар тингловчини шунчаки эмас, бутун ифорларга йўғрилган рангларини илғашга, ундан баҳраманд бўлишга қақиради. Сўзда бино бўлган илоҳий гўзалликка ошно бўлишга чорлайди.

*...Кўнглим...
Аё, шабнам каби бечора,
Титрайсан қизларнинг бармоқ учинда,
Яролиг дунёда баҳайбат яра,
Эй, сен гунг фожеъ, менинг ичимда...
("Кўнглим" шеърдан)*

*...Кунларим қабридан юлдуз унади,
Ёғар тунларимга ойдин-ойдин қор...*

...Қамар дарёсидан ип йиғираман
Хилолдан ясайман ўзим учун дор...
(«Кунларим...» шеърдан)
каби адабиётнинг яширин ранглари бўй кўрсатиб турган сатрлар янги ва бетакрор ташбеҳлар оиласини ташкил этиш билан бирга, фикрни янгича айтиш имко-нини берган, десак муболаға бўлмас...

Шоир адабиётнинг сиёҳи тўқилмаган сўқмоқларини илғаш маҳол бўлган бир даврда, ҳали ҳеч кимнинг назари тушмаган, ҳали ҳеч ким юрмаган, қалам адашмаган йўл-

ларни топишга ҳаракат қилади. Зеро, янгилик яратишнинг мушкулотла-рини ҳис қилган ҳам. (Чунки, баъзи шакллар янгилик даъво қилгани билан, зийрак китобхон унинг бошқа халқлар адабиётига хослигини, ёхуд унинг авлодига ман-сублигини пайқашни ҳақи-қатга яқин). Шунга қарамай шоир шаклни ва мазмунни янгилашда бо-шқаларга ўхшамасликка уринади. Чунки шоир-нинг тафаккурида, диққа-тида сўз сеҳри ва уни ўзи истаганича тарашлаб янги бир жило билан шеърга, адабиётга олиб кириш истаги турибди. Такрор ва қайта айтилган сўзлар оҳорини йўқотиб қандайдир нурсиз бўлиб қолишини С. Ашур юракдан ҳис қилади. Шу боис, гоҳ шодон, гоҳ маҳзун нафасларда бўлса ҳам шеърга ҳали ўқувчига нотаниш бўлган насимларнинг эпкинини олиб киради ва уни янгича тартибда ифодалаб беради. Масалан:

*Тун кечмоқда аста жаранглаб,
Соҳилини ечаётир сув.
Қин ичида уйғоқ ханжарни
Қирғоқ каби сиқади кўрқув...
Ёки,
Ухлалмайди бахтиёр уйғу,
Ой кунига ботган шикаста...
Шунингдек,
Қин ичида ухлоқ пичоқни
Қитмиқлайди уйғотар қирғоқ...
("Тун..." шеърдан)*

Ана шундай гўзал фикрлар шокиласини қуйида ҳам кузатиш мумкин:

*Хилол, тилма тилларанг дилини.
Турма, онам каби бошимда...
Яна:
Тун ярмида уйғоняпман,
Кўзларини уқалар чирок...
Изларингда югуриб юриб
Эшигимга суйкалар йўлак...*

Яна ва яна... Бундай ЯНГИ ФИКР юкини ади кў-тариб турган тўқ мисраларини шоир ижодида яна куза-тиш мумкин.

Абдулла ВАХШИВОРИЙ

САЛИМ АШУР

СИЗ
ЭРТАГА
КЕЛАСИЗ



Бундайин замонда

ҚЎЗИ ЧЎҒЛИНГМАН

Улғайдим Самарқанд тупроғин босиб,
Оллоҳнинг назари тушган масканим.
Кўркига кўрк кўшдим шунга муносиб,
Бебаҳо ғурурим, бедов саманим.

Самарқанд кўкида порлар юлдузлар,
Улуғбек кўзининг ёғдусин сочар.
Буюк зафарларга чорлар юлдузлар,
Нурли келажакнинг эшигин очар.

Амир Темур руҳи уйғоқдир бешак,
Бахтиёр халқимга қарайди шодон.
Келажак орзулар очмоқда чечак,
Эртанг бугунингдан яна фаровон.

Жаннатмонанд гўша, шахри азимсан,
Гавҳарга алишмам оддий қайроғинг.
Юрагим бонгисан, ўчмас назмимсан,
Кўнглимда ҳилтирар ҳурлик байроғинг.

Мозий мисол кўҳна, навқирон шахрим,
Ардоғингда ўсган булбул ўғлингман.
Номинг тилга олсам очилар баҳрим,
Самарқандим, деган кўзи чўғлингман.

ДИЛ

Агар кетсам хор бўлмай кетай,
Ватан, сенга зор бўлмай кетай.
Гўзал дунё тор бўлмай кетай,
Гул бўлай, муз, қор бўлмай кетай.

Изларимни изласин болам,
Чўкка тушиб, тизласин болам.
“Отажон” деб, кўксига уриб
Бўзтўрғайдай бўзласин болам.

Тизма тоғлар оромим олди,
Кўклам гулдан поёндоз солди.
Ёзганларим, турфа машқларим
Ўқувчимга, элимга қолди.

Гулхан каби ловуллаб ёндим,
Фарзандларим меҳридан қондим.
Чўл ўрнидан яратиб бўстон,
Меҳнатимга мукофот олдим.

Бу дунёда ким қолар абад,
Келган бир кун кетади албат.
Мендан битта из қолармикан,
Кўнглимда шу хавотир фақат...

БАХШИ

Кечмиш майиб этди не-не зотларни,
Белга қадар балчиқ, кечиб ўтардик.
Бошга кўтарардик каззоб зотларни,
Яғир елкада ғам тоғин кўтардик.

Лочинлар қаноти кўп бор қайрилди,
Безовта тўлғонган руҳи пок неча.
Буюк аждодлардан бизни айирди
Қолига солинган ғалат мафкура.

ҚЎНГИЛ ОСМОНИДА

Шеърят игнасин тутдим қўлимда,
Сонсиз қудуқ қаздим қақроқ
чўлимда.

Назм қояларин тирмашиб ўтдим,
Таъзим қилди гуллар ўнгу сўлимда.

Назм чўққилари кўк каби юксак,
Товоним қонади, сўнмади истак.
Йўлимда учради чақир тиканлар,
Қаламим қайради тин билмас юрак.

Ёшлигим ўтибди, тақдири азал,
Сўқмоқларни ўтдим, куйладим ғазал.
Тим қора булутлар тўрлар тўқиди,
Саҳрода яралган бўстонлар гўзал.

Шеърят гулининг тиканлари бор,
Қалбни ёритувчи имконлари бор.
Истиқлол кўшиғин куйга сол, Фармон,
Кўнгил осмонида маконлари бор.

«ТЎСИҚЛАР БОР, ТОҒДАЙИН, ДЎСТИМ»

Биз билган шоир Фармон Худойбердиев мураккаб ижод жараёнини босиб ўтди. Илк шеърларини тахририятга ийманибгина олиб келганига ҳам қирқ йилдан ошибди. Вақт — ҳакам, ҳаммасини жой-жойинга қўяр экан. Йиллар ўтди. Дўстимиз Фармон ҳам ҳар жиҳатдан улғайди; ҳаётда тажриба орттирди, катта кичик ташиқлотларда ишлади, лекин, “шоирликни” сира-сира қанда қилмади — ён дафтарларини тўлдириб шеърлар битди.

Фармон Худойбердиев — бугунги адабий жараённинг жўшқин аъзоси эканлиги ҳақиқат. У “Чўл оҳанглари”, “Кўнгил гулчамбари”, “Умр ёлқини”, “Истиқлол фарзандиман”, “Мажнунтол” каби шеървий тўпламларини муҳлисларига тортиқ қилган меҳнаткаш шоир. Вилоятда чиқаётган газеталарда ҳам унинг шеърлари узлуксиз босилиб туради. Бу шеърлар шоир халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида хизмат қилмоқда дегани. Уларда

маъно, одамларни эзгуликка чорловчи ва даъват этувчи ғоялар мужассам. Масалан “Чўл оҳанглари” тўпламидаги шеърларида меҳнат, жасорат, одам боласи эл-юрт дарди билан яшаганда эъзозга, олам сарварлигига муносиб эканлиги куйланади.

Фармон Худойбердиев фаол ижодкор, ҳазиржавоб шоир. Буни сўнгги ўн йиллик мобайнида ёзган шеър ва балладалари, тўртликлари, қасида ва дostonлари ёрқин исботлаб турибди. Улар сон жиҳатдан эмас, иқтисмоний-эстетик йўналиши, ғоявий мақсадни қўзлаганлиги, жиддий ҳаётий муаммоларни ифодалаши, даъвати, кўтаринки нафаси, жўшқин эҳтироси, мўлжалнинг тиниқлиги, аниқлиги билан ҳам олдинги шеърлардан баланд туради. Бу фазилятларни шоирнинг “Истиқлол фарзандиман” тўпламини варақлаганда тўла ҳис қиламиз, унинг она халқи, ўз даври билан бақамти нафас олаётган ғурур-гуйгуларига қўшилиб тўйинасиз.



Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

ЯШАМОҚЛИК БАХТ

Буюк Амир Темур руҳи кезди саргардон,
Зору зор йиғлади Сароймулкхоним.
Фақат лоқайдларга боқарди замон,
Тийрақларнинг эса оғрирди жони.

Ахийри келди-ку улуг хуррият,
Мен бугун халқимга айтай шараф-шон,
Бундайин замонда яшамоқлик бахт,
Элни эл қилади бундайин замон.

УЛУГ ХАЛҚИМ

Бошда мангу порлоқ гултожнинг кўрай,
Кўли гул, ижодкор, мардона халқим.
Созлар чертиб, куйлаб сафингда турай,
Башар маржонида дурдона халқим.

Не-не синовларни кўрмади бошинг,
Саратон пайтида савалади дўл.
Кекса тарих каби улугдир ёшинг,
Истиқлол нуридан бугун ойдин йўл.

Асрлар "Хамса"ни дилга жо этдинг,
Қақраган сахрони бўстон этдинг сен.
Марварид тер тўкиб муродга етдинг,
Туроним шаънига дoston битдинг сен.

Қалбинг тўлқинида Зарафион жўшар,
Не улуг зотларга ўзинг падарсан.
Шарқироқ сойларинг чўлга ёл тўшар,
Туркистон кўкида шамссан, қамарсан.

Оқсарой оламга ёғдусин сочсин,
Гуркираб яшнасин ёрқин келажак.
Машқинг элга кўнглинг ҳисларин очсин,
Фармон халқим дея яшайди бешак.

МЕЗОН

Ўн уч ёшда дастлаб машқларим
битдим,
Юрагим чўғидан эди ҳарфларим.
Қалбим бўстонида турфа гул
титдим,
Кўнгишларга учди шеърий каптарим.

Ёмонликлар кўрдим, жўш урди қазаб,
Ҳайқириб битдим мен "Туф!" номли
шеърим.

Жилов тополмасди бузилган асаб,
Қачон адолатни кўраман, дердим.

Терим суягимга ёпишиб кетди,
Қайга борсам учрар ноҳақлик, тухмат.
Фақат сур маддоҳлар мақсадга етди.
Энг фаровон, дея, бизнинг мамлакат.

Мен жим туролмадим, машқ
битдим чунон,
Ёздим кўнглимдаги бор гапларимни.
Ахир менинг учун адолат - мезон,
Гар тузум зулмкор, шоири қани?

Мана, фурсат ўтиб, келди Хуррият,
Мен бугун юртимга боқаман шодон.
Зеро, шоир сўзи мудом ҳақиқат,
Фақат ҳақиқатдир ягона мезон.

ХУРЛИК ШАРОФАТИ

Истиқлол куртаги қалбимда
бўртар,
Оппоқ аргумоқда учиб юрибман.
Аждодлар кечмиши дилимни ўртар,
Эркинлик шарбатин ичиб юрибман.

Истиқлол дафтарин нурга
тўлдирдим,
Турфа гуллар билан беадам сатрин.
Кўнгиш гулчамбарин дурга
тўлдирдим,
Озодлик гуллари таратар атрин.

Хуррият чамани қийғос очилди,
Қарайман, ранго-ранг, қамашар
кўзим.
Умрим китобига гавҳар сочилди,
Истиқлол тонгида туғилди сўзим.

Хурлик шарофати ашъоринг,
Фармон,
Осмонга туташди ўзбегим боши.
Менинг юрагимда қолмади армон,
Мангуга порласин башар қуёши.

...Бугун ҳурман, тошқин дарёман,
Ёғдуларинг сочавер, Қуёш!
Шеър ишқиди ҳадсиз дунёман...

Хўш, шоирнинг жўшиб куйлаши, ҳаётдан, теварак-атрофдан, одамлардан завқланишига нималар илҳом бераяпти экан?! Буюк Туронзамин, озод Ватанини севини, мустақил Ўзбекистон, сахий Қуёш тафти, фусункор ой жамоли, юлдузлар жилваси, шаҳар ва қишлоқлар кўрки, фасллар фалсафаси, қушлар кўшиғи, чегара билмас инсон руҳияти, ширин хаёллар, мазмунларга бой тақдирлар, гўзал манзаралар, эзгу орзулар, меҳр-муруват — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ижодкор қаламининг тинимсиз сайрашига туртки берадиган илҳом рутбаларидир.

Ҳамшаҳаримиз Тошкент нашрлари, марказий газета ва журналларда ҳам ўз ўрнини топган муаллифлардан. Алоҳида ва туркум шеърларнинг мунтазам босилиб туриши фикримизнинг далилидир.

Яқинда у бир даста китоб қўлтиқлаб кириб келди. Биз уни навбатдаги китоби билан ситқидилдан қутладик. Хайр-хўшлангач, китоб билан танишишга киришдик.

Қалинига шеърий гулдастада пухта-пишиқ минералар, образлар, ташбеҳларга ўраб берилган қиёфа ва манзаралар, пезиҳон қалбини тўлқинлантирувчи, ўқувчи кўнглида завқ-шавқ уйғотувчи тунгли сатрлар бисёр. Шу билан бирга шоирнинг ҳаётда кузатган, кўрган-кечирганлари, баъзан учраган ноҳушликлар, салбий таассуротлар ҳам бир талай. Бишобарин, "Йўлдан ўтар шоҳу гадолар, кўнгли ярим қалби адолар", "Ҳасад мисли чирик ўтиндир, ҳасадгўйга ёруғ дунё тор, тузалмоғи жуда ҳам душвор..." Шоир одамлар орасида янаёди, яхши-ёмонни кўради, уларни фарқлашга ўз ўқувчисини чақиради: "Разм солиб кўрсам баъзида каваклардан чиқар чаёнлар..."

Булар сохталикдан, ёлғондан холи, аммо содда, самимий ва поэтик туйғулар уйғотадиган минералдир.

Эл овозига тушган, юртдошлари меҳрини қозонган истеъдодли шоир Фармон Худойбердиевга изланиш, кашфиёт, бадиий сўзлардан маржонлар теришда сира толиқ-масликни орзу қиламиз.

Ботурхон Валихўжаев,
академик
Исроил Мирзаев,
СамДУ фахрий профессори

ДАЪВАНИ

Оқ каптар шеърларим, жаҳонга
учинг,
Олам халқларига айтинг саломим.
Ҳумо қуши бўлиб дилларни қучинг,
Юракларга етсин тинчлик каломим.

Борлиқни қопласин тинчлик
куйлари,
Қитъаларда эссин ҳурлик шамоли.
Дунёни тутсин бахт, шодлик
тўйлари,
Ёғдуга чўмилсин юртим жамоли.

Асло эшитмайин ўқлар овозин,
Эрк қўшигин тингла, қурраи замин.
Истиқлол туфайли туғилган созим,
Тинчликдир дунёга бор тилаганим.

Сиз буюк, қудратли жаҳон
халқлари,
Озод сайёрада яшангиз хуррам.
Абад бузилмагай тинчлик аҳдлари,
Абад бахтли бўлсин башарият ҳам.

АЗИЗ МЕҲМОНИМИЗ

Хурлик сафларида сиз бардам
туринг,
Нурли келажакка етар қўлингиз.
Хурлик тулпориди шамолдай учинг,
Ипак йўли каби буюк йўлингиз.

Бу фоний дунёда аҳил бўлмоқ шарт,
Ортингда қолар-ку барча лаш-
лушлар.
Яхшилик қилайлик, яхшилик фақат,
Умрингни захарлар майда ташвишлар.

Яшамоқ— яратмоқ, тақдири азал,
Беш кунлик дунёда азиз меҳмонмиз.
Ҳаёт деганлари бетакрор, гўзал,
Ҳазрати Инсонмиз, буюк инсонмиз.

Ўзбек деган ном бу қонларга сингган,
Бу номга муносиб яшамоқлик шарт.
Буюк Ўзбекистон, эй она-Ватан,
Фармон ўғлинг куйлар сени тоабат.

МЕНИНГ ТИЛАГИМ

Бунча ўнқир-чўнқир ҳаёт йўллари,
Сўқмоқлари тилиб ташлар товоним.
Кўрдим саҳроларни, мовий кўлларни,
Ранг-баранг ўтмоқда умрим, ҳаётим.

Мисқоллаб йўғаман сўзларнинг дурун,
Гарчанд кўзларимдан кетиб борар нур.
Юртимга бахш этдим қалбимнинг
қўрин,
Ўзбекистон олтин бешигим эрур.

Жўшқин дарё каби тинмай оқаман,
Меҳрим дарёсини саҳрога бурдим.
Ложувард осмонда қанот қоқаман,
Шеър ишқидан гўзал иморат қурдим.

Мени не куйларга солди юрагим,
Балки ўзим уни солдим қийноққа.
Юртим обод этиш ёлғиз тилагим,
Жон бахшида этиш саҳро, қумлоққа.

Ватаним ўғлиман, содиқ фарзандман,
Юртим ободлиги— менинг тилагим.
Халқим дея ёниқ шеърлар битаман
Токи уриб турар хаста юрагим...

ДАРЁ

Ўзбек халқим менинг олий нишоним,
Улуғ даҳоларни улғайтган халқ бу.
Кўксимни тўлдирар шеърлар, ишонинг,
Қалбимда қайнаган чоғда ҳис-туйғу.

Элнинг улуғ-улуғ фарзанди бисёр,
Санзор каби жўшқин Ҳамид Олимжон:
Қодирийдай улуғ адиб қайда бор,
Хоразм фаҳри-чи, устоз Комилжон?

Машқларим қўлтиқлаб самога кўчдим,
Улуғбек сўзлади фалак сирларин.
Яна қайтиб келдим, халқимни кўчдим,
Бунчалар буюксан, ўзбегим, фаҳрим...

Мен дарё бўйида кезаман гоҳо,
Ҳайрат-ла қарайман: тинмас нўртана.
Менинг она халқим, буюк бир дарё,
Қудратингни таъриф этолмам сира.

Нечун гурурланмай, нечун фаҳр этмай,
Самарқанд замини туғилган гўшам.
Мактаб борар ёшга етиб ё етмай
Ватанимни суйиб атадим: "Онам..."

Соҳибқирон руҳи бизни қўллайди,
Не ишга қўл урсак— эзгулик бари.
Ойдин келажакка бизни йўллайди
Улуғ аждодларнинг пок ниятлари.

Доим навқиронсан, Ўзбекистоним,
Сени мадҳ этгувчи Фармон болангман.
Гуркираб яшнаган боғу бўстоним,
Менинг мавжудлигим фақат сен билан.

ҲАЙРАНИ

Ҳайрат кўзи билан боқдим очунга,
Қай минорга боқсам кўринади паст.
Зеро мен кўз очган кўҳна гардунда
Самарқанд— сайқали рўйи замин аст.

Зарафшон зарлари олар кўзимни,
Халқим қалби янглиғ уйғоқ оқади.
Кўнда тополмасам ҳамки сўзимни
Юртимни мадҳ этиш менга ёқади.

Мени мафтун этар мудом Самарқанд,
Асрлар қаъридан келган тилсим бу.
Менинг қалбим юртим қалбига пайванд,
Ватаним доврўғи менинг шоним-ку.

Ҳайрат бармоғини тишлайди Фармон,
Сен бунча сирлисан, кўҳна Самарқанд.
Агар бу дунёда армонсиз инсон
Бўлса ўша Фармон ўғлингдир албат...

ШОҲИ

Шеър битмак тангрининг иноятидир,
Илҳом парисига мен мудом муштоқ.
Шеър битмак тақдирнинг ҳидоятидир,
Мушкул бу қисматдан қочиб қутулмоқ.

Буюк Навоийга сиғиниб ўтдим,
Улус билан ичдим ёвғон ошимни.
Истиқлол тонгини тоқатсиз кутдим,
Зафарга чорладим дўст-қардошимни.

Зарафшондан олдим товланар сўзни,
Хурлик илк китобим мавзуи бўлди.
Шукронага ундаб аҳли улусни,
Дафтарларга шеърий машқларим тўлди.

Мен ҳамон оқ тонгни куйлаб юрибман,
Илҳом париси ҳам ошнодай ҳали.
Гарчанд юрак хаста, мағрур турибман,
Дам олмоқнинг эса келмаган гали...





МЕН ҲАЁТНИ ЯХШИ КЎРАМАН



Яқинда шоира Хосият Рустамованинг 2003 йилда “Маънавият” нашриётидан чиққан “Нажот” деб номланган тўнлами кўлимга тушиб қолди. Тўнламадаги шеърлар кўнглимга яқинлигини ҳис қилдим. Чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам фақатгина юрагимдаги гапни айтишга одатланганман. Лекин шу китобни ўқисангиз, унинг маъини чақолсангиз, рости, ўзингиз ҳам маза қилган бўлардингиз. Рости, унинг шеъриятига қўндан мухлисман. Бу гап ҳам бу шеъриятнинг оҳанг-фалсафасига йўғрилиб-қўшилиб кетдим. Негадир Хосият Рустамованинг шеърларини ўқисам бир қадар рус шеъриятдан баҳра олгандай бўлман. Ундаги йўналиш, фалсафа ҳам ўша буюк рус шоирлари шеъриятдан озуқа олгандек, улар анъанасини давом эттиргандек туюлади. Бу шеърият жозибасини эса адабиётшунослик, мунаққидликни даъво қилмаган ҳолда шеърият ихлосмандлари билан ўртоқлашим келди... Шоира мана бу шеърда кўзнинг хазонрезги фаслини гўзал тасвирлайди.

Шамоллар эрмаклар йўнар

Хазонни —

Тақдир чирпиратиб отади ерга.

Раббим, ўзинг берган мана шу жонни

Ўзингдан яшириб қўйяй қаерга?

Бу сатрларда шоира бу дунё-оламни эрмаклар хазон бўлгунига қадар ўйнайди. Тақдир эса бу ҳам етмагандек чирпиратиб ерга отади. Раббим, бу жонни ўзинг берган эдинг-ку, уни тақдирнинг ўйинларидан яшириб яна қаерга қўйиш мумкин, демоқчига ўхшайди. Шунда юрагимнинг тубида нимадир жиз этади. Бу менинг шеърга туширолмаган дардим-ку, дейман ўз-ўзимга. У эса шеърни инсон ўлим билан юзма-юз келганда юрагидан ўзини мумкин бўлган ҳислар тасвири билан давом эттиради:

О, яна уйғондим.

Яна уйғондим —

Кўнглимда шовқинчу, вужудимда шахд.

Кўнглимни чўзинг — Сиз билан жоним,

Бугун видолашиб қўймоқлигим шарт.

Сезаяписизми, шоира “О, яна уйғондим, яна уйғондим” мисралари билан киши ўлимни ёнгинасида ҳис қилганида ҳамма нарсани, дунёни тинчроқ кўра билишини ифодалайди. Менинг назаримда, ҳаёти қил устида эканини ҳис қилган одамгина бир лаҳзалик умрида негадир уйғониб кетгандек бўлади, борлиқни янада теран кўради. Шу сабабдан ҳам шоира кейинги мисраларида:

“Кўнглимда шовқинчу, вужудимда шахд.

Кўнглимни чўзинг — сиз билан жоним,

Бугун видолашиб қўймоқлигим шарт”,

Дейди.

Унинг:

Қанча ўлик бўлса —

Кўрдим демас ер,

Ғамни парвосига келтирмайди кўк.

Йўловчи!!!

Йўловчи!!!

Қўлларингни бер —

Мен сени эртага кўраманми, йўл” мисраларида эса ўлимга қарши исёни кузатгандек бўласиз. Биз ҳаммамиз йўловчи эканмиз, бугун кўрган одамни эртага йўқотиб қўйишимиз ҳеч гап эмаслигини беихтиёр ёдга солади.

Кундузга хушомад қиламан ортиқ, дейди ҳаётсевар шоира шеърнинг давомида. Кундуз сўзи бу ерда ёруғлик, тириклик тимсолида келади. Гўё кундузга хушомад қилиб бўлса ҳам ёруғ дунёни кўриб туриш, кўксингизни тўлдириб тоза ҳаводан нафас олиш бахтидан бебаҳра қолмаслик илинжи. Шоира шунда ўлимнинг кўзини катта очади. Ўлимга шу оддийгина тирикликнинг ўзи ҳам қанчалар ёқимли, чиройли эканини кўрсатиб қўяди. Кейин кўзлари катта очилган, тириклик ҳавосидан кўксини тўлдириб ҳаво симирган ўзимга у жонини тортиқ этади. Шунда ўлим ҳам бу ҳаётдан қандай қилиб осонгина узилиб кетиш мумкин, деган ваҳимада девордек совуқ борлиги билан ваҳимага тушади. “Ана кириб келди. Тун кийиб ридо”, дейди шоира. Шеърнинг давомида ўлимнинг кириб келишини зимистон тун тимсолида беради. Кейин яна шоира ўлим сўзини ишлатмасдан кимнингдир кўзида қотиб қолди дард, деб бу тимсолни ҳам беради. Кўзда қотиб қолган дард эса ўлим тасвирини янада кучайтиради. Кимнингдир орамиздан беаҳал, кўзларида ушалмаган орау-умидлари сабаб дард қотиб қолганча кетганини кузатган шоира эртага менинг ҳам жонимни сўрайди Худо, дейди надомат билан. Шунинг учун яқин кишига ва балки яқин кишилари кўнглида озор қолдириб кетмай, деган маънода видолашиб қўйяй эҳтиёт шарт, мисраларини келтиради. Бу билан у охирачни ўйлашини мана шундай маҳорат билан мисраларда ифодалайди.

Унинг «Сабоқ» деб номланган бир шеърда эса ҳаёт фалсафаси барқ уриб турганга ўхшайди.

Ғамгин-ғамгин турар тирилиб,

Қушчаларнинг қуюқ ғаласи.

Йўл устида ётар чўзилиб —

Дарахтларнинг совуқ мурдаси

Сезаяписизми, шоира мотам сўзини ишлатмасдан бу ҳолатни қандай ифодалайди. Гўё дарахтлар ўлимга қушчалар мотам тутаётгандек.

“Осмон: ҳоргин эгилар ерга” дея давом этади лирик қаҳрамон. Унинг бу мисрасида ғам юки елкангиздан босиб келган одамнинг осмон ҳам пастлаб, елкасидан босиб келгандек ҳолатни ҳис қилишини ифодалайди.

Кўзларимни шира босган чоғ

Ерда ётган дарахтлар менга

Яшамоқдан беради сабоқ.

Ғам юки елкасидан босиб келган одамнинг чиндан ҳам кўзларини шира босганга ўхшайди. Бу одам тушқунликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди, ҳис қилмайди. Унга ҳаётнинг гўзаллиги ҳам бир пулдек туюлади гўё.

Ана шунда шоира ерда ётган дарахтларнинг ўлимни беихтиёр кузатиб яшаш кераклигини ҳис этади. Ўлимдан тириклик учун сабоқ олади. Ортида қолганларни қушчадек чирқиллатиб, дарахтдек қулашини истамайди.

**Моҳинур БОБОМУРОВА,
Сурхондарё вилояти.**

Манзура ШАМС

Сен севги

САБР

Савр, сени жуда яхши кўраман,
 Кўксингда майсадек унгим келади.
 Азонда кўз очган капалак бўлсам,
 Тонгларни тўлдириб унгим келади.

Савр, сени яхши кўраман, савр,
 Бошқа сўз ортиқми, камми билмайман.
 Илк бор тушунганим, сени севганим,
 Бўлак тўйгуларга амал қилмайман,
 Савр, қара сени яхши кўраман —
 Адирлар чўмилар кўнглим майида.
 Яшмоқдан бўлак барчасин қилдим,
 Табиатнинг қолган ўн бир ойида.
 Савр, сени нега яхши кўраман...
 Билмайман, билмайман. Мени тарк этма,
 Кетсанг кучоғингда мангу олиб кет,
 Энди жавзоларга қолдириб кетма...
 Савр, сени жуда яхши кўраман...

МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол, мажнунтол, масрурсан бунча,
 Эгилганинг кўйи мажрурсан бунча.
 Ёлғизлик либоси бунча ярашган
 Ожизгина бўлиб сен зўрсан бунча.
 Ишқини осмонга йўллайди терак,
 Хар дарахт осмонга ўзича тирак.
 Улар бўйишқларни кучоқлайверсин,
 Осмонни сенчалик севмаса керак.
 Ошиқлар висолни кунда истайди,
 Юлдузлар бир-бирин тунда излайди.
 Сен сабр тимсоли, бардош тимсоли,
 Бардошлар бардошни сендан излайди.
 Сен севги қизисан, изтироб қизи,
 Сийратингдан мастдир анҳорнинг кўзи.
 Осмонларни севиб, ерга эгилсанг,
 Пойинга қулайди осмоннинг ўзи!

Мажнунтол, мажнунтол, масрурсан бунча,
 Эгилган кўйи мажрурсан бунча...

* * *

Севсам... Ишқимдан кўрқ, севганимдан кўрқ,
 Сени муҳаббатдан бунёд этаман,
 Ёки ишқим билан барбод этаман,
 Мана, шайтимни кўр, шиддатимни кўр.
 Қизгонсам... Рашиқимдан кўрқ, жоним, ёмон
 Осмон қалтирайди титроқларимдан,
 Дунёга ўт кетар ингроқларимдан,
 Алангдан сен ҳам қолмайсан омон.
 Севмасам... Нафратим ёмон нетаман,

ҚИЗИСАН



Ишқимни кўмаман шу қаро ерга.
 Кейин, юрагимга бўм-бўйишқ эга,
 Кейин, дунёлардан беизиб кетаман.
 Шундай қил, мен сенга бефарқ бўлайин
 Кўнглимда очайин ўзга бир йўлак.
 Ҳеч ким бўйламасин худодан бўлак,
 Ва унинг ишқида мангу ўлайин...

* * *

Бугун нега бунча хўрсинар япроқ,
 Бугун кечагидан бошқача кўёи.
 Бугун товонимга ботмоқда тўпроқ,
 Бугун кипригимда йиғлайди кўзёи...
 Бугун, дунё, менадан кўнгли сўрама,
 Кўнглим дунёсида тоғлар қулайди.
 Бутун орзуларим оққа ўрама,
 Йўқса оҳларимдан тошлар йиғлайди.
 Бугун ич-ичимда узилган нима,
 Илинжсинг энг сўнги томирларими.
 Бетўйғу вужудда тизилган нима,
 Девона бир руҳнинг асирларими?!
 Бугун юрагимни бўйишқ банд этди —
 Бу обидийдалар кўзимникимас.
 Қўлим сўраганга ризо сўз кетди
 Бугун... Энди қўлим ўзимникимас...

ХОҚСОРЛИК

Мени кечир, шабнам, сен мени кечир,
 Сермазмун умрингга етмаса ўйим.
 Майсагинам, мени қалбингдан ўчир,
 Узун бўйларингга етмаса бўйим.
 Баҳор, мени кечир, сен мени кечир,
 Хўсингга етгулик ўзгал йўқ асли.
 Менга саврларнинг ишқидан ичир,
 Сеники бўлмасам, муҳаббат фасли.
 Мени кечир сен ҳам, эй қузги хазон,
 Бардошим етмаса ингроқларинга.
 Соҳимга илашиб йиғлама, мезон,
 Нигоҳим етмаса титроқларингга.
 Мени кечир, очун, сен мени кечир,
 Умрим ўтмоқдадир рисоланга зид.
 Қўларингдан келса ари томон учир,
 Мендек девонанинг гуноҳдан ўт...



ШЕЪРИЙ РОМАҲЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

XX асрнинг 50-йилларига келиб ўзбек адабиётида ҳам расман жанрнинг янги хили—шеърий шаклдаги роман вужудга келди. Чунки воқеликни поэма (достон)ларга нисбатан кенгроқ бадий қамровда, бошқача айтганда, романга хос бадий тафаккур мезонлари орқали акс эттириш эҳтиёжи пайдо бўлган эди. Бу ҳодиса ўзбек адабиёти табиатида, таркибида рўй берган улкан ижтимоий-эстетик ҳодиса саналади.

Шеърий роман моҳият эътибори билан насрий романга хос кўпгина хусусиятларни — халқ ҳаётида юз берган улкан ўзгаришларни, туб тарихий бурилишларни акс эттириш, қахрамонлар ҳаётини нисбатан тўлароқ, мукамалроқ тасвирлаш каби жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган бўлса ҳам, бироқ шеърий тузилиши, поэтик қонунияти, муайян вазн ва қофия тизимига бўйсиниши каби хусусиятлари билан насрий романдан фарқланиб туради.

XX асрнинг 50-йилларида ёзилган Мирмуҳсиннинг “Зиёд ва Адиба” асари шеърий роман жанридаги илк уруниш бўлди. Унда Иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатдаги аҳвол, ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш, ёшларни чекка вилоят ва қишлоқларга ишга жалб этиш, икки ёшнинг муҳаббати, оила ҳамда муҳит қаршиликларини енгиб ўтиши каби шу даврга хос муаммолар акс эттирилган.

XX асрнинг етмишинчи йилларига келиб, ўзбек шеърий романининг иккинчи намунасини шоир Хусниддин Шарипов яратди. Унинг “Бир савол” шеърий романи истеъдод ва худбинлик ҳақида. Агар истеъдод халққа, ватан равнақи учун хизмат қилмаса, унинг инсоният олдида сариқ чақачалик қиммати йўқлиги Саттор образи орқали очиб берилди.

Ушбу асар шахснинг ватан, оила ва жамият олдидаги бурчга масъулиги, бу масъулиكنи туймаслик, унга садоқат билан хизмат қилмаслик ҳар қандай истеъдодни ҳам ҳалокатта олиб бориши ҳақидаги ғояни ёрқин очиб бериши билан алоҳида ажралиб туради. Асар шеърий роман имкониятларини ўзлаштириб олиш ва уларни бойитиш йўлидаги ижодий изланиш самараси бўлса ҳам, аммо бу изланиш адабиётимизда роман жанрининг бу хили янада кенгроқ ёйилишига, чуқурроқ илдиз отишига сабаб бўлди. Айтиш мумкинки, “Бир савол” 70-йиллар ўзбек шеърий романчилигининг гўзал намуналаридан биридир.

70-йилларнинг охири ва 90-йилларда адабиётимизда иккита йирик шеърий роман яратилди. Улардан бири шоир Барот Бойқобиловнинг “Навоийнома” асари бўлиб,

у “Нотинч Хуросон”, «Шукухли қарвон», “Сокин Хуросон” ва “Қонли Хуросон” номли тўрт китобдан иборат эди.

Романга буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятини тасвирлаш орқали XV асрдаги Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаёт тасвирланган.

Мазкур шеърий романи яратишда ижодкорнинг катта меҳнат сарфлаганлигини тўла эътироф этган ҳолда шунини алоҳида қайд этишни лозим топамизки, шоирнинг ижодий нияти қанчалар қутлуғ бўлмасин, мазкур асар шеърий романимиз тараққиётига сезиларли таъсир кўрсата олмади. Биринчидан, у ёки бу тарихий шахснинг ҳаётини бошдан-охир шеърий йўл билан ҳикоя қилиб бериш шеърий роман вазифасига кирмайди. Муаллиф Навоий ҳаётига онд барча маълумотларни бадий жиҳатдан умумлаштира олмаган. Бошқача айтганда, ҳаётини материални йирик бадий умумлашма даражасига қўтаролмаган. Иккинчидан шоир, танлаган маснавий шакли шеърий романга хос объектив тасвир билан субъектив муносабатни уйғунлаштиришга имкон бермаган.

Айни шу йиллари истеъдодли адиб Муҳаммад Али “Боқий дунё” романини ёзди. Бу асар яқин ўтмишимизда халқимиз бошидан кечирган миллий-озодлик кўзғолонлари, уларнинг халқ ҳаётида тутган ўрни, миллий уйғониш ва миллий-сиёсий онгининг ривожига аҳамиятини ёрқин образлар мисолида, ўзига хос поэтик шаклда кўрсатиш билан шеърий романининг адабиётимиздаги ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Тўғри, мазкур шеърий роман дастлаб ҳукмрон Шўролар мафқураси талабларига мос ҳолда ёзилган эди. Аммо мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, шоир уни тезда қайтадан ишлади ва барчага маъқул келадиган шаклга келтирди.

Асарда илгари сурилган миллий эркесварлик ғояси ҳамда яна шу ғояни мукамал поэтик шаклда ифодалаш билан “Боқий дунё” ўзбек шеърий романининг мукамал намунаси ҳисобланишига лойиқ.

Ўзбек адабиётида шеърий романининг қирқ йилдан зиёдроқ босиб ўтган йўли ва тадрижга қараб айтиш мумкинки, роман жанрининг ушбу шакли адабиётимизда мустақил яшаб кета олади. Унинг бундан кейинги равнақи эса ижодкорларнинг сарф-ҳаракатларига, унинг ғоявий-бадий имкониятларни мукамал эгаллашларига боғлиқ.

Лола АҲРОРОВА

Расул ЖУМАЕВ

Сезаянман

майса

шивирин



ШАХРИСАБЗА ҚИШИ

Қаҳратон қиш...
Ухлар шаҳри Кеш...
Тарновларда аёз ярақлар,
Йўллар тайғоқ, кўчалар бўм-бўш,
Оғир ўйга чўмган дарахтлар.

Оқсаройни изғирин тиглар,
Муз сарпоя тўшайди аёз.
Мўрилардан боққанча йиғлар
Тўй-ҳашамни олиб қочган ёз.

Қаҳратон қиш...
Қарс этганча йиқилар дарахт,
Бир сесканиб...
Ухлар яна Кеш
Қишдан сармаст, қисматдан карахт.

Бунда фақат бир киши бедор,
Чўзиқ кўли самони тутган.
Тик қоматда буюк бир виқор,
Қора қошлар оқариб кетган.

Қаҳратон қиш...
Ухлар шаҳри Кеш...

ҚОРАТОВДА ЎЛМАДИ БОДОМ

Азим Суюнга

1

Оппоқ либос кийган даралар
Гўё мангу қайғуга ботган.
Қоя тошлар— қотган яралар
Эгик боши осмонга етган.

Ухлар тоғлар, бизда йўқ ташвиш,
Қоратовда тунамоқда қиш.

Яйловларда изиллар бўрон,
Хатто музлаб қолди булоқлар.
Чойин ичиб ётибди чўпон,
Печ ёнида тунар улоқлар.

Ухлар зоғлар,
бизда йўқ ташвиш
Қоратовда тунамоқда қиш.

Қаттиқ ҳукм ўрнатган аёз,
Узумзор-қу... кўмиб ташланган,
Мақтаб қатнов сусайди бироз,
Шундан озроқ кўнгил ғашланган.

Ухлар боғлар...
Сизга не ташвиш?!
Қоратовни синамоқда қиш.

2

Сўнмай туриб совуқнинг тафти
Уйкудаги тоғлар туллади —
Қиш захрига буюк бир исён —
Қоратовда бодом гуллади.

Қиш захрига буюк бир исён —
Қоратовда бодом гуллади.

Йиғлаб юборди-ку қоялар —
Жилғалар қуёшнинг акси,
Уялиб қочади соялар...
Қоратовда бодом гуллади.

Яйловда зўр сукут яширин...
Муздек дил ҳам ҳис этар бу дам
Уйғонаётган майса шивирин...
Қоратовда гуллади бодом.

ЎҒОНИШИ

Ўғлим Ҳумоюнга

1

Раҳмат, ўғлим, мана турияпман,
Сал босибди дадангни ғафлат.
Ҳа, дарвоқе, нега уйғотдинг,
Мен қаёққа боришим керак?

Шошма, анов пардани ёпгин
Шафақланди кўзим кўёшга.

Ташқарига бошлаб чиқмасанг
Тўлиб кетди кўзим кўёшга.

Билсанг, узоқ чўзилди бу тун
Тонгни бедор кутдим... ҳарқалай,
Сен бобонгнинг китобин топгин,
Мен юзимни бир чайиб олай.

2

Ўғлим, тонгни кутгандим бедор
Қачон босди ғафлат... билмадим
Чорламоқда бизни тўрт девор
Ортидаги ҳайрат билганим.

Билсанг... бобонг тонгни суярди,
Тонгдек ёруғ эди юзлари.
Шаштидан боғ фусун туярди,
Тоғдек улуг эди сўзлари.

Буни нега айтмаяпман сенга
Узримми ё гурур... билмадим.
Қалдирғочлар чугурлар, яна,
Баҳор қайтди, шудир билганим.

3

Шошма, ўғлим, қўлтигимдан ол,
Ўзинг бошла ёруғ чаманга.
Танамда йўқ гўё ҳеч мажол
Юз ўттиздан ошдим чамамда.

ТАСКИН

Сезаянман, рақс этар сабо,
Жилғаларда ўйноқ табассум.
Далаларнинг оғуши — наво,
Сочим силар илиқ, хуш насим.

Сезаянман майса шивирин,
Демак дилда туйғу сўнмаган —
Демак ҳали яшамоқ мумкин
Юрагимда умид ўлмаган.



АЁЛНИНГ ҚУЛОҒИ

Мексиканча талқин

Севгилсига етишишдан умидини узган Адриан гитарасини қўлига олиб кўшиқ куйлай бошлади:

*Мексикадай ўлкада,
Оғир юмуш елкада,
Қорин тўқлаб бўлкада,
Ишлар экан қизлар ҳам.*

*Суворий деб шишириб,
Олган роса тишириб,
Қўймас қовун тушириб,
Ишлар экан қизлар ҳам.*

*Чет элда юрар барин
Паҳлавон эркаклари.
Қолгани жуда қари,
Ишлар экан қизлар ҳам.*

Кўшиғи ниҳоясига етмасдан ўша жойга Хосе Армандо машинасида келиб қолди. Адрианни тушкун кайфиятда кўриб, ёнига чақирди:

— Шаҳарда нима қилиб юрибсан?

— Сен сўрама, мен айтмай.
— Тушунаман, тушунаман. Ёниб юрибман, де.

— Ёнмай бўладими?! — Адриан бир оз тўхтаб, сўнг яна гапида давом этди. — Нима дейсан, Хосе Армандо, ҳамма жойда ҳам шу қизлар бир хилмикан-а?

— Ҳа, нимаиди?

— Шу узоқ-узоқларга бошимни олиб кетсам дейман.

Хосе Армандо сездики, шу тобда Адрианга бирор таскин берадиган гап айтмаса бўлмайди.

— Чиқ машинага, оғайни, сени бир шаҳар айлантриб келаман. Баҳонада бир оз суҳбатлашиб ҳам оламиз.

Адриан гитарасини машинанинг орқа ўриндиғига қўйди-да, ўзи Хосе Армандонинг ёнидан жой олди.

— Ҳозир ёнимда йўқ, журналда ўқидимми, газетдада ўқидимми, ишқилиб бир ерда ўқидим-да, эркакнинг истеъдоди бурнига боғлиқ экан, — дея гап бошлади Хосе Армандо.

— Йўғ-е.

— Мана сенга бир мисол атай, арақхўрнинг бурни нега қизаради? Чунки у ичишдан бошқа нарсага ярамайди. Бурнининг қизариши унинг арақхўрлик истеъдодидан дарак бериб турибди.

— Худди юз йиллар яшагандай гапирасан-а...

— Юз йил яшаш шарт эмас. Ана, кеча битта тўйга бордим. Бойвуччаники. Ҳамма истеъдоди бурнидан матлумлар ўша ерда. Кўнглим айниб қочиб чиқдим. Ҳа, нега тумшаясан?

— Ўзимнинг бурнимни ўйлаяпман.

— Адриан, сенинг бурнинг катта ва чиройли. Демак, сенда истеъдод бор.

— Ростданми, Хосе Армандо? Бунни Грасела билармикан-а?

— Билганда қандоқ. Бир куни аямга Адрианнинг бурнидай бурун ҳеч кимда йўқ деб айтатганлигини ўз қулоғим билан эшитиб қолганман.

— Хўш, ундай бўлса Граселанинг истеъдоди қаерда?

— Бу борада бирор жойда бирор нарса ўқимадим-у, лекин ўзимча топгандайман.

— Хўш, хўш?

— Менимча қулоғида бўлса керак. Бир мундоқ ўйлаб кўр. Нега қизларнинг қулоғини тепишади? Тезроқ истеъдоларини намойиш қилишлари учун-да.

— Адриан, қани менга айт-чи, ҳеч Граселанинг қулоқларига эътибор берганмисан?

— Қўзларига қараганман, қўлларида ушлаганман. Бироқ, қулоғига

қарамаган эканман.

— Чакки қилгансан. Қараш керак эди. Тешиги борми, йўқлигини билиш керак эди.

— Бунинг муҳаббатга нима алоқаси бор?

— Эҳ, Адриан, Адриан, қишлоқлигининг борасан-да. Заргарлик буюмлари дўқонидаги олтин, бриллиант сирғалар сен билан менинг қулоқларимиз учун бўлмаса керак ҳар қалай. Ажойиб сирғалардан биттасини олиб Граселанинг қулоғига тақиб қўйганинда ҳозир бунчалик қийналиб юрмасдинг, дейман-да. Яхши билиб қўй, барча жойда ҳамма аёлларнинг қулоғи бор. Барча мамлакатларда ҳамма эркаклар аёлларнинг қўнглига йўл топишни уларнинг қулоғидан бошлашади, нодон. Гапларимга тушундингми, Адриан?

— Тушундим, Хосе Армандо.

Хосе Армандонинг гапларини тинглаб, энди асосан тилло зирак учун куйлашни дилига туккан Адриан орқа ўриндиқдан гитарасини олиб кўшиқ куйлашга тушди. Аммо қачон ишензлар тиқилиб ётган Мексикада ўзига лойиқ иш топади, қачон тилло зиракка пул жамғаради, бунни аниқ билмасди.

Социлдан торт, қулоғим чўз,

Муштра майли юзимга.

Қўлларингни бигиз қилиб,

Тиқиб олгин кўзимга.

Башарамга қум соч, майли,

Кесак отгин, тош отгин.

Агар олма тополмасанг,

Картошка от, мош отгин.

Кўз ёшим бор, на севгим бор,

Бир ошиқман—хомхаёл.

Ишқим олтин, қулоғингга

Сирга қилиб тақиб ол!



БЕЛҒИМ ҲАМДА
ТОҒИШ



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil-
dan chiqq boshlagan.

© "Yoshlik" № 5 (197) 2004 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**MARDLAR OO'RIQLAYDI VATANNI***Harbiy bo'lish oson emas. Suhbat..... 1***NAZM***Aleksandr FAYNBERG. O't yoqdim 3**Shukur QURBON. Yonar faqat oftob... 18**Umida ABDUAZIMOVA. Salom hayot, qadimiy
qo'shiq!..... 30**Shamsiddin SADOIY. Buxoroyi sharifdan senga
salomim..... 34**Farmon XUDOYBERDIYEV. Bundayin zamonda yashamoqlik
baxt.....40**Manzura SHAMS. Sen sevgi qizisan.....44**Rasul JUMAYEV. Sezyapman maysalar sasin46***NASR***Ismoil SHOMURODOV. Bir muhabbat tarixi.
Qissa..... 7***ASLIYATDAN TARJIMA***Eron xalq rivoyatlari..... 35***BIRINCHI UCHRASHUV***Adiba UMIROVA. Sarg'ayadi kuz to'la hovli..... 38***ADABIY TANQID***Lola AHROROVA. She'riy romanlar..... 45***JAJJI TADQIQOT***Ra'no EGAMSHUKUROVA. She'r—hayot va haqiqatning badiiy
mezoni..... 32**Abdulla VAXSHIVORIY. Rangin tuyg'u.....39**Mohinur BOBOMURODOVA. Men hayotni yaxshi ko'raman.....43***ELPUG'ICH***Abdurazzoq OBRO'Y. Ayolning qulog'i..... 47***Muqovalarimizda fotojurnalist No'monjon
MUHAMMADJONOV suratlaridan foydalanildi.***1-betda: Termiz tibbiyot kollejining faol talabasi**Shahnoza XOLMURODOVA**2-betda: Chustiyning 100 yilligi tantanalari.**3-betda: O'zbekiston xalq yozuvchisi Tohir MALIK**4-betda: Bolaligim—poshsholigim...*

Manzilmiz: 700000, Toshkent, Javoharla'l Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83
Bosishga 29. 10. 2004 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.
Buyurtma № 289
Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.